

Жон П. Стрелеки

Ер чеккасидаги қаҳвахона

Оқим бўйлаб сузишни бас қил
ҳамда нечун яшашингни ўйла



ЖОН П. СТРЕЛЕКИ

*Ер
чеккасидаги
қаҳвахона*

Оқим бўйлаб сузишни бас қил
ҳамда нечун яшашингни ўйла

1-КИТОБ

«SHARQ-ZIYO ZAKOVAT»
нашриёт-матбаа уйи
ТОШКЕНТ – 2021

УЎК 821.111-31(73)
КБК 84(7)
С – 87

С – 87 Стрелеки, Жон П.


Ер чеккасидаги қаҳвахона [Матн]. Адабий-бадиий нашр /
Жон П. Стрелеки; – Тошкент: «Sharq-ziyo zakovat», 2021.
– 208 б.

Бу китоб бизнес-маслаҳатчи Жон П. Стрелекини машҳур
ёзувчи қилди ва илҳомбахш коучга айлантирди. Асар миллион-
лаб ададларда чоп қилиниб, 30 дан ортиқ тилларга ўгирилди.
Ўзбек тилидаги ушбу таржима илк бор амалга оширилиб, би-
ринчи марта чоп этилмоқда.

Ҳар биримиз вақти-вақти билан ўзимизга: «мен кимман?»,
«қаёққа кетмоқдаман?», «бахтлиманми?» деган саволлар бе-
рамиз. Уларга жавоб топиш ва ўз йўлимизда давом этиш
осон эмас. Китобнинг бош қаҳрамони Жон сирли «Нечун?»
қаҳвахонасига дуч келиб қолмагунича ўз ҳаётини мушоҳада
қилишга деярли уринмаган. Дунё четидаги бу жойда ўтказилган
биргина тун ўзи ҳақида ўйлашга ва ҳаётда ўзи учун нималар
муҳим ва қадрли эканини ҳис этишга мажбур қилди. Замона-
вий ҳаётнинг беҳуда ташвишларидан қутулиш, қўрқувлар ва
шубҳаларни четга суриб ташлаш ҳамда бахтли замонлар учун
очилишга доир ғаройиб ва илҳомлантирувчи қисса айнан – ушбу
асардир.

УЎК 821.111-31(73)
КБК 84(7)

ISBN 978-9943-6747-9-0



© Жон П. Стрелеки, 2021
© «Sharq-ziyo zakovat»
нашриёт-матбаа уйи, 2021

СЎЗБОШИ

Ҳаёт – бу моҳирона ёзилган асар, ҳар бир инсон
эса ўз ҳаётининг муаллифидир. Жон П. Стрелекининг
«Ер чеккасидаги қаҳвахона» асари бунини яққол исбот-
лайди. Китобнинг номи эса беихтиёр кўз ўнгингизда
бепоён манзиллару, ям-яшил адирлар ниҳоясидаги
шинамгина қаҳвахонани намоён этади.

Бош қаҳрамон Жон тушкунликда ўзи учун таътил
олишга қарор қилади. Машинасида кетаётиб, ада-
шади ва «Нечун бу ердасиз?» дея ғайриоддий ном-
ланган қаҳвахонага бориб қолади. У ерда ўзгача
муҳит ҳукмрон, қаҳвахона ходимлари мижозга таом-
лар рўйхати баробарида ноодатий саволлар билан
сийлашади. Бу ерда бир кечада ўтган ҳодиса унинг
дунёқараши ва ўз ҳаётига бўлган муносабатларини
тубдан ўзгартириб юборади.

Азиз ўқувчи! Ўйлаймизки, қўлингиздаги ушбу
китоб сизни ўйлантирган кўпгина саволларга тўғри
жавоб бўлади ва сизнинг кутубхонангиз бағридан жой
олади, деган умиддамиз.

Раҳмат РАШИДОВ,
адабиётшунос, таржимон

Синга – барча ишларимдаги менинг
қадрдон қалбимга*

*Софияга – кўнглимда табассум уйғотувчи
фарштамга.*

*Шунингдек,
Кейсига, Майкка ва Эннига*

¹ *Синь (мифологияда) – орзуларни амалга оширувчи
мўъжизавор қуш.*

ДЕБОЧА

Баъзан ҳаммасидан ҳам буни камроқ кутган бўлсанг ҳам (ва баридан кўра бунга муҳтож бўлган пайтинг), кутилмаганда янги жойда, янги одамлар орасида пайдо бўлиб қоласан ва қандайдир янги бир нарсага ўрганасан. Бир гал кечки пайтда йўлнинг кимсасиз ва қоронғи қисмида мен билан ҳам худди шундай бўлди. Агар яхшилаб ўйлаб кўрилса, ўша пайтдаги вазият менинг айни дамдаги ҳаётимнинг тимсолига ўхшарди. Йўл четида адашиб қолганимдек, ҳаётда ҳам адашиб қолгандим – қаёққа кетаётганим ва нима учун худди шу томонга кетаётганимни сираям тушунмасдим.

Ишдан ҳафталик таътилга чиқдим. Мақсадим иш билан боғлиқ бўлган ишлардан олислаб кетиш эди. Умуман айтганда, гап ишимнинг расволигида эмас. У ёмон иш эмас эди. Албатта, айрим томонларини айтмаганда, шу холос. Шунчаки мен кундан-кунга ҳаётда ўн-ўн икки соат офисда ўтиришдан бошқа иш йўқми, деган ўйга бораётгандим. Бундай босим ўтказишдан мақсадим кўтарилиш – кейин эса ўн икки-ўн тўрт соатлаб яна офисда, яъни алоҳида кабинетимда ўтириш эди.

Мен мактабнинг катта синфларида ўқиганимда коллежда тайёрландим. Коллежда эса ишга жойлашиш учун ҳозирландим. Шундан кейин вақтимни ўзим жой топган компаниянинг чўққисини забт этмоққа сарфладим. Эндиликда мени бу йўлга солиб юборганлар ва бир пайтлар ўзларига айтилган гапларни менга қайтаришса керак, деган гумондаман.

Бундай олганда, бу насиҳатларнинг ёмон жойи йўқ эди, аммо яхши томониям. Назаримда ҳаётимни пулга алмашгандайман, бироқ бундай мавоза (алмаштириш) мени сираям қониқтирмаяпти. Мана шундай эсим гангиган ҳолдалиқ пайтим «Сиз нечун бундасиз» ёки қисқача «Нечун», деган қаҳвахонага дуч келиб қолдим.

Мен бу ҳақда одамларга айтиб берганимда, улар тахминан мана бундай муносабат билдиришарди: «мавҳумот» ёки «васвасали ҳудуд». Охиргиси эски телесериалга ишора бўлиб, одамлар аввалига бир қарашда туппа-тузук жойга тушиб қолишади, кейин билсалар сираям бундай эмас экан. Баъзан оний муддатларда – шубҳали кечинмаларим аслида ҳаётда бўлган, деган қарорга келаман. Шундай пайтларда мен уйдаги ёзув столим тортмасини ковлаштираман ва Кейси менга совға қилган менюдаги ёзувларни ўқиб чиқаман. Бундаги бир неча сўзларнинг бариси аслида нима бўлганини менга эслатади.

Мен ўша йўлимни такрорлаш ва ўша қаҳвахонани яна топишга ҳеч қачон уринмадим. Қалбимнинг кичик бир қисми ўша кеча чиндан ҳам бўлганининг (ёки

бўлмаганининг) унчалар аҳамияти йўқ, дея ишонгиси келади. Агар мен ўша қаҳвахонани топган жойга қайта олганимда эди, уни тополмаган бўлардим; ўша аснода ва айнан ўша кечадаги менинг шахсий эҳтиёжим уни топишимга ягона сабаб бўлганди ҳамда шунинг учун ҳам у мавжуд бўлган.

Балки, бирор кун мен у ерга қайтишга уринарман. Ёки бўлмаса, бирор иш билан унинг эшиги олдида пайдо бўлиб қоларман. Ўшанда кираман-у, агар улар ўша ерда бўлишса, Кейси, Майк ва Эннига ушбу қаҳвахонада ўтган кечам бутун ҳаётимни ўзгартириб юборганини айтаман. Улар туфайли менда пайдо бўлган саволлар ҳам ўзимда шу пайтгача тасаввур қилганларимдан кўра, улкан фикрлар ва кашфиётларга олиб келди.

Ким билади... Эҳтимол, бу галги кечани ўзим каби адашиб қолганча, «Нечун» қаҳвахонасига кириб қолган бутунлай бегона бир киши билан суҳбатда ўтказарман.

Ёки мен ўз саргузаштим ҳақида китоб ёзадиган бўлсам ва уни ёзсам – бу нарса мазкур қаҳвахона нима учун мавжудлигига қўшган амалий ҳиссам бўла қолсин.

БИРИНЧИ ҚИСМ

1-Б0Б

Машина федераль шоссе бўйлаб тошбақа мисоли имиллаб борарди. Бир соатча «бир дақиқа юрамиз, бештасида кутамиз» тартибида михланиб қолдик. Мен радиони титкилаб, бирор оқилона ҳаёт нишонасини ахтардим.

Тополмадим. Йигирма дақиқиқача қилт этмаганимиздан кейин, одамлар машиналаридан чиқа бошладди. Бундан фойда бўлмасаям, энди ҳамма машинадан тушганча, бир-бирига ҳаётдан шикоятбозлик қила оларди – ҳар қалай, кўнгилли жой алмашиш, деб аташ мумкин.

Олд томонимда турган минивен эгаси тутакқан кўйи агар кечки олтигача етиб бормаса, унга олиб кўйилган меҳмонхона жойини бировга бериб юборишлари ҳақида вайсаб кетди. Чап тарафдаги кабриолетли жувон у ёқдан-бу ёққа юрганча, кўл телефонини кўймай, ким биландир бугунги йўллардаги аҳволни муҳокама қиларди. Ортимдаги машинага эса худди бочкада тузланган селёдкалардек тиқилиб олишган ёшлар лигасига аъзо бейсболист ўсмирлар ва қизчалар аста-секин, аммо қатъий тарзда ўзларини кузатувчи аёлнинг гўштини емоқда эдилар. Бечора жувоннинг:

иккинчи марта бунақа ишни зиммамга олмайман, дея кўнгилдан кечган гапларини шундоққина эшитиб турардим.

Моҳиятан, ўзим ҳам бундай узундан-узун норозилик чилвирининг бир бўлакчаси эдим.

Ниҳоят – яна йигирма беш дақиқа давом этган турғунликдан кейин – йўл ўртасидаги майсали полосада полиция машинаси кўринди. У ҳар ўттиз қадамча жойда тўхтар, чамаси, миршаб гап нимадалигини тушунтирарди.

«Эҳ, – ўйладим мен. – ишқилиб, бронжилет ва каскани кийган бўлсин-да».

Сабрсизликка тўлганча, унинг етиб келишини кута бошладик.

Полиция машинаси охири бизгача етиб келди. Биринчидан, уни аёл киши бошқариб келарди. Иккинчидан, етти километрча нарида заҳарли восита ташийдиган цистерна ағдарилиб кетган экан. Минг афсуслар-ки, йўл ёпилибди.

Аёл бизнинг икки вариантимиз борлигини, яъни орқага қайрилишимиз ва бахтимизни бошқа йўлда синаб кўришимиз (бошқа йўлнинг ўзи йўқ эди) ёки йўлни тозалаб бўлишгунча яна бирор соат кутишни тушунтирди.

Машина кейингилар сари йўл олди, мен ортидан кузатиб қолдим. Минивендаги йигит яна меҳмонхона ҳамда кечки олти ҳақида нолишни бошлаганида менинг ҳам сабр косам тўлиб кетди.

– Айнан бирор ёққа кетмоқчи бўлганимда шунақа бўлади, ўзи, – минғирлаган бўлдим ўзимча.

Кейин мен янги ўртоқларимга (уларнинг номларини билмасдим, аммо бизларни яқин масофа масаласи боғлаб қўйган, одатда болаликда дўстлик мана шунга асосланади) чорасизлик сарҳади ниҳоясига етгани ва бошқа йўлни қидирмоқчи эканимни айтдим. Кечки соат олти ҳақида яна бир бор элаган минивен эгасининг йўлимни очди ва машинада майсали ажратувчи полосани кесиб ўтганча, қарши томонга ҳайдаб кетдим.

2-БОБ

Ўша пайтларда бирор ёққа жўнашдан олдин, йўналишни интернетдан телефонимга юклаб олардим. Бу менга жуда оқилона бўлиб туюларди. «Ҳеч қанақа хаританинг кераги йўқ, – ўйлардим мен. – Қиладиган ишим, кўрсатилган томонга юриш, холос».

Аммо энди улардан ҳеч қандай фойда йўқ эди ва мен харитани юклаб олиш учун телефонимни ёқдим. «Тизим берк», – деган ёзув экранда бот-бот пайдо бўларди. Шунда узоқ йўлларда ҳамроҳлик қиладиган ўзимнинг эски, қалингина йўллар атласимни эсладим. Бекорга уни сотиб юборибман.

Мен аслида шимолга юришим кераклигини билган ҳолда, жанубга қараб кетаётганим туфайли норозилигим ошиб борарди. Шосседан чиқиб бўлмайдиган беш мил ўнга, кейин ўн, ўн бешу йигирма бешга айланди...

– Шосседан чиқиш жойи топилганда эса бунинг муҳимлигиям қолмайди. Ахир мен боришим керак жойга қандай етиб олишни билмайман-ку, – дедим овоз чиқарганча, томим кетаётганини ўзимга таъкидлаб.

Ниҳоят, йигирма саккизинчи милда бурилиш пайдо бўлди.

«Эх, уни қара-я! – дедим мен эстакадага қайриларкан. – Чамаси, мен дунёдаги ёнилғихона-ю, таммадихона, умуман ҳеч нарса йўқ ягона чорраҳага келиб қолганга ўхшайман».

Чапга қарадим: бепаён дашт.

Ўнгга қарадим: мана шундай осуда бўм-бўшлик – кўзимни қувнатиб юборди.

– Нимаям дердим, – бу ерда қаёққа юришнинг ҳам аҳамияти йўқ. Мен машинамни ўнга бурганча, хаёлан ғарбга қараб кетаяпман, дея ўйладим. Кейинги чорраҳада эса ўнга бурилиб олишим керак. Нима бўлганидаям, шимолни кўзлаб юравераман.

Йўл икки полосали эди: биринчиси, мени келган жойимдан олисларга олиб кетаётганди. Иккинчиси, яна жойимга қайтариб олиб борарди. Мен уларнинг қай биридан юришим кераклигиниям билмасдим. Шунчаки елиб борардим, вассалом. Машиналар деярли йўқ эди, тараққиёт излари ҳам. Ора-сирада бир-иккита уй ҳамда оилавий фермага кўзим тушарди. Кейин эса ўрмон ва яйловлардан бошқа ҳеч нарса кўзга ташланмади.

Бир соатлар ўтиб, адашиб қолганимга иқроп бўлдим. Аҳён-аҳёнда учраб қоладиган чорраҳалар аҳамиятсиз эди. Уларга қўйилган кўрсаткичлардан кўнгилсизликка тушиб қолганинг манаман, деб турарди. Қирқ милча масофада бирорта тирик жонга дуч келмасанг ва сен кетаётган йўл номи «эски» сўзидан («Эски шоссе, 65») бошланса, сени нималар кутаётгани биргина Яратганга аён, холос.

Навбатдаги чорраҳа ортда қолдирилганлардан деярли фарқ қилмаса-да, мен бари бир ўнгга бурилдим. Бу ноумидлик қадами эди. Нима бўлсаям, ишончли географик йўналишда кетавераман. Ҳатто қаердалигимни тасаввур қила олмасам ҳам. Минг афсуски, бу йўлнинг ҳам номи «эски» сўзи билан бошланарди.

Соат кечки саккизлар эди, қуёш уфқдан анча оғиб кетган. Кеч бўлган сари менинг фиғоним фалакка кўтариларди.

– Аслида шосседа қолаверишим керак эди, – дедим ғазабланган кўйи. – Бир соатча кутиш нима бўпти! Энди эса икки соатни бекорга сарфладим, жин урсин! Ўлай агар қаерда эканлигимни билсам.

Мен худди машинам айбдор каби ёки шунчаки захримни тўкиш учун унинг шифтига алам билан мушт урдим.

Яна ўн, ўн беш, йигирма милча юрсам ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Бензиним ярим бакча қолган. Энди орқага қайтиш варианты тамомила йўққа чиққанди. Энг яхши ҳолатда ёнилғи эстакадагача етарди, шунда ҳам уни агар тополсам. Аммо у ерга етганим билан ёнилғи қуйиш шаҳобчаси бари бир йўқ.

Ягона чора, йўлимда ёнилғи қуйиш шаҳобчаси ва бирор емакхона учрашига умид қилганча, фақат олға юриш керак.

Ёнилғим тугаб боришига қарши ўлароқ, тушкунлигим ошиб борарди. Аслида эса мен тушкунликдан қочиш учун сафарга чиққандим. Бу нарса уйимда ҳам

ошиғи билан бор эди – ишхонадаги муаммолар, турли тўловларга доир машмашалар, ҳатто жонимдан ҳам тўйиб кетгандим. Бир ҳафталик таътилда бўшашиб ва «аккумуляторимни қувватлантириб олиш»ни кўзлаб тургандим. Навбатдаги омадсизликнинг мен учун сираям кераги йўқ эди.

«Қанадай ғаройиб ифода, – ўйладим мен. – «Аккумуляторни қувватлантириб олиш»... Куйиб қолиш, қувватлантириш, куйиб қолиш, қувватлантириш... Бунақада ижобий кайфият ҳақида сўз бўлиши мумкинми?»

Куёш тамоман кўринмай кетди, қош қорайди. Булутларда туссизланаётган пушти ва зарғалдоқ жилолар кундузнинг оёғидан қолган охирги изларга ўхшарди. Менинг осмонга қарагим келмас, бутун диққатимни йўлга қаратган эдим. Аввалгидек ҳеч қаёқда тараққиётдан асар ҳам кўзга ташланмасди.

Мен яна ёнилғи сатҳини кўрсатувчи стрелкага қарадим.

– Бакнинг тўртдан бирича бор. Яна камайишда давом этипти, – кўнглимдан ўтди ушбу сўз.

Машинада охирги бор коллеждан уйга қайтаётганимда тунагандим. Бунга кўп йиллар бўлди ва буни бошқа такрорламасликни истардим. Афсуски, шунақа бўладиганга ўхшаб турибди.

«Мен ухлаб олишим керак, – маҳкумларча ўйга толардим. – Машинамда бензин тугагандан сўнг, пиёда ёрдам излашим учун куч тўплашим керак».

3-БОБ

Бензин стрелкаси Е ҳарфи устига келиб қолган пайти мен олисдан чирқ шуъласини кўриб қолдим. Шу ўринда бир неча мил орқароқда ўз ҳолатимнинг аҳмоқоналигидан тутаққанча, чорраҳадан чапга бурилгандим. Бундай олганда, бу томонга бурилиш билан бирортани учратиб қолиш имкониятим ошишини билдирадиган ҳеч қандай белги бўлмаса-да, бари бир шундай қилгандим. Ҳеч бўлмаганда, йўл номида «эски» деган сўзнинг йўқлиги ҳал қилувчи бўлдими, деб ўйлайманда.

– Умидсизлик чораси ўзини оқласа керак, – далда бердим яна ўзимга-ўзим.

Ёруғлик манбасига разм солгач, кўча фонари эканини англадим. Танҳо кўча фонарини бундай кимсасиз овлоқда учратиш ғалати.

– Илойим, у ерда бирор нарса бўлсин, – деган кўйи такрорлардим (худди сеҳрламоқчидек) олдинда қолган беш юз одимча масофага тикилиб.

Ҳақиқатан ҳам у ерда *нимадир* бор эди.

Фонар олдидан мен автомобиль турар жойини кўзлаб бурилдим. Филдираклар остидаги шағал ғижирлади. Кутилмаганда оққа бўялган чоғроққина бинога

кўзим тушди. «Қаҳвахона «Сиз нечун бундасиз», – мовий неонли пешлавҳа титроқ ёғду таратарди. Энг ажабланарлиси, бино ёнида учта машина турарди. «Қизик, – ўйладим мен. – Бу машиналар қаердан келди? Йўлда бирортасиям учратмаган эдим-ку. Охирги бир соатда на машина, на бир тирик одамни кўрдим... Балки, бу яхшиликкадир. Қаҳвахонадагилар бу овлоқдан қандай чиқиб кетишни билишса керак».

Мен машинадан тушдим, қулочимни ёзиб, ҳузур билан керишдим – машинада ўтиравериб тоза чарчабман, шекилли. Кейин қаҳвахона эшигига қараб юра бошладим.

Осмон улкан яримта ой ва минглаб юлдузларни ҳисобга олмаса, тим-қора эди.

Мен эшикни очган пайтим, унинг ички тутқичига илинган кичкина қўнғироқчалар жингиллаганча, келганимни хабардор қилишди.

Ҳамма ёқни иштахани ўйнатувчи ҳидлар ўраб олди. Шундагина ўзимни нақадар очиқиб кетганимни ҳис қилдим. Димоғим бу ниманинг ҳиди эканини аниқ билмаса-да, мен ўша таомдан уч ҳиссалик буюртма қилишни дилимга тугдим.

4-БОБ

Қаҳвахона ичида кўхна американча дайнер – ўз-ўзига хизмат қилиш атмосфераси ҳукмрон эди. Хромланган баланд бар курсилари сиртига сирилган қирмиз матолар билан узун ва энсиз оқ пештахта ёнида тизилишганди. Деразалар тагида, қизил диванчалар олдидаги столчалар билан қаторлашиб турарди. Суянчиғи баланд диванчалар бамисоли кабинкалар ҳосил қилганди. Ҳар бир столда шиша қанддон, кичкина кумуш кўзачалар – чамаси қаҳва учун сут бўлса керак, деб ўйладим мен – туз ва қалампир идишчалари бор эди.

Эски касса аппарати эшик ёнидаги тумба устида кўр тўкиб турарди. Унинг ёнида эса кийим илиш учун алоҳида ёғоч устун мавжуд. Қаҳвахона жуда ҳам шишам экан. Дўстларинг билан бемалол ўтирганча, гап-лашадиган жойни айтмайсизми? Афсуски, улардан бирортасини эргаштириш хаёлимгаям келмабди.

Официант аёл энг олис бурчакдаги икки мижоз билан гапини бўлди ва менга жилмайган кўйи гапирди:

– Жойлар ҳам эгалик бўлмаган. Тусагани сизники.

Мен тўрт соатдан бери ичимни таталаб келган газабимни босишга уринганча, қўймай қараб келган

BERDAĞ ATINDA QARAQALPAQ MAMLEKETLIK UNIVERSITETI MALIMLEME RESURS 597460 ORAYI

қилдим. Кейин эшикка яқин столни танладим. Қизил винилли курсига назар ташлаганимда унинг тамоми-ла янги экани диққатимни тортди. Атрофига разм солганимдан кейингина, бу ердаги нарсаларнинг барчаси янги эканини пайқадим.

«Чамаси, хўжайин бу ерда шаҳар пайдо бўлади, деб умид қилса керак, – ўйладим мен. – Бўлмаса, тупкани тагида булар на ҳожат?»

– Саломлар!

Менинг бундай хилватларда кўчмас мулкнинг паст нархлари ва шаҳарсозлик имкониятлари ҳақидаги теран ўйларимни бу сўз кунпаякун қилди. Уни официант аёл айтган экан.

– Саломлар! – такрорлади у. – Менинг исмим Кейси. Ишларингиз яхшими?

– Салом, Кейси. Мен – Жон. Пича йўлдан адашдим.

– Бу аниқ, Жон, – хитоб қилди у писмиққина жилмайганча.

Унинг жавоб оҳангидан нимани назарда тутаётганини англолмадим. Мен Жон эканимни тасдиқлаяптими, ё йўлдан адашганимними?

– Жон, сиз нечун бундасиз? – кутилмаганда сўради у.

– Шу-у, юра-юра... баъзи-бир муаммоларга дуч келдим. Уларни айланиб ўтаман, деб охири адашиб қолдим. Тентирай-тентирай ёнилғини тугатдим, ўзим очдан ўлай дедим.

Менинг ғижиниш тўла нутқим тугаганида, Кейси аввалгидек писмиқона табассуми билан менга тикилди.

– Бўлмаса, бундай қиламиз, – деди у. – Сизни очликдан ўлишингизга йўл қўя олмаймиз, бунинг иложи бор. Қолганларини эса ўйлаб кўриш керак. Аввал иқтисод – кейин сиёсат!

У эшикдаги қисқичдан менюни олиб менга узатди. Билмайман, бу ерда гап нимада – ёритишдами ёки узоқ вақт рўлни бошқаришдан азбаройи толиққанимданми. Қасам ичаманки, муқовадаги ҳарфлар эриб кетгандек ғойиб бўлди ва меню қўлимга ўтганида яна пайдо бўлишди. «Жуда чарчабман, шекилли», – ўйладим, менюни стол устига қўяркан.

Кейси чўнтагидан буюртмани ёзиб олиш учун кичкина дафтарча чиқарди.

– Сиз танлагунча, ичишга бирор нарса келтираман, – такаллуф қилди у.

Мен ийманибгина лимон ҳамда бир стакан сув сўрадим.

Кўринишидан бугунги кун бошида ўйлаганимдан кўра кўпроқ чалкашиб кетди. Аввал-бошда – Худо ҳам унутиб қўйган хилватларда соатлаб пойга қўйиш, кейин бу хилватсифат қаҳвахона, энди эса писмиққина табассумли официант аёл.

Мен менюни олдим ва муқовадаги ёзувни ўқидим.

*«Сиз нечун бундасиз»
қаҳвахонасига хуш келибсиз!*

Энг пастки қисмда эса қора ҳарфчалар билан ғалати ёзув битилганди:

Буюртма қилишдан олдин, бизнинг хизматчилар билан бу ерда ўтказган вақтингиз нимани англатиши ҳақида маслаҳатлашиб олинг.

«Ишқилиб, бу вақтимни мароқли ўтказиб, маза қилиб овқатланиб олишимни англатса керак», – дея ўйладим мен ва саҳифаларни очдим.

Ассортимент худди бошқа қаҳвахоналарники каби одатий эди. Нонушта таомлари чап томоннинг юқори тарафида санаб ўтилганди; сэндвичлар – чапдаги пастда; газаклар ва салатлар ўнгдаги юқори қисмда, асосий таомлар эса унинг остида жойлашган.

Мен уни ёпган пайтим, орқа муқовадаги уч савол «*Буюртмани кутганча, булар ҳақида мушоҳада қилсангиз арзийди*», – деган сарлавҳа остидан жой олганди:

*Сиз нечун бундасиз?
Ўлимдан кўрқасизми?
Ҳаётдан розимисиз?*

«Булар сенга спорт хабарлари эмас» – дастлаб калламга шу фикр келди.

Бу уч саволни қайтадан ўқиб чиқмоқчи бўлган пайтимда Кейси сув олиб қайтди.

– Қалай, бу ер ёқяптими? – қизиқсираб сўради у.

Менюни ёпиб, қаҳвахона номига бармоғим билан кўрсатиб қўйдим.

– Бу нима дегани?

– Буни ҳамма ҳар хил тушунади, – жавоб қилди у. – Ўзимиз уни қисқача «Нечун», деб атаймиз. Хўш, сизга нима келтирай?

Мен буюртма қилишга ҳали тайёр эмасдим. Аслида курткамни олганча, бу ердан қуённи чизсамми, дея тургандим. Чунки бу ерда нимадир бошқача туюларди.

– Кечирасиз, Кейси, мен яна пича қараб кўрмоқчиман.

– Ихтиёр сизники, – жавоб берди у. – Мен беш дақиқадан кейин қайтаман, Жон, – деди у ва жилмайган кўйи қўшиб қўйди: – Асабийлашманг. Бу ерда ёмонлар йўқ.

5-БОБ

Мен Кейси қаҳвахонанинг бошқа томонидаги жуфтлик олдиға кетишини кузатдим. У столчаға яқинлашганда яна суҳбат жонланди. Улар нима ҳақида гиплашишмасин, Кейси жилмаяр, уларнинг қувноқ кулгуси менгача етиб келарди.

«Ҳа, бу ер унчаларам ёмон жойға ўхшамайди, – дедим. – Мен ҳам ўзимға уларникидек буюртма қиламан».

Кейин яна менюни қўлга олдим. «Бари бир бошқа чорам йўқ, – фикрим йилтиллади. – Бақдаги бензин тугаш арафасида турибди, қаёққаям борардим. Чама-си, икки юз мил атрофда бирорта ҳам бошқа емакхона йўқ бўлса керак. Сал ғалатироқ жой, аммо ҳозирча хавотирға ўрин йўқ».

Шундан кейин сал тинчландим. Кейси ошхона тарафға ўтиб кетиб, кейин ортға қайтишда столим ёнидан икки бўлак пирог бўлагини олиб ўтаркан, хавотирларим тамоман тарқаб кетди. Мен қулупнай ва ревенли пирогни жондан ортиқ кўраман. Уни охирги марта еганимгаям кўп вақтлар бўлди. Бу ерда уни тайёрлашгани мен учун бир белги, демак, анчагача қолсам бўлади.

Муқова ортидаги саволлар, албатта, ғалати туюлади, аммо менюда санаб ўтилган таомлар иштаҳа очадиган. Мен нонушта пайти аллақачон ўтиб кетганига қарамай, нонушта мажмуини танладим. Кейси ҳамон ўша жуфтлик билан гаплашар, мен эса танлаб бўлганим учун, менюнинг орқа муқовасини кўришға тушдим.

Сиз нечун бундасиз?

Ресторанчаға келганлар учун ғалати савол! Одамлар бу ерга нима учун келишларини хўжайинларнинг ўзи билишмайдами? Мижозлар-чи? Нимаға энди улар бу ҳақда яна ўйлаб ўтиришлари керак? Ахир улар очку, улар тамадди қилишмоқчи. Шундай эмасми? Мен буни тушунмаганим ўз-ўзидан аниқ ва равшан эди.

Сиз нечун бундасиз?

Кейсининг қайтиб келиши мени фикрлаш жараёнидан суғуриб олди.

– Тайёрмисиз? – сўради у.

Мен «ҳа», дейишға оғиз жуфтлаган пайтим, муқова юзидаги буюртма қилишдан олдин хизматчилар билан буни муҳокамадан ўтказиш ҳақида ёзилган огоҳлантишни эслаб қолдим.

– Ўйлашимча, ҳа, – дедим мен, кейин ўша қаторға бармоғимни ниқтадим. – Мен сиздан айнан нима ҳақида сўрашим керак?

– Ҳа-а, буми!.. – хитоб қилди у ва яна жилмайди.

Унинг табассуми менга тобора ёқа бошлаганди.

– Биз вақт ўтиши билан одамларнинг бу ерда бўлган чоғларида ўзларини бошқача ҳис қилишларини пайқаб қолдик, – тушунтира бошлади Кейси. – Шунинг учун уларни «Сиз нечун бундасиз» қаҳвахонамизда кечадиган ҳолатига аста-секин кўниктиришга қарор қилдик. Одамлар бошида уддалай олмаймиз, дея ўйлаган нарсалар қўлидан келишини уларга айтиб ўтамыз.

Бу пайтда мен тамоман чалкашиб кетгандим. У нима ҳақида гапираяпти ўзи – таомми, қаҳвахонами ёки бутунлай бошқа нарсалар ҳақидами? Буни умуман билолмай қолдим.

– Агар хоҳласангиз, – давом этди Кейси, буюртмангизни ошпазга элтаман ва сизга нималар яхши бўлишини билиб қайтаман.

– Майли, – дея минғирладим янада кўпроқ ўзимни йўқотганча. – Шунақа қилинг. Мен нонушта мажмуини истайман. Ҳозир нонушта пайтимаслигини биланман, бироқ уни буюртма қилса бўлар?

– Аниқ шуни хоҳлайсизми? – қайта сўради у.

– Ҳа, аниқ.

– Унақада муаммо бўлмаслигига ишонаман. Бундай олганда, ҳозир бугунги тушлиқдан кўра, эртанги нонуштага яқинроқ.

Мен соатимга қарадим. Унинг миллари кечки ўн яримни кўрсатар эди.

– Мушоҳадангиз ўзгача, – таъкидладим мен.

Кейси жилмайди:

– Баъзида нарсаларга бошқа томондан қараш фойдалироқ бўлади.

У буюртмани ёзиб олди ва кетди. Мен унинг изидан ошхона томонга етгунинга қадар қараб турдим, шундан кейингина у менюни столда қолдирганини англадим.

6-Б0Б

Кейси таом тарқатиладиган дарчага яқинлашганида, у ерда бир эркак борлигини илғадим. У бир қўлида чўп чўмич ушлаган, кўринишидан ошпазлик унинг зиммасида эди. Кейси унга бир нарсалар деди. У дарчадан бош чиқарди ва менга қаради, сўнгра жилмайган кўйи қўл силкиб қўйди.

Мен ҳам жавобан қўл силкидим ва бу ишим ўзимга ғалати туюлиб кетди. Аслида менинг ошпазларга қўл силкийдиган одатим йўқ эди.

Кейси ва ўша эркак икки дақиқача гаплашишди, кейин официант аёл айланма қисқич илмоғига менинг буюртмам ёзилган қоғозчани санчиб қўйди. Эркак айланма қисқични ўз томонига буриб, қоғозчани олгач, унга қараб олди-да, ошхона тўрига ўтиб кетди.

Мен яна ғалати саволларга эътиборимни қаратдим. Мен дастлабки – «Сиз нечун бундасиз» саволига қайта кўз югуртирган пайтим, Кейси қайтиб келди ва қаршимдаги диванчага ўтирди.

– Бу Майк, – изоҳ берди у. – Шу жойнинг хўжайини. Ҳамма иш унинг бўйнида. Майк қўли бўшаган заҳоти сиз билан танишмоқчи. Мен сизнинг буюртмангизни

айтсам, бу жуда кўп-ку, дейди, аммо сизга бир қараб олгач, ҳаммасини ея олишингизга ишонди.

– Ҳа, сизларда хизматлар ёмон эмас.

У жилмайди.

– Биз ҳам шундай, деб ўйлаймиз. Яна бунга қайтсак, – деди у ва хизматчиларга савол бериш ҳақидаги муқовага ишора қилди. – Бу нарса сиз қайта-қайта ўқиётган орқа муқовадаги саволлар билан боғлиқ.

Бу саволларни такрор ва такрор ўқиганимни у қаердан билишига ҳайрон бўлсам-да, индамай қўя қолдим.

– Агар билсангиз, – давом этди у, – бу саволга қараш бир нарса-ю, уни ўзгартириш – бошқа нарса бўлади.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Савол унга худди ҳеч нарса боғлиқмасдек эшитилади, – жавоб берди у. – Аммо сиз ундаги икки-учта ҳарфни ўзгартирсангиз, албатта, жуда кўп нарсани ўзгартириб юборади.

Мен довдираганча, унга бақрайиб қолдим.

– Кўп нарсани ўзгартиради? Ниманинг кўпини? Бу ерда овқатлана олмаслигим ёки бошқача буюртма қилишимними?

– Йўқ, – деди у бирдан жиддий оҳангда. – Ҳамма гап катта ўзгаришлар ҳақида бормоқда.

Кейсининг нимага ишора қилаётгани менга етиб бормади, лекин ҳазиллашмаётгани аниқ эди.

– Гапингизга тушунганимга ишончим йўқ...

У яна менюга ишора қилди.

– Агар сиз саволни бировгамас, ўзингизга бераёт-
гандек ўзгартирсангиз, аввалгидек қола олмайсиз.

Мен гангиб қолгандим. *Аввалгидек қола олмайман?*
Бу нима дегани? Худди катта қоя четига келиб қолган
одамдек эдим. Олдинда жарлик, ўзим Кейсининг гап-
ларини ўйлаш билан банд: олдинга бир қадам қўйиш
– сонияда ҳалок бўлишга ёки абадий бахтга олиб кела-
дими?

– Шунга ўхшашроқ, – деди у ва жилмайди, – аммо
бунчалар кескинмас.

У нималар ҳақида ўйлаганимни қаёқдан билгани-
ни сўрамоққа улгурмасимдан, Кейси давом этди:

– Келинг-а, мен сизга – қандай ўзгартиришни кўр-
сатаман. Сиз ҳеч қанақа қадам қўйиш керакмаслиги-
ни биласиз-қўясиз. Биринчи саволни ўқинг-чи. Худ-
ди кўчадан ўтаётиб, кўз қирингиз билан пештахтани
илғаган каби тез ўқинг. Аммо шу билан бирга *кўришга*
урининг.

Мен менюга тезгина назар ташладим. Кейин яна
бир марта. Мени ажаблантирган тарзда «Сиз нечун
бундасиз?» саволи бошқача бўлиб қолди.

Энди у: «Мен нечун бундаман?» эди.

Уни ўқиб бўлганимдан кейин, савол яна аввалги
ҳолига қайтди: «Сиз нечун бундасиз?»

– Бу қанақаси? – хитоб қилдим мен. – Нимага меню
ўзгариб қолди? Буни қандай қилдингиз?

– Жон, бу саволга жавоб беришга тайёрмассиз, де-
ган гумондаман.

– Нимани назарда тутяпсиз? Буни қандай қил-
дингиз, ҳарфларни қандай ўзгартирдингиз?

Бу вақтга келиб нималар бўлаётганини сира англай
олмасдим ва бу ерда қолишу, барчасини ойдинлаш-
тиришни исташимниям охиригача билмасдим.

Кейси яна эътиборимни ўзига қаратди.

– Жон, буни чинданам кўрдингизми?

– Албатта! Биринчи марта ўқиганимда у бошқача
эди, кейин эса ўзгариб қолди ва... кейин яна ўз ҳолига
қайтди. Нима учун? Ҳеч нарса тушунмаяпман.

Кейси менюнинг юза томонини менга қаратиб,
пастки қисмдаги «Буюртма қилишдан олдин...» қа-
торига бармоғини теккизди.

– Гап шунда-ки, Жон... – сўз бошлади у. – Сиз кўрган
савол... ўша сиз бошқача кўрган...

– «Мен нечун бундаман?» – эслатдим мен.

– Ҳа, айнан. Умуман айтганда, бу юзаки қарайдиган
саволмас. Унга шунчаки кўз ташлаш – битта масала.
Аммо унга синчиклаб қарасанг, кейин уни ўз-ўзинга
ҳақиқатан ҳам берсанг – сенинг оламинг ўзгариб
кетади. Албатта, бу жуда кескин эшитилади, шунинг
учун уни менюнинг орқасига жойлаштирдик.

7-Б0Б

Мен жуда ҳам танг ҳолатда эдим. Нима бу? Тупкани тагидай бир жойда Худо билсин, қандай пайдо бўлган бир қаҳвахонадаги меню муқовасига жойланган ҳамда зиёратчиларга уларнинг оламларини ўзгартиришни уддалашларида кўмаклашувчи мурожат-саволлар ҳақидаги нутқларни эшитиб турибман.

Таътилнинг антиқа бошланиши. Аммо ҳали бу бутун кеча давомида кўрадиганларим олдида ҳолва экани хаёлимга келмасди.

Кейси менга тикилди.

– Биласизми, Жон, сиз кўрган саволни одам ўзига жиддий тарзда берганида, унга жавоб топиш турмуш тарзининг бир қисмига айланади. Бу савол билан уйғониб, кун бўйи миянгизда айланиб юрганини ҳис қила бошлайсиз. Сиз унга эътибор бермасангиз ҳам у мавжуддир, ҳатто ухлаганда тушларингизга киради. Бу худди дарвозага ўхшайди. Уни очишингиз билан сизни ўзига жалб қилиб олади. Улар оддиймас – бир марта очгач, қайта ёпиб бўлмайди.

Шундагина «Сиз нечун бундасиз?» – саволи мен ўйлагандан ҳам анчагина теран маънога эга эканини тушуна бошладим. Кейсининг гапларига кўра, са-

вол фақат одам нима учун қаҳвахонага кириб қолгани ҳақида эмасди.

– Худди шундай, – таъкидлади Кейси менинг фикрлар оқимимни узиб қўяркан. – Гап қаҳвахонадамас. Гап – умуман одамнинг нима учун мавжудлиги *принципида*.

Мен диван суянчиғига сурилдим ва атрофга додираган кўйи алангладим. Бу қанақа жой ўзи?

Мен фикрларимни жамлашга ҳаракат қилдим.

– Кейси, кулоқ солинг, мен бу ерга шунчаки тамадди қилгани кирдим. Сиз гапираётган нарсалар жуда ваҳимали. Дарвозалар ва мияда тез-тез пайдо бўладиган фикрлар ҳақидаги гапларингиз рост бўлса, бундай саволларни бериш кимга керак? Мен уларни сираям ўзимга бермасам ҳам, менда бари жойида.

Кейси менюни столга қўйди.

– Шунақами? – сўради у. – Сизда *бари жойидами*? – У «жойидами»ни дўстона истехзо билан, гўё мендан бунга ойдинлик киритишим учун далда бергандек айтди. – Жуда кўпларда бари *жойида*, Жон. Бироқ айримлар «бари жойида»дан кўра, кўпроқ қониқишлар сари интилишади.

– Шунда улар «Нечун» қаҳвахонасига келишади, – киноя қилдим мен.

– Айримлар шундай қиладиям, – деди у майинлик билан. – Ахир сиз келдингиз-ку?

Мен кўққисдан панд егандим. Нима деб жавоб беришним ва нима қиладиганимни ҳам англай олмасдим. Бу қанақа жойлигиниям билмасдим.

Агар ўз-ўзимнинг олдимда мутлоқ ростгўй бўлишни истасам, шуни тан олиб айтаман-ки, неча йиллар қаторасига наҳотки ушбу биладиганларимдан бошқа бирор нарса бўлмаса, деган шубҳада юрардим. Гап ҳаётимнинг ёмонлигида эмасди. Албатта, у баъзи пайтлари бадларимга уриб кетарди. Айниқса, охирги дамларда. Аммо менинг муносиб иш жойим ва яхши дўстларим бор эди. Ҳаётим «жойида» бўлиб, ҳатто яхшиям дейиш мумкин. Лекин бари бир кўнглимнинг бир қоронғи бурчагида қандайдир бир ҳис ғимирлар, нималигини айта олмасдим.

– Бу ҳиссиёт худди сиз кўрган нарсанинг ўзи бўлиб, одамларни савол беришга илҳомлантиради, – изоҳ берди Кейси.

Мен гарангсираб қолгандим. У яна фикрларимни уқа олаётганидан саросимага тушганим етмаганидай, энди Кейсининг ҳақлигини англаётганим сари баттар танг аҳволга ботиб қолгандим.

Мен узоқ ва имиллаб нафас олдим. Назаримда, яна қоя четига келиб қолгандим. Бу гал ярим қадам олдинда эдим.

– Кейси, бу ҳақда ётиғи билан айта оласизми?

У бош ирғади.

– Аввал айтганимдек, саволларни бераркан, ўзига хос дарвозани очасан. Инсоннинг онги – сиз тасаввур қилганингиз – қалбининг ўзи жавоб излашга тушиб қолади. То буни ойдинлаштириб олмас экан, у одам мавжудлигининг олдинги қаторидан ўрин олаверади.

– Айтмоқчисиз-ки, одам ўзидан: «Мен нечун бундаман?» – деб сўраши биланоқ, бу саволни инкор этолмай қоладими? – аниқлаштириб олишга уриндим мен.

– Йўқ, гап буни қила олмаслигида эмас. Айрим одамлар бу саволга кўз қирини ташлаб, ҳатто яхшилаб кўриб олганидан кейин ҳам, уни унутиб юборишади. Аммо бу саволни ўзига берганлар ва унинг жавобини билмоқчи бўлганлар учун энди уни инкор этишлари қийинлашиб қолади.

– Бўпти, дейлик, бирорта бу саволни беради ва жавобини ҳам топади. Хўш, кейин-чи?

– Бу нарса бир пайтнинг ўзида ҳам хушxabар, ҳам қийин вазифа, – жавоб берди Кейси ва жилмайди. – Ўзидан «Мен нечун бундаман?» дея сўраган киши унинг жавобини топиш иштиёқига тушади. У жавобни топган заҳоти, бошқа бир қудратли куч пайдо бўлади. Кўряпсизми, агар одам нима учун бу ердалиги, нима учун мавжудлигини англаса, – у яшаш сабабини топади ва бу сабабни ишлатишни истайди. Бу худди хаританинг қаерида ҳазина устига белги қўйганига ўхшайди. Ушбу белгини кўрганингда, хазинани инкор этиш қийин бўлиб қолади. Ҳазина сари йўл олишдан тийилиш эса осон эмас. Бу фикр исканжага олади, тинчлик бермайди. Ҳозирги ўринда ҳам худди шундай. Одам қачон-ки нечун бу ердалигини англаса, унга ҳиссий жиҳатдан, ҳатто жисмоний тарзда ҳам, сабабни ишлатмаслик мушкул бўлиб қолади.

Мен ўриндиқ суянчигига ўзимни ташладим ва Кейсининг гапларини элакдан ўтказишга уриндим.

– Хўш-ш, ундай ҳолда бу барини мураккаблаштириб юборади, – ниҳоят сўзлашга тушдим мен. – Боя айтганимдай, яхшиси, бу саволни ҳеч қачон бермаслик яхшироқдир. Савол бермасдан – бурунгидек, яъни жинни чироқдан чиқармасдан, яшамоқ керак.

Кейси менга термулди.

– Айримлар шундай ҳам қилади. Ҳар бир киши танлов олдида туриб, ўзи учун буни аниқлаштириб олиши лозим.

Мен бунга бирор жавоб айтишим кераклигини ўйладим, аммо арзирли изоҳ тополмадим. Қанча сарсонликлардан сўнг, олдимда чироқни илғганимда, хурсанд бўлиб кетганимни эслаганча, асабий тарзда кулиб юбордим. Энди эса нимани ўйлашимниям билолмай қолдим.

– Ҳа-а, жиддий қарама-қаршилик, – таъкидладим мен.

– Умид қиламан-ки, қарама-қаршиликмас. Шунчаки таъсир кўрсатиш, – гапимни тўғрилади Кейси. – Сизга ҳеч нарсани тақашмайди ёки буюришмайди. Сиз хоҳлаган пайт кетишни истасангиз, ихтиёр ўзингизда.

У ўрнидан турди.

– Нонуштангиздан хабар олиб келай-чи.

Мен буюртма қилинган таомни бутунлай ёдимдан чиқарган эдим. Кейси бу ҳақда эслатгандан сўнггина ҳамон қаҳвахонада эканим ва ўлгудек очқганимни теран ҳис қилдим.

8-БОБ

Бошим айланарди. Мен муқовага тикилдим ва яна биринчи саволни ўқидим.

Сиз нечун бундасиз?

Тан олишим шарт, бу савол уни илк марта ўқиганимдан кўра, мутлоқ бошқача маъно касб этганди. Кейсининг айтганларини эслашга уриндим. *Гап одам нима учун мавжудлиги принципида.*

Онгимнинг қай бир қатламида эканини тушунтириб беролмасам ҳам, нимадир қиз билан гаплашаётган пайтим, менюда кўриб қолган саволни ўз-ўзимга беришга мажбур қиларди.

Мен нечун бундаман?

Шу билан бирга Кейсининг бу саволни чинакамига ўз-ўзингга берганингда оқибатлари қандай бўлишига оид гапларини ҳам эсладим.

«Қандай телбалик, – дедим ўз-ўзимга ва кўзимни ишқаладим. – Менга кераги – еб-ичиш, озгина бензин ва икки соатлар мизғиб оладиган жой. Бунақа бошқотирмаларни менга ким қўйибди?!»

Мен ярим стакан сув ичдим ва бирдан столим олдида кўлида кўза тутиб турган Майкни кўрдим.

– Яна озгина қуяйми? – сўради у. – Жуда чанқаган кўринасиз.

Мен бош ирғадим ва у стаканни тўлдирди.

– Менинг исмим – Майк, – ўзини таништирди у.

Мен озгина кўтарилдим ва иккимиз қўл сиқишдик.

– Танишганимдан хурсандман, Майк. Меники – Жон.

– Ишлар жойидами, Жон? Ёнингизга келганимда, анча ўйга ботгандай кўриндингиз.

– Шунга ўхшашроқ, – дедим. – Кейси муқовадаги матн маъносини тушунтирганди. Мен ҳалиям ойдинлаштирмақчиман: бунинг менга аҳамияти борми ёки йўқ?

Кўққисдан Майк бизнинг Кейси билан нимани гаплашганимиз ҳақида тасаввурга ҳам эга бўлмаса керак, деган фикр ярқ этди. Гарчи Майк ушбу муассасанинг хўжайини бўлсаям, муқовадаги саволлар ва қаҳвахона номи остидаги матнни Кейсининг ўзи ўйлаб топган бўлса ҳам, эҳтимол. Бироқ у сираям довдираб қолмади.

– Ҳа-я, худди шундай, мураккаб савол. Ҳамма одамлар у билан турли вазиятларда тўқнаш келишади. Бирлари унга жавобни болалигида топишади, бошқалари – улғайганларида, учинчилари эса – ҳеч қачон. Шунақаси қизиқарлироқ.

Майк, чамаси, Кейси билан бу савол бўйича қандай кўчаларга кириб чиққанимиздан хабардор бўлса ке-

рак, деган ҳаёлда тилимни учида айланаётган саволни бермоқчи бўлдим.

– Майк, Кейси менга одам бу саволни ўз-ўзига берганидан кейин, қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида тушунтирди, – дедим бармоғимни менюга нуқиганча. – Мен эса ўйланиб қолдим: шундан кейин улар нима қилишади?

– Айтмоқчисизки, бу саволни ўз-ўзларига берганларида ёки унга жавоб топганларидан сўнг, шундайми?

Мен икки сониялар ўйга ботган кўйи жим қолдим.

– Менимча, ҳар иккисидаям. Кейси билан одамлар жавобни қандай топишларига батафсил тўхталмадик. Ёки улар жавобни билганидан кейин нима қилишади. Кейси уларнинг буни чинданам билганида қай қолга тушишларини салгина тушунтиргандай бўлди.

– Хўш-ш, жавобни қандай излашга келсак... ҳар қандай одамга мос келадиган услуб бор, деб ўйламайман. Ҳаммамиз ҳам ҳаётга ўзига хос ёндашамиз. Бунга жавоб топган бир неча танишларимнинг қўллаган усулларини сизга айтиб беришим мумкин.

Тилимда «ҳа, буни хоҳлайман», деган жумла айланса-да, бироқ ўзимни тутиб олдим ва жимиб қолдим. Нимадир менга шипширди: жавобни қандай топиш бўйича бир қадар тасаввурга эга бўлгач, саволни ўз-ўзимга бермаслик янада қийинлашиб қолади.

– Худди шундай, – бош ирғади Майк. – Кейси сизга тушунтирган назария.

Майк ҳам фикрларимни уққанига унчалар ажабланиб ётмадим.

Мен бошқа одамлар қандай қилганларини билишни ҳақиқатда истаётганимга ишончим комил эмасди. Охир-оқибат бу саволни ўз-ўзимга беришимга амин бўлмасдим.

– Майк, бошқа асно-чи? Одам бу саволнинг жавобини билгандан кейин нима қилади?

Майк жилмайди.

– Келинг, мен бориб буюртмангиздан хабар олай, қайтганимдан кейин эса жавобини айтаман.

Икки дақиқа ўтгач, у ликоплар терилган баркаш билан қайтди.

– Буларнинг бари менгами? – ишонқирамай сўрадим мен. Ахир буюртма қилишдан олдин менюни яхшилаб кўргандим.

– Сизга-сизга! Бир нонушта мажмуи. Омлет, қотирилган нон, тузланган гўшт, бекон, янги мевалар, хаш-браунлар, печенье... қуймоқ-чалпаклар, ҳа, ҳаммаси.

Мен бунча нарсани баҳам кўрадиган яна бирортани топиш илинжида, атрофга алангладим.

– Бунга қўшимча тарзда бизда қотирилган нон учун желе, блинчиклар учун қаймоқ, печенье учун асал, омлет учун бизнинг алоҳида томатли қиёмимиз ҳам бор. Шунчалар очганингиздан хурсандман.

– Дунёда бунчалар очикқан одам бўлиши мумкинлигига ишона олмайман, – ғулдураддим мен.

– Ҳайрон бўлманг, Жон! Баъзан одамлар уларни

тўйдирадиган ҳамма нарсани ямлай олишларини, шунчаки билишмайди.

Майк баркашдагиларни столга териб чиқди.

– Узр, Жон, мен нариги мижозлар билан гаплашиб олишим керак, аммо қайтиб келаман, қарши бўлмасангиз, кейин иккимиз суҳбатлашамиз.

– Албатта, – жавоб бердим мен олдимдаги ликопларга қараганча, – муаммосиз.

Мен столни тўлдирган таомларни бир четдан тушира бошладим. Омлет, қотирилган нон, мевалар ва бошқа егуликларни додини бериш жараёни устига Кейси келиб қолди.

– Ош бўлсин, Жон?

Мен оғзим тўла ҳолда жавобга шайландим.

– Раҳмат, таомларга гап йўқ.

– Кайфиятингиз кўтарилганга ўхшайди.

Ҳа, кайфият – кўтарилганди. Мени авваллари исканжага олган умидсизлик ғойиб бўлганди. Мен «Сиз нечун бундасиз?» саволи ва унга боғлиқ кейинги муҳокамаларга шу қадар берилиб кетгандим-ки, қолган барчаси иккинчи даражали бўлиб қолди. Ажойиб омлетнинг мавжудлиги ҳам бунга зиён етказмади.

– Тамаддини ёлғиз тугатмоқчимисиз ё бирорта шерик керакми? – қизиқсиниб сўради Кейси.

– Шерик, ҳа, албатта, шерик бўлса ёмон бўлмасди! Айтгандай, чала қолган муҳокамамизни давом эттиришни истайман. Мен суҳбат мавзуси устида бош қотирдим – бир-иккита нарса ўйлантиряпти, холос.

– Айнан нимани сизга ойдинлаштиришим мумкин? – сўради Кейси.

– Гап ўша савол ҳақида. Кимдир ўз-ўзидан нима учун бу ердалигини сўраса ва қай бир йўл билан бунинг сабабини аниқласа, кейин бу билимни нима қилади?

Кейси икки сонияча жим қолди.

– Аввало, бу билим билан хоҳлаганини қилади. Чунки у кашф қилди ва энди бу нарса униқидир. Нима қилиш ҳам ўз ихтиёрида.

Мен унинг сўзлари ҳақида бир лаҳза ўйга ботдим.

– Агар бирор киши нимага бу ердалигининг сабабини топса, буни ишлатишнинг энг яхши усулини топишга ҳаракат қилса керак. Энг муҳими, буни у қандай уддалайди? – Мен Кейсига тикилдим ва у ниманидир билиши, аммо буни менинг ўзим ўйлаб топишимни истаётгандек таассурот уйғонди.

– Бу ҳар кимнинг ўзига боғлиқ, – деди у.

Мен унга тушунмагандек тикилдим.

– Бирор ишора бордир?

– Бу ўринда мисол ёрдам бериши мумкин, – таъкидлади у. – Дейлик, сиз бўш пайтингизда мусаввирлик билан шуғулланишни истайсиз. Уларнинг қайси хилини танлаган бўлардингиз?

Мен ўйланиб қолдим.

– Билмайман. Менимча, бу қандай рассом бўлишни хоҳлашимга боғлиқ бўлса керак. Балки, ўзим истаган кўйи ижод қилган бўлардим.

Мен жимиб қолдим ва Кейси сўзларимни изоҳлашини кутдим. Лекин у бундай қилмади ва ўз жавобимни яна бир бор ўйлаб кўриш ва ҳис қилишга мажбур қилди.

– Наҳот бу чинданам шунчалар осон бўлса? – ишонмадим мен. – Ўзининг нега бу ердалигини англаса басми, бу сабабни ишлатиш учун хоҳлаганини қиладими?

Бу сўзларни айтаркан, вужудимдан ҳаяжон мавжланиб ўтгандек бўлди. Бамисоли ҳозиргина улкан ва муҳим бир нарсани ойдинлаштирдим-у, буни бутун вужудим ҳам тасдиқлади. Бу шу қадар оддий, жудаям ибтидоий чиқди-ки, уни ҳақиқат, дея олмасдим.

Сенинг бу ердалигинг сабабини ишлатиш учун билганингни қил.

– Демак, агар бу ердалигим сабаби одамларга яхшилик қилиш бўлса, қилишни хоҳлаган барча ишларим одамларга ёрдам беришга мос келиши керак экан-да? – Мен бу концепцияга меҳрим товланганидан ҳаяжонланган кўйи сўрадим.

– Баракалла, – бош ирғади Кейси. – Агар одамларга кўмаклашиш сиз учун тиббиёт ходими бўлишда кўринса, албатта, буни қилишингиз керак. Агар бу нарсаси қашшоқлик ҳукумрон жойларда бинолар қуришни англатса, буни қилинг. Балки, сиз бухгалтер бўлганча, одамларга солиқларни тушунишларида ёрдам беришни афзал кўрарсиз? Демак, шундай қилишингиз керак.

Бошим айланиб борарди. Мен ёрқин ҳаётни авваллари бундай мезонларда ўлчамагандим. Ҳаётимнинг катта қисмини бошқа мезонларга таянган ҳолда қарорлар чиқаришга сарфлагандим. Масалан, отаонам маслаҳатига қулоқ осар, жамият талабларини

ҳисобга олар ва бошқаларнинг гап-сўзларига мўралардим. Бу қандайдир бошқача эди.

– Мен бу ерда миллионер бўлиш қандайлигини билиш учун келган бўлсам-чи?

– Унақада сиз «миллионер бўлиш» тушунчасига мос келадиган ишларни қилишингиз керак бўлади, – деди Кейси сокингина. – Агар бу миллионерлар билан муомила қилишни тақозо қилса, шундай қилинг. Бу токи сизда миллион доллар йиғилмагунича ишлашни талаб қилса, ишлайверинг. Худди бошқа мисоллардаги каби, ихтиёр сизда.

– Миллионер бўлиш... бу менга ёқаётгандек, жуда ёқимли эшитилади, – дедим орзумандларча ҳаяжонга тўларкан. – Мен бир жуфт машина сотиб олган бўлардим ва иккита уй ҳам...

Кейсининг овози пасайди:

– Сиз шунинг учунми?

Унинг овози жунбушга келган тафаккуримни жиндловлади.

– Билмайман...

– Бизда Майк билан қўллайдиган бир аббревиатура бор, – деди қиз. – У менюда кўриб қолган саволингиз билан боғлиқ.

Мен менюга қараганча, биринчи саволни яна ўқидим.

Сиз нечун бундасиз?

– Одам бу ерда нима учунлиги сабабини билгач, ўзининг мавжудлик мақсадини аниқлайди. Уни қисқача

ММ, дея юритамиз. Инсон ўз ҳаёти мобайнида мавжудлик мақсадини ҳаётга тадбиқ қилиш учун йигирмата ёки юзлаб турли ишлар билан банд бўлишни хоҳлайди. У буларнинг бари билан шуғулланиши мумкин. Бизларнинг ҳаётдан энг кўп рози мижозларимиз – ўз ММни биладиган ва уни тадбиқ қила олади, дея ишонган барча машғулотларга уриниб кўрадиган кишилардир.

– Камроқ рози кишилар-чи? – сўрадим мен.

– Улар ҳам жуда кўп нарсаларни қилишади.

Кейси жим бўлиб қолди ва мен миямга келиб қолган фикрни очиқ-ойдин айтдим:

– Улар ММларига тўғри келмайдиган кўплаб ишларни ҳам қиладилар.

Қиз жилмайди ва бу менинг ўзи ясайдиган хулосалардан бири эканини англадим.

– Кейси, агар мен ўз-ўзимга савол берсам ва ниҳоят мавжудлигим мақсадини ҳам аниқласам, уни тадбиқ қилиш учун нималар ёрдам беришини қандай англайман? Мен айтмоқчиман-ки, булар одамлар, саёҳатлар, маҳсулотлар, кечинмалар ёки буларнинг бари бирваракайига бўлиши мумкин... Бу қандайдир катта босим беради.

Кейси савол билан жавоб берди. Умуман олганда, кўпинча у қарши савол билан жавоб қайтарарди.

– Жон, дейлик, сизнинг мавжудлик мақсадингиз автомобиллар қандай ясалишини билиш бўлиб қолса ва ўша ММни тадбиқ қилишни истаб қолдингиз. Хўш, унда нима қиласиз?

Мен бир онча ўйланиб қолдим.

– Аввало, автомобиллар ҳақидаги кўплаб китобларни ўқирдим. Балки, автомобиллар ясаладиган жойларга бориб, уларни ясайдиган кишилар билан учрашар, саволлар берар ва маслаҳатлар олардим. Балки, автомобиллар йиғиладиган корхонага ишга кирардим.

– Сиз буларни бир жойда ўтириб бажарармидингиз?

Мен жимиб қолдим ҳамда яна ўйландим.

– Йўқ, агар мен ҳақиқатан ҳам автомобилларнинг қандай ясалишига қизиқсам, унинг биттагина усули билан қаноатланмай, уларни ясайдиган дунёнинг турли чеккаларида бўлардим... Ўзимнинг саволимга ўзим жавоб бераётганимда, одам ўз ММга боғлиқ барчасини ўрганиш ва ўлчаб кўриш мобайнида мавжудлик мақсадини тадбиқ қилишга лаёқатли барча машғулотлар ҳақида билиб олишини тахмин қиляпман.

– Топдингиз, – бош ирғади Кейси. – Бизлар бари-миз айна дамдаги тажриба ва билимимиз билан чекланганмиз, холос. Бу ерда энг муҳим сўз – «айни дамда». Айниқса, ҳозир барчамиз жаҳон тарихида ҳар маҳалгидан ҳам кўпроқ тарзда дунёнинг турли чеккаларидаги ахборотлар, одамлар, маданиятлар ва тажрибалар билан қалин алоқада бўлиш имконига эгамиз.

Мен бош ирғадим ва Кейси давом этди:

– Бизнинг ММни тадбиқ қиладиганни топишга уринган пайтимиз, бизнинг бугунги доирамиз объектив эркинликка нисбатан камроқ, ўз-ўзимизга қўя-

диган чекловларимизга нисбатан эса ортиқроқ муносабатда бўлади.

– Сиз ҳақсиз, – таъкидладим мен. – Аммо ўзимга қолса, бундай эркинлик устунлигидан унчалар ҳам фаол фойдаланмайман. Агар ўз вақтимни қандай сарфлашим ҳақида ўйлайдиган бўлсам, бу деярли ҳар куни шундай бир хил кечади.

– Бу нимадан бўлиши мумкин? – қизиқтирди у.
Мен менюга кўз тикдим.

Сиз нечун бундасиз?

– Бу саволга жавобни билмаганим учун, – дедим мен ва бармоғимни менюга ниқтадим. – Нима учун бу ердалигимни ва нима қилишим кераклигини аниқ билмаганим учун ҳам шунчаки кўпчилик қатори қиладиган ишларни бажариб юрибман.

– Сизнинг тажрибангиздан келиб чиққан ҳолда, «кўпчилик қатори» қиладиган ишларингиз мавжудлик мақсадингизни тадбиқ қилишда ёрдам берадими? – сўради қиз.

Кейсининг саволидан кейин фикрларим ҳам тўрт Коёқлаб йўртишга тушди. Менинг «кўпчилик қатори» қиладиган ишларим мавжудлик мақсадимни тадбиқ этишда ёрдам берадими? Бунга жавоб қайтаришга улгирмасимдан, қиз яна гапга тушди:

– Жон, сиз ким-қачондир денгиз яшил тошбақасини кўрганмисиз?

– Денгиз тошбақасини?

– Айнан, – бош ирғади Кейси. – денгиз тошбақасини. Аниқроғи, сузгичи ва бошида яшил доғлари бор катта яшил денгиз тошбақасини.

– Расмларда кўрган бўлсам, эҳтимол, – ишонқирамай дедим мен. – Нимаиди?

– Бу қанчалар ажабланарли эшитилмасин, – сўз бошлади Кейси, – мана шу катта яшил денгиз тошбақасидан танлашни ва ҳар куни нима билан машғул бўлиш бўйича муҳим ҳаётий сабоқларни ўзлаштирганман.

– У сизга нималарни гапириб берди? – қизикдим мен, иложи борича кулиб юбормасликка тиришганча.

– Кулгили! – хитоб қилди Кейси ва жилмайди. – У аниқ бир нарсани «айтиб» бермаган бўлсаям, аммо

ЖОН П. СТРЕЛЕКИ

бари бир менга кўп нарсаларни ўргатди. Мен ҳаво ниқоби билан Гавайи соҳилларида сузиб юрардим. Ўша кунни омадли десаям бўларди. Мен сердоғ гуногун мурена ва саккизоёқни биринчи бор кўришга эришдим. У ерда яна тасаввур қила оладиган, ғаройиб мовий неончадан қизилнинг энг тўқ тусларигача бўлган барча ранг ва тусдаги минглаб балиқлар мавжуд эди.

Мен пляждан ўттиз қадамча олисда эдим ва улкан сувости қоялари орасига шўнғиётгандим. Бошимни ўнгга бурган пайтим катта яшил денгиз тошбақаси шундоқ ёнимда сузаётганини кўриб қолдим. Ёввойи табиатда бунақасини энди кўраётганим учун завқшавққа тўлиб борардим. Мен юзага чиқдим, трубкамни тозаладим ва сувда муаллақ қалқиганча, унинг сузишини тепадан кузата бошладим. У соҳилга қарама-қарши сузаётган эди. Мен юзада вақтинча қолиш ва уни кузатишда давом этишни истадим. Гарчи тошбақа имиллаб сузса-да, мен оёққа кийган сузгичларим билан сувда қулоч отиб ҳам унга ета олмасдим. Албатта, ундан эпчил бўла туриб, унга етолмадим ва у тезда мендан олислаб кетди.

Ўн дақиқадан кейин уни кўздан йўқотдим. Ҳорғин, ҳафсалам пир бўлган ва тошбақадек сусткаш жонворга етолмаганим учун уялганча, соҳилга қараб сузиб келдим.

Кейинги куни яна бошқа тошбақаларни учратиб қолсам керак, деган умидда ўша жойга келдим. Сувга тушганимдан ярим соатча ўтгач, майда оқ-сарик

балиқчалар тўдасини кузатаётиб, бошқа бир яшил денгиз тошбақасига кўзим тушди. Мен уни қоядан айланиб сузишини кузатдим ва у денгиз ичкараси томон суза бошлаганида, кечаги пойгадан ютқизганим аламини олишга киришдим. Аммо бу гал ҳам устунлик тошбақа тарафда бўлди. Ундан ўзиб кетолмасликка кўзим етгач, шунчаки кузатиш билан чекланиб қолдим. Айнан мана шу воқеа менга муҳим ҳаётий сабоқ берганди...

Кейси жим қолди.

– Кейси, ҳикояни бундай ҳолда узиш керакмас-ку! У нимани ўргатди?

Кейси жилмайди.

– Сиз денгиз тошбақалари бирор нарсани айтишига ишонмайдигандек кўрингандингиз.

Мен унга жавобан майин жилмайдим.

– Мен, албатта, «айтиб» бериш хусусида ҳамон шубҳадаман. Аммо воқеалар ривожига кўра, ўрмаловчиларнинг педагогик лаёқатига ишона бошляпман. Хўш, кейин нималар бўлди?

– Сув сатҳида қалққанча, тошбақанинг ўз ҳаракатларини сувнинг оқими билан мослаганини англадим. Тўлқин қирғоқ томонга интилганида, қарама-қарши сузаётган тошбақа сузгичларини қимирлатганча, ўзини орқага олиб кетолмаслигига яраша ҳаракат қиларди. Тўлқин ортга қайтганида эса ўз ҳаракатларини тезлаштириб, оқимга мослаган кўйи тезлигини оширарди.

Тошбақа тўлқинларга қарши курашмасди; аксинча,

улардан фойдаланарди. Мана шунинг учун ҳам у билан баробар суза олмасдим, яъни тўлқин йўналишидан қатъий назар ҳамма вақт қулоч отардим. Бошланишида бундан ҳеч қандай зиён йўқ эди ва мен ундан ортда қолмасдим. Баъзан эса атайин секин қулоч отишимга тўғри келарди. Қарши тўлқинлар билан қанчалар узоқ курашсам, шунчалар ҳорғинлик тўпланиб борарди. Айниқса, тўлқин қирғоқдан қайтган пайти унинг оқимидан фойдаланиб қолишга кучим етмасди.

Тўлқинларнинг келиши ва қайтиши ошган сари мен кўпроқ чарчай бошладим ва уринишларим камроқ самара берарди. Тошбақа эса ўз ҳаракатларини оптималлаштиришда давом этиб, уларни оқим билан омукта қилар, шунинг учун ҳам мендан тезроқ сузарди.

– Кейси, – сўз бошладим ниҳоят, – мен тошбақа ҳақидаги тарихни баҳолай оламан, деб ўйлайман...

– Яшил денгиз тошбақаси, – сўзимни бўлиб ташлади Кейси ва жилмайди.

– Айнан яшил денгиз тошбақаси ҳақидаги бу ажойиб қиссани бошқалар қатори баҳолай оламан. Ҳатто улардан ошиқроқ, чунки уммонни севаман. Шунга қарамай, бунинг одамлар ўз кунларини тўлдирадиган машғулотларни танлаши билан қандай боғлиқлик жойи борлигини англашимга шубҳам бор.

– Мен эса сиздан кўп нарсаларни умид қилгандим! – менга ўчакишди у ва яна жилмайди.

– Бўпти-бўпти, – иккала қўлимни кўтардим мен, – бир дақиқа беринг.

Бир дамгина яшил денгиз тошбақасигача нима

ҳақида гаплашганимизни ўйлаб кўрдим. Кейин яна гапга тушдим:

– Сиз айтдингиз-ки, одам нима учун бу ердалигини англаши ва ўз мавжудлик мақсадини аниқлашидан кейин, у вақтини бу мақсадни тадбиқ қиладиган ишларга сарфлаши мумкин. Яна айтдингиз-ки, ўз ММни билмаган кишилар ҳам кўп ишларни амалга оширишади. Шунда мен бундай ишлар уларнинг ММни тадбиқ қилишга ёрдам беролмайдиган ишлардир, деган хулосага келдим.

– Жуда оқилона, менга ҳа демай онгингиз бутунлай ёришиб кетадигандек туюляпти, – изоҳ берди Кейси.

– Жуда тўғри туюлётгани аниқ, – хитоб қилдим мен ва унинг киноясига яраша жилмайдим. – Менимча, бу тошбақа – яшил денгиз тошбақаси – сизга агар қилмоқчи бўлган ишинг билан уйғунлик касб этмасанг, кўп нарсаларга қувватингни бекорга сарфлашга тўғри келишини англаган. Сўнгра, қилмоқчи бўлганинга яраша имконият пайдо бўлганида, захирангга вақт ва куч етишмай қолиши мумкин.

– Аъло, – бош ирғади у. – Мен шунчаки тошбақамас, *яшил денгиз тошбақасига* берган урғунгизни кадрлайман, – шу ўринда Кейси жиддийлашди: – Мен учун бу ҳақиқатан ҳам катта воқеа бўлди, унутилмас сабоқ ҳам.

Ҳар куни кўплаб одамлар уларга вақтимиз ва қувватимизни сарфлашимиз кераклигига бизни ишонтирмоқчи бўлишади! Ўзингизнинг электрон почтангиз ҳақида ўйлаб кўринг. Агар сиз ҳар бир тадбирда, савдода ва таклиф қилинаётган хизматларда

қатнашсангиз, сизда бўш вақтнинг ўзи қолмасди. Буларга қўшимча тарзда телеэкранларда, интернет, тамаддихона ва саёҳатларда эътиборингизни эгаллашга интилган барча одамларни ҳам қўшинг... Шунда сиз кўпчилик қатори ишларни қилаётганингизни ёки шундай қилишингизни хоҳлаётганларини англаб қоласиз.

Тошбақани кузатишнинг иккинчи куни соҳилга чиққач, мен мана шундай онг тиниқлашиши билан тўлиб-тошгандим. Мен сочиққа ўтирдим ва уларни кундалигимга ёзиб қўйдим. Менинг ҳаётимга қарши келаётган тўлқинларни мендаги ММ билан боғлиқлар эмас, эътиборим, қувватим ҳамда вақтимга эга чиқмоқчи бўлган кишилар, машғулот ва нарсалар пайдо қилишини англадим. Йўналиши бир тўлқинлар эса – бу менинг ММни тадбиқ қилишда кўмаклашадиган одамлар, машғулот ва нарсалардир. Шунга кўра, қарши тўлқинларга қанчалар кўп вақт ва куч сарфласам, ҳамроҳ оқимлар учун шунча кам вақт ва кучим қолади.

Бошимда мана шу манзара пайдо бўлиши билан мен ҳамма нарсага бошқача қарай бошладим. Қанчалар кўп қулоч отишим ва қандай мақсадларга эга эканим бўйича бошқача ёндашадиган бўлдим.

– Қизиқ, – чўздим мен, унинг ҳикояси ва ўзим ҳам ҳар куни ортиқча вақт сарфлашим ҳақида ўйларга берилганча. – Яшил денгиз тошбақасидан баъзи бир нарсаларни ўрганганингизни айтган пайтда нималарни назарда тутганингизни энди англадим.

Кейси ўрнидан турди.

– Сиз буни англашингизни кўнглимдан ўтказгандим. Аммо менимча, сизга нонуштангизни тановул қилишга ҳалал бераётган бўлсам керак. Келинг, мен сизни бироз ёлғиз қолдирай, сиз таммаддини давом эттиринг, кейинроқ яна қайтиб келаман.

– Кейси, кетмасингиздан олдин сиздан бир вароқ ва ручкангизни сўраб олсам майлими?

– Албатта, – у пешбанди чўнтагидан ручкасини чиқарди, дафтарчасидан битта варақчани йиртиб олди ва уларни стол устига қўйди.

– Жавоби сизни ажаблантиради, – деди у кўзини қисганча.

– Буни қаердан биласиз... – дея гап бошлаганимда, у аллақачон мендан олислаб, қаҳвахонанинг бошқа тарафига кетиб борарди.

Мен қоғозга рақамларни ёза бошладим. Ўртача умр кўриш давомийлиги – 75 йил... мен коллежни тамомлаганимда 22 ёшда эдим... ҳафтасига 6 кун почтани оламан... кунига 16 соат уйғоқ бўламан... ҳар куни 20 дақиқани электрон ва оддий почтага сарфлайман...

Барча ҳисоб-китобларни тугаллаб, жавобига ишонқирамаган сингари бақрайиб қолдим. Яна қайтадан ҳисоблаб чиқдим. Бари бир жавоб аввалгидек қолаверди.

Қарши тўлқин ҳақида гапирганида Кейсининг ҳазиллашмагани менга етиб борди. Коллежни тугатганимдан то 75 ёшга етишимга қадар менинг сира алоқам бўлмаган оддий ва электрон почтага йигирма

дақиқадан сарфласам, бу деярли бир йиллик ҳаётимни тортиб оларкан.

Мен ҳисоб-китобларни учинчи бора текшириб чиқдим. Бари аввалгидек. Мен яна 50 йил яшашимга тўғри келса, ўзимни қўлга олмасам, спамларни ўқишимнинг ўзига улардан бирини сарфлаб юбораман.

– Хуллас?

– Бу Кейси эди. У қайтиб келди, мен ўз ҳисоб-китобларимга берилиб кетганимдан буни пайқаман ҳам.

– Сиз ҳақсиз, – хитоб қилдим ниҳоят. – Мен ажабланиб турибман. Аслида ажабланиш чегарасидан чиқиб, гангишга катта тезликда яқинлашиб қолдим. Фақатгина спамларнинг ўзи бир йиллик умрингни еб қўйиши – даҳшат!
У жилмайди.

– Ҳамма қоғоз ва электрон почталар ҳам спам эмас, Жон.

– Ҳа, биламан, аммо улар бари бир, айниқса, менинг ҳаётимда – жуда кўп. Бундан ташқари гап фақат бундамас. Мен бу ерда ўтирганча, яна қарши тўлқинларнинг қандай унсурлари ҳар куни менинг вақтим ва қувватимни олиши ҳақида мушоҳада юритдим.

– Ҳа, булар ўйлашга арзийди, – қўшилди у. – Мана шунинг учун ҳам яшил денгиз тошбақаси билан ўтказилган вақт менга худди шундай таъсир ўтказди. Кейси яна жилмайди, сўнгра бурилди ва қарама-қарши томондагилар тарафга жўнаб кетди.

Энди мен чалпак-қуймоқлар билан иш олиб борардим. Улар ҳам аввалгилар қатори шу қадар мазали эди-ки... Тамадди мобайнида Майк ва Кейси билан ўтган суҳбатлар ҳақида ўйладим. Булар қаҳвахоналарга хос оддий мулоқот эмасди. Сиз нечун бундасиз? Сиз нега бундалигингизни англагандан кейин нима қиласиз? Яшил денгиз тошбақасидан нимани ўрганса бўлади?

Мен қолган меваларни аввалги таомлар ортидан жўнатаётган пайтда, ёнимга Майк яқинлашди.

– Таомлар маъқул бўлдимиз, Жон?

– Таърифига тил ожиз! Сиз франчайзинг ҳақида ўйласангиз бўларкан, мўмай пул ишлаб оласиз.

Майк жилмайди.

– Бўлиши мумкин, менда маблағ етарли.

– Унақада бу ерда ишлаб нима... – мен тилимни тишлаб қолдим, лекин кеч бўлганди: айтилган гап – отилган ўқ. – Узр, Майк, мен бу ерни ёмон демоқчи эмасман. Шунчаки... аслида нимани назарда тутганимниям билмайман.

– Ҳечқиси йўқ, – ишонтирди Майк. – Менга бу саволни энди беришаётгани йўқ. Жон, сиз таътилга

чиққан ва балиқчи билан учрашиб қолган корчалон ҳақидаги латифани эшитганмисиз?

– Йўқ, чамамда.

– Икки йил олдин бу жуда машҳур эди. Қизиқ-япсизми? Бу сизнинг франчайзинг ҳақидаги гапингизга боғлиқ.

– Албатта, – дедим мен.

– Хуллас, бир корчалон таътил олди ва «аккумуляторини кувватлантириб олиш учун», ҳаммасидан олисроққа жўнади. У олис юртларга учиб кетди ва кичкина бир қишлоқчадан кўналға топди. Икки кун қишлоқликларни кузатди ва дунёдаги энг бахтиёр ҳамда беташвиш кўринган бир балиқчини назар остига олди. Корчалон нимага бундайлигига қизиқиб қолди ва балиқчидан кунларини қандай ўтказишини сўради.

Балиқчи ҳар куни уйқудан туриб, хотини-ю, болаларчақи билан нонушта қилишини, кейин болалари мактабга, ўзи балиқ овлашга кетиши, хотини эсарасмлар чизишини айтди. Икки соатча у балиқ овлайди. Оиласи учун етарлича балиқ тутгач, уйга қайтар ва ётиб мудраркан. Тушдан кейин у хотини билан пляжда сайр қилар, болалари океанда чўмилишаётганида, кун ботишини кузатишар экан.

Корчалон ғоятда ҳайратга тушганди.

«Сен бу билан ҳар куни шуғулланасанми?!» – қайта сўради у.

«Асосан шундай, – жавоб берди балиқчи. – Баъзан бошқа ишлар чиқиб қолади, аммо асосан, турмушим шундан иборат».

«Ҳар куни балиқ овлайсанми» – суриштиришда давом этди корчалон.

«Ҳа, – тасдиқлади балиқчи. – Бу ерда балиқ кўп».

«Сен оилангга етадиганидан ҳам кўп овлай оласанми?» – сўради эринмас корчалон.

Балиқчи унга қаради, жилмайди ва жавоб берди:

«Хўш дегандай, баъзан овим бароридан келиб, кўп овлашимга тўғри келиб қолади. Ортиқчасини яна сувга қўйиб юбораман. Менга шунчаки балиқ овлаш ёқади, кўп ёки камлиги аҳамиятсиз».

«Унақада нима учун куни билан кўпроқ балиқ овламайсан? – сўради корчалон. – Мана шунда ошиқча балиқларни сотиб, пул ишлардинг. Тез орада иккинчи қайиқни сотиб олардинг. Бирортани шерик қилиб ёллардинг. Кейин учинчи қайиқни сотиб олардинг. Ёллаган балиқчиларинг сенга овини топширар, сен уларни шаҳардаги дўконлар ва бозорларга тарқатар эдинг. Бирор йилдан кейин шаҳардан ўз ваколатхонангни очардинг. Ўн йилдан кейин эса, гаров бойлашаман, халқаро балиқ сотиш бўйича бизнесга эга бўлардинг».

Балиқчи яна корчалонга кулиб боқди.

«Буларни нима учун қиламан?»

«Қандайсига? Пул учун! – уни тушунмади корчалон. – Буларни кўп пул ишлаб топиш учун қилардинг, дам олишга чиқардинг».

«Дам олишда нима қилардим?» – сўради балиқчи жилмайишда давом этиб.

«Хоҳлаганингни!» – хитоб қилди корчалон.

«Масалан, оилам билан нонушта қилармидим?»

«Муаммосиз», – ўз ғояси балиқчида завқ уйғотмагани сабаб корчалон уф тортди.

«Балиқ тутишни яхши кўрганим учун бу билан озмоз шуғуллансамам бўладими?» – давом этди балиқчи.

«Албатта, нимага бўлмас экан, – бош ирғади корчалон.

«Унақада, хотиним билан соҳилда кезишим, болаларим уммонда чўмилгунча қуёшнинг ботишидан завқланишим ҳам мумкин экан-да?» – қизиқсинди балиқчи.

«Худди шунақа, кўнглинг тусаганини қиласан! Фақат ўша пайтда болаларинг улғайган бўлишса керак» – таъкидлади корчалон.

«Ҳозир ҳам шуларни қияпман-ку!» – хитоб қилди балиқчи ва суҳбатдошининг қўлидан сиққанча хайрлашди.

Майк латифасини тутатиб, менга қаради.

– Бунга нима дейсиз, Жон?

– Мен бироз бўлса ҳам ушбу корчолонга ўхшаб кетарканман. Етарлича пул ишлаб олгач, нафақага чиқиб кетиш учун асосий вақтимни ишда ўтказаман.

– Бир пайтлар мен ҳам шундай эдим, – бош ирғади Майк. – Аммо ўзим учун муҳим бир тўхтама келдим. Менга кексалиқдаги ҳордиқ етарлича пулим бўлганча, хоҳлаган ишим билан шуғулланиш бўлиб кўринарди. Қариган пайтим ўзимга ёқадиган ишни қилишим, кунимни кечга бориб ундан қониқиш ҳосил қиладиган даражада ўтказишим мумкин. Мана шундай хаёллар билан тирикчилик қилиб юрган кунла-

рим, кўнгилсизлик билан тўла иш куним охиридаги кечалардан бирида қандайдир яхшироқ кун ўтказиш усули бўлиши керак-ку, деган хаёлга бордим. Вақти билан эса ҳаёт аталмиш чалкашлик ичра ўралашиб қолганимни англадим. Ҳаммаси оддийгина бўла туриб, мендай ақли расо одам ҳам чорасизликка тушиб ўтирибман.

Майк гап билан овора экан, фурсатни бой бермаган кўйи тановулни давом эттирдим.

– Мен учун, – давом этди Майк, – ҳар бир кун хоҳлаганимни қилишга имконият эканини англадим. Сиз меню муқоваси ортида кўриб қолган саволингиз жавобини ҳаётга тадбиқ қилишга ҳар куни менда имкон мавжуд. Мен «нафақага» чиқишимни кутиб ўтиришим шарт эмас.

Дарров санчқини четга қўйдим-да, диванга суяндим. Майкнинг гаплари мени ажаблантираётганди.

– Аммо бу унчалар ҳам оддиймас, – ишонқирамай дедим мен. – Агар бу шунчалар оддий бўлганида, нимага ҳамма хоҳлаган ишини қилмайди?

– Энди-и, – жилмайганча жавоб берди Майк, – ҳамма учун жавоб беролмайман. Мана, сиз Жон, хоҳлаганингиз билан шуғулланасизми?

Суҳбат бу томонга бурилиб кетишини кутмаган эдим. Майк шунчаки гапиради, мен эса тинглашда давом этаман, дея умид қилгандим. Аниқ жавоб учун бир лаҳза ўйландим.

– Йўқ, унчалармас, – иқроп бўлишимга тўғри келди.

– Нимага энди?

Бу мен ҳисобга олмаган йўл сари яна бир қадам эди.

– Гапнинг очиги, ўзимам билмайман. Коллежга ўқишга кираётиб, асли нима ўқишим кераклигини яхши тасаввур қилолмасдим. Бу ўқишни кўпчилик диплом олгандан кейин иш топилиши осон, дея маслаҳат берганди. Ўқишни тугатиб, ишлай бошладим, сўнгра хаёлим фақат пул томонга кета бошлади. Натижада яхшигина пул ишлай бошладим, яъни керакли изга тушиб олдим... Ундан кейин бу ҳақда сира ўйлаб кўрмаган эканман, – бармоғимни яна менюга ниқтадим. – Бугунги оқшомгача.

– Боягина айтганимдай, – таъкидлади Майк, – бу савол одамларни қандай ва қачон ўзига қаратиши жуда мароқли.

– Бу қандайдир телбалик, – нолидим мен.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Ҳозиргина айтилганларни-да. Нимага ўзимиз қилишни хоҳлаган ишни ҳозирнинг ўзида эмас, қачондир кейин қилишга тайёрланиш учун шунча вақтни сарфлаб юборамиз?

– Назаримда, сизни бир киши билан таништираман бўларкан, у айнан мана шу саволни ойдинлаштиришга ёрдам бера олса керак, – деди Майк. У ўрнидан туриб, Кейси мижозлар билан гаплашиб турган тарафга кетди. Мен улар нималар ҳақида гаплашганларини эшитолмадим. Аммо икки дақиқадан кейин бир аёл ўрнидан турди ва Майк билан мен томонга кела бошлади.

Улар ёнимга етиб келишгач, Майк мени аёлга таништирди.

– Жон, Энни иккингишни таништирмоқчиман. Жон – бу Энни. Энни – бу Жон. У илк бора қаҳвахонамизга келди.

Энни жилмайди ва биз бир-биримизнинг қўлимизни маҳкам қисишдик.

– Танишганимдан хурсандман, – дедим мен. – Майкнинг айтишича, сиз бу ерга кўп келаркансиз.

– Вақти-вақти билан, – таъкидлади Энни. – Бу ер қачонки сенга керак бўлиб қолганда кирадиган жой.

– Буни менам ҳис қила бошляпман, – тан олдим мен.

– Энни, биз Жон билан айнан сен севадиган мавзуда гаплашаётгандик, – изоҳ берди Майк. Шунинг учун ҳам сендай мутахассиснинг ёрдами ортикчалик қилмайди, дея қарор қилдим.

Энни кулиб юборди:

– Қанчалар мутахассис эканимни билмайман-у, аммо фикримни қизғонмайман. Нима ҳақида гаплашдинглар, ўзи?

– Жон нимага ўзимиз қилишни хоҳлаган ишни ҳозирнинг ўзида эмас, қачондир қилишга тайёрланиш учун шунча вақтни сарфлаб юборамиз, дея сўради.

– О-о, бу чинданам мен севадиган мавзулардан бири! – Энни яна кулиб юборди.

Эннининг кулиши жуда ёқимли эди ва мен дарров унга боғланиб қолдим.

– Марҳамат, ўтиринг, Энни. Сизнинг нуқтаи-назарингизни эшитмоқчи эдим. Майк, агар вақтингиз бўлса, сиз ҳам қўшилинг.

Улар қаршимдаги диванчага ўтиришганларидан сўнг, Майк деди:

– Гап бошлашимиздан олдин, Энни ҳақида баъзи нарсаларни айтиб қўяй. У дунёдаги энг яхши маркетинг мактаби дипломига эга. Кўп йиллар реклама оламида энг бозори чаққон топ-менежер бўлиб ишлаган.

– Оҳ-ҳо! – хитоб қилдим мен. – Бундан роса хурсандман.

– Ҳазим эса унчамас, – эътироз билдирди Энни жилмайганча. – Аммо суҳбат мавзуси учун бу муҳим экан, начора. Жон, сиз телевизор, газета, интернет ва радиодан фойдаланасизми?

– Баъзан, – бош ирғадим мен. – Нимаиди?

– Нонкўрлик бўлмасин-у, кўп йиллар рекламанинг нонини еган одамман. Сизнинг нимага ўзимиз қилишни хоҳлаган ишни ҳозирнинг ўзида эмас, қачондир қилишга тайёрланиш учун шунча вақтни сарфлаб юборамиз, деган саволингизга жавоб кунма-кун бизга кўзимиз, қулоқларимиз орқали тиқиштирилаётган хабарларда пинҳон, – жавоб берди Энни. – Билсангиз агар, одамларнинг қониқишга бўлган интилишлари ва кўрқувлари етарлича сама-

рали тарзда фожеалаштирилса, уларни турли ҳатти-ҳаракатларга иштиёқлантириш мумкинлиги рекламачиларга аллақачондан бери маълум. Бошқача айтсак, керакли кўрқув ёки истакни кучайтириш билан инсонни маълум бир буюмни сотиб олиш ёки хизматдан фойдаланишга мажбур қилиш мумкин.

– Мисоллар келтира оласизми? – қизиқдим мен.

– Дейлик, сиз контенти бахт ёки ҳимоя имконини таъминлашга қаратилган рекламани кўрган ёки эшитган бўлсангиз керак? Бош ғояси: «Бу товарни харид қилсангиз ҳаётингиз янги томонга ўзгаради», – бўлган реклама сизга таниш бўлса керак?

– Аниқ айтолмайман, – чайналдим мен. – Балки, шундайдир.

– Одатда бу фикр очик тиқиштирилмайди, – таъкидлади Энни. – Аксарият компаниялар буни ошқора пеш қилмайди. Нимани кўриш кераклигини билганингда ёки рекламалар яратилишида кўп иштирок этганингда бу рўйирост билиниб қолади. Бу хабарларнинг мақсади – маълум товар ёки хизмат туфайли қониқиш ҳосил қилиш учун ишонишга мажбур қилишдир. Масалан, айнан мазкур автомобилга эга бўлиш ҳаётингизга маъно бахш этади; ушбу музқаймоқни ейиш бахтга баробар; фалон бриллиант хариди ҳаётингизнинг қойилмақомлигини англатади. Шу ўринда жуда муҳим бўлган баъзи-бир нарсани айтман. Қоидага кўра, бир пайтнинг ўзида жуда нозик, лекин жуда таъсирли хабар ҳам илова қилинади. Бу матоҳлар ўзлигингизни намоён этишга имкон бериб-

гина қолмай, уларнинг сизда йўқлиги ўзлигингизни намоён қилишга *халал бериши* ҳам мумкин.

Мен Эннига саволомуз тикилдим.

– Энни, сиз одамларга ҳеч нарса сотиб олманг, демокчимисиз? Бу қандайдир тазйиқ, шу билан бирга унчаларам фойдали маслаҳатмас.

– О, йўқ! – эътироз билдирди у. – Сўзларимни бузманг. Ҳар бир одам истаганини қилиши керак. Мен: машина сотиб олманг, савдо марказига борманг, музқаймоқ еманг, демаяпман. Сиз нимага ўзимиз қилишни хоҳлаган ишни ҳозирнинг ўзида эмас, қачондир – кейин қилишга тайёрланиш учун шунча вақтни сарфлаб юборамиз, деб сўрадингиз. Бунга қисман жавоб шундай: агар эҳтиёт бўлмасак, ҳар куни таъсирига учрайдиган кўплаб маркетинг хабарларига эргашиб кетамиз. Охир-оқибатда ўзлимизни намоён қилиш ва бахт рецепти қандайдир матоҳ ёки хизматда пинҳон экан, дея ишониб қоламиз. Натижада биз шундай вазиятга тушамизки, ўзимизга ёқмаган иш билан шуғулланишда давом этишимиз керакдек, туюла бошлайди.

– Гапларингизга тушуна олмаяпман, – тан олдим мен.

– Келинг, битта умумий мисол келтираман, – сўз бошлади Энни. – У ҳаммабоп бўлмаса-да, бизнинг масалада ёрдам бериши мумкин. Ёшлик пайтларимиздан бошлаб, қониқиш манбаи – буюмлар экани ҳақида тарқатиладиган рекламалар таъсирига учраймиз. Биз нима қиламиз? Реклама алдамаётганини си-

наш учун буюмларни сотиб оламиз. Муаммо шундаки, бу матоҳларни сотиб олиш учун пул зарур. Муаммони ҳал қилиш учун эса ишга жойлашамиз. Бу иш кўнглимиздагидек бўлмаса ҳам, унга сарфлайдиган вақтимиз кўнгилдагидек вақт ўтказиш бўлмаса ҳам, харид қиладиган нарсаларимизга тўлаш учун бу ишни қилишга рози бўламиз. Ўзимизча бу иш вақтинча, холос, деймиз. Нимаики вақтинча бўлса, у доимийдир, деган нақл бор. Вақти келиб, айримларимиз истаганидай иш бошини тутиб ҳам кетади.

Муаммо шундаки, бу иш бизни қониқтирмаслиги, унга кўп вақтимиз сарф бўлаётгани учун тобора ўзимизни қониқмаган ва ўзлимизни намоён қилолмаётгандек ҳис қилганча, ҳаётдан норозилигимиз ортиб бораверади. Атрофимизда *вақти келиб*, келажакда нафақага чиққанида ўзлари хоҳлаган иш билан банд бўлишларини интиқиб кутаётган одамлар тикилиб ётибди. Тезда биз ҳам келажакдаги ўша мавҳум вақтда жонимизга тегиб кетган ишни бас қилиб, вақтимизни хоҳлайдиган ишимизга сарф этишимизни тасаввур қила бошлаймиз. Бу орада эса хоҳламаган ишимизга қила бошлаймиз. Бу орада эса хоҳламаган ишимизга кунма-кун вақтимизни сарфлаётганимизнинг аламини олиш учун, нақд пул ёки кредитга янги-янги нарсалар сотиб оламиз. Кундалик меҳнат тўкин ҳаёт бера олмаётган қониқишни ушбу матоҳлар келтириши ва реклама қисман ҳақлигига умид қиламиз. Афсуслар бўлсинки, биз қанчалар кўп буюмларни қўлга киритсак, шунчалар кўп тўлов қоғозлари эшигимизни қоқиб келаверади ва биз ишда янада кўпроқ

қоламиз. Кўшимча иш излаймиз, уйга иш олиб келамиз. Ўзимиз хоҳлайдиган нарсаларга тобора вақт ва қувватимиз кам қолаётганидан, иш жойида асосий вақтни ўтказиш – ўз ҳаётимиз учун энг кўнгилли вақт ўтказиш бўлмагани туфайли, тобора кучли норозиликка олиб келади.

– Шунинг учун биз янада кўпроқ матоҳлар сотиб оламиз, – илиб кетдим мен. – Буларнинг бари нимага олиб келишини англаётгандекман. Унчалар ҳам ижобий бўлмаган ёпиқ халқа.

– Ижобийми-йўқми, – хитоб қилди Энни, – одамлар ўз ММни тадбиқ қилмайдиган нарсаларга вақтини сарфлашда давом этишади ва ўзларига ёқмайдиган ишда ишлашга тўғри келмайдиган ва севимли машғулотларига банд бўладиган келажакни интизорлик билан кутиб яшайдилар.

– Буни қаранглар-а, мен илгари ҳеч қачон бу ҳақда бундай ўйламаганман! – хитоб қилдим мен. – Сиз бунга аниқ аминмисиз?

Энни ва Майк бирваракасига кулиб юборишди.

– Жон, рекламага тозаям ишониб юбораверманг, деганимдек, барча айтганларимни маъқуллашингиз шарт эмас, – жавоб берди Энни. – Кейсининг айтишича, сиз ҳар биримизда дунёқарашни кенгайтириш имкони бор ва айнан шу усулда теварак-мавжудликни идрок этамиз, деган экансиз. Мен сизга айтганларим – бу битта кишининг фикрлари. Сиз уни эшитдингиз ва энди атрофингизга қараганча, улар қанчалар тўлиқ ёки қисман тўғри ё тамомила хато эканини ўзингиз ҳал қиласиз.

– Булар, албатта, маълум даражада кўп нарсалар ҳақида бошқача фикрлашга мажбур қилади, – таъкидладим мен. – Келтирган мисолларингиз борасида энди айтинг-чи, уларни бошингиздан кечирмаганмисиз?

Энни кулиб юборди:

– Секин айтасизми? Энди мен уларнинг устидан кулишим мумкин, аммо ўша вақтда кулишгаям ҳолим йўқ эди. Чунки чинакамига бахтсиз ва ўз ҳаётимнинг хўжайини эмасдек эдим. Ҳар куни тинимсиз ишлар ҳамда бой берилаётган бўш вақтимнинг ўрнини бошиш учун, ўзимни папалардим. Бу эса ҳаётга оқилона ёндошувдек туюларди. Ҳордиқ кунларимни ҳам ишга бағишлаганим учун ўзимга дердим: демак, нақд пул ёки кредит эвазига бўлса-да, янги либослар, замонавий гажетлар ёки уйимга янги жиҳозлар харид қилиш билан ўзимни папалашга муносибман. Муаммо шунда эди-ки, ҳамма вақт иш билан банд бўлганимдан, ўзимни папалаш учун олган матоҳларимдан фойдаланишга жудаям кам вақт топардим. Кишилар уйимга келганларида улар буткул ёққанини айтишар, лекин мен уйимда кам бўлганим туфайли улардан лаззатлана олмасдим.

Бир куни кечки маҳал уйимда йиғилиб қолган кредитлар ва бошқа тўлов қоғозлари уюмини кўздан кечираркан, улар маошимнинг ҳаммасини ютиб юборишига тайёр эканини англадим-да, тўшакка йиқилганча, шифтга бақрайиб қолдим. Мана шу уввос солиб йиғламаслигимга мос усул эди. Ҳаёт ёнимдан ўтиб кетаётганини ҳис қилдим. Мен уни ўзимга

ёқмайдиган ишда ўтказиб юбораётгандим ва кўлим ҳам тегмайдиган нарсалар сотиб олиш билан бунинг ўрнини қоплашга уринардим. Вазиятни эса ўзим яхши кўрадиган ишлар билан банд бўлишим учун кўзлаган режам – олтмиш ёшгача ишлаш ва кейин нафақага чиқишимни талаб қилаётгани янада чигаллаштирарди. Бу жуда ёқимсиз туйғу эди.

– Ўша пайтларда сиз бошқача фикрлаган бўлсангиз керак, – таъкидладим мен. – Хўш, кейин-чи?

Энни жилмайди ва жавоб берди:

– Бошқача фикрлаш тарзи юз берди. Ўша кеча шифтга тикилиб ётганча, бундай ҳаётга қандай тушиб қолганимни англашга уринаркан, кўчани айла-ниб келишга аҳд қилдим. Мен катта шаҳарда яшардим ва кўчалар гавжум эди. Ҳар бир ўткинчига разм солган кўйи улар менинг ичимдан ўтаётганларни ҳис қилишяптимикин, дея ўйлардим. Ҳақиқатда, улар бахтлими? Хоҳлаган ишларини қилишяптими? Ҳаётларидан розимилар? Охирида мен кўпинча кўрадиган, бироқ бирор бора кирмаган кичкина қахвахонани ичидан кўргим келди. У ерда бир таниш кишини кўриб қолиб, ажабландим. Унинг билан кўп бора учрашгандим. Албатта, ўзини эркин тутишига ҳавасим келарди. У мени ўзининг ёнига таклиф қилди. Биз уч соат мобайнида қайта-қайта қаҳва бюртма қилганча, ҳаёт назарияси ҳақида гаплашдик. Унга ўзим тушиб қолган вазият тўғрисида айтиб бердим. У жилмайди ва ўзимнинг реклама матнларига ишониб қолганимни айтди. Мен ундан нимага ишора

қилаётганини сўраганимда, мазкур ёпиқ ҳалқа ҳақида баён қилди. Кейин баъзи бир нарсаларни сўзлаб берди ва мен уларни ҳанузгача ёдимда сақлаб келаман.

«Барча муаммо шундаки, четдан кимдир бизни маълум бир нарса қониқтиришини айтгани учунмас, бу бизни қониқтиради, деган тушунчага *шахсан* ўзимиз келганимиз учун шундай, дея ҳис қилишимизда».

Ўша кеча уйга боргач, мени нима ва нечун қониқтириши ҳақида мушоҳада қилгани ўтирдим. Ўз олдимга ҳар кунимни қандай ўтказишни хоҳлашимни аниқлаш вазифасини қўйдим. Тезда ҳар бир кунимни ўзманана шундай ўтказишни *нима* учун хоҳлашимни ўзимга савол тариқасида бера бошладим. Бора-бора янгича фикрлаш тарзи мени шу ерга олиб келди, – сўзини тугатди Энни.

Мен нигоҳимни менюга қаратдим. Энни менюга ишора қилди.

Сиз нечун бундасиз?

– Кейин-чи? – сўрадим мен.

Энни яна кулиб юборди.

– Ахир Кейси «мен нечун бундаман» саволини киши ўзига берганида ҳаммаси ўзгариб кетишини айтган бўлса керак. Буларнинг майда-чуйдаларига берилиб ётмасдан, ўша кечадан кейин бошқача одамга айланганимни айтишим мумкин. Бироқ бу аста-секинлик билан юз берди. Ўша кундан бошлаб ўзим учун озгина вақт ажрата бошладим. Мен ўзимни тинимсиз

меҳнат қилиш эвазига буюмлар билан папалашни бас қилдим. Бунинг ўрнига – қилишни истаган нарсаларимни амалга ошириш билан ўзимни папалашга ўтдим. Ҳар куни ҳеч бўлмаганида бир соат ўзим чинакамига ёқтирадиган нарсалар билан машғул бўлишга урунардим. Баъзан бу мени қойил қолдирадиган роман мутолааси бўларди. Айрим ҳолларда – узоқ сайр ёки спорт ўйинлари. Охир-оқибат бир соатим икки соатга, икки соат эса уч соатгача ўсди. Киприк қоққунимча «Мен нечун бундаман» саволига жавобимни тадбиқ қиладиган машғулотларга тўлиғича банд бўлишга эришдим.

13-БОБ

Энни Майкка ўтирилди.

– Сизлар ўлим ҳақидаги саволни муҳокама қилдингларми?

– Нима ҳақидаги саволни? – қайта сўрадим бирдан ожизгина хавотирни ҳис қилганча.

Энни жилмайди ва яна менюга ишора қилди:

– Иккинчи савол.

Мен нигоҳимни меню томон қаратдим.

Ўлимдан кўрқасизми?..

Менюда бошқа саволлар ҳам борлигини деярли унутган эканман. Мени биринчи саволга тўқнаш-тирганларидан кейин, қолганлари ҳақида мулоҳаза юритишга амин эмасдим.

– Улар бир-бири билан боғлиқ, – тушунтирди Майк.

У яна фикрларимни уқяпти! Айни бу жой – бино-йидай қаҳвахона экани ҳақида ўйлай бошлаган пай-тимда. Аммо бундай олганда сира ҳам шунақа, дея ўйламагандим.

– «Боғлиқ» сўзи билан нима демоқчисиз? – сўрадим мен.

– Ўлимдан кўрқасизми? – илиб кетди Энни. – Билсангиз, аксарият одамлар кўрқишади. Агар очиғини айтадиган бўлсак, бу энг кўп тарқалган инсоний кўрқувдир.

– Билмайман, – кифтимни қисдим мен. – Ҳаётда кўп нарсаларни қилиш керак ва истаганларимнинг барини синаб кўриш учун имконият етгунича ўлишни истамайман. Ўлим – ҳар куни ўйлайдиган нарсам эмас.

– Биринчи савол ҳақида бирор бор ўйлаб кўрмаган ва истақларига мос иш билан шуғулланмасдан, ўз ММни тадбиқ қилиш учун сира қадам қўймаган кишилар... – Энни бир зум жим қолди ва менга қараб қўйди. – Бундай одамлар ўлимдан кўрқади.

Энди жим қолиш навбати менга келди. Мен бир Эннига, кейин Майкка, ундан кейин яна Эннига қарадим.

– Айтмоқчисиз-ки, аксарият одамлар ҳар куни ўлим ҳақида ўйлашаркан-да? Бундай бўлмаса керак. Масалан, мен ўлимни ҳар куни эсламайман.

Майк жилмайди.

– Йўқ, бу унчалармас. Биз айтаётган нарса асосан онг остида кечади. Кўплаб одамларда ўлим тунчаси фикрларнинг биринчи қаторида манаман, деб турмайди. Аммо онг остларида улар кунма-кун ҳаётда шуғулланишлари керак бўлган ишга банд бўлиш имкониятлари сира бўлмайдиган дамга яқинлашаётганларини англаб туришади. Шунинг учун улар бундай имкон бўлмайдиган келажакдаги қай бир жойда мавжуд ўша кундан кўрқишади. Ҳа, албатта, улар ўладиган кунларидан кўрқишади.

Мени унинг гаплари ўйлантириб қўйди.

– Аммо бундай бўлиши шарт ҳам эмас, тўғрими? Мен одам ўзидан нима учун бу ердалигини сўраса, ўзи хоҳлайдиган ва ўз ММни тадбиқ қиладиган ишларни қилишни хоҳласа ҳамда бу ишларни қилса, ўлимдан кўрқишга на ҳожат? Бу билан ҳар куни машғул бўлсанг, унга банд бўлолмайдиган кундан кўрқиш мумкинмаску?

Энни жилмайди.

– Ҳақиқатда, мумкинмас, – мулойимгина деди у ва ўрnidан турди. – Жон, сиз билан танишганимдан хурсандман. Мен дўстимнинг олдига қайтишим керак, аммо суҳбатимиз жуда ёқимли бўлди.

Мен жойимдан кўтарилдим ва яна қўл қисишдик.

– Албатта, мен ҳам хурсандман. Ўз тажрибангизни баҳам кўрганингиз учун ташаккур.

Энни бурилди ва қаҳвахонанинг тўр томонига қараб кетди, мен эса диванчага қайта ўтирдим. Менинг ҳиссиётларим ўзгарган эди. Айнан нималигини аниқ билмасам-да, аммо ҳозиргина нималарнидир билиб олганим ва улар анча пайтгача ўз қадрини йўқотмаслигини ҳис қилардим.

– Аҳволингиз жойидами, Жон? – сўради Майк. – Худди саросимага тушиб қолгандайсиз.

– Шунчаки ўйлапман, – жавоб бердим мен. – Сиз ва Энни айтган нарсалар теран маънога эга. Буларни аввалари эшитмаганим ва бу ҳақда ўйлаб кўрмаганим мени ажаблантирар эди.

– Барининг ўз вақти бор, Жон. Балки, буни ўйлаган

бўлсангиз ҳам, аммо ўша пайтларда буларни эшитиш ва уларга мос тарзда ҳаракат қилишга тайёр бўлмагансиз.

Майк турди ва столдан икки бўш ликопни олди.

– Бўшаган идишларни ола қолай. Хаш-браунларни тамомлаб қўясизми?

– Бўлмасам-чи, – ўз фикрларимдан бош чиқариб, олдимдаги чала ейилган таомга қараганча, бош ирғадим мен. – Улар жуда мазали, ҳозир увол қилмайдиган даражада очман-ку...

Майк кетганидан кейин мен яна у ва Энни билан муҳокама қилган гапларга диққатимни қаратдим. Элакдан ўтказадиган нарсалар кўп эди. Мен Эннининг ўтмиши ва рекламанинг таъсири ҳақида мушоҳада қилдим. Аслини олганда, муваффақият, бахт ва қониқиш ҳисси ҳақидаги тушунчам ўзим томонидан эмас, бошқа одамлар томонидан қанчалар белгиланган? Аниқлаб олиш қийин эди. Бундан кейин четдан айтиладиган ғояларни яхшироқ англаб олишга ҳаракат қиламан.

Аммо ўлим ҳақидаги савол – бутунлай бошқа масала. Бу ерда англашнинг теранроқ даражаси талаб қилинади. Мен ўлимдан хавотирланганча, юксак ҳиссий ҳолатда яшаганман, дея олмайман. Аммо бари бир у ҳақда ора-сирада бўлса ҳам, эслаганман. Шунинг билан бирга ҳар бир кунни қадрлаганча, ўзлигингни англаган ҳолда яшаш тушунчаси менда анчагина хайрихоҳлик уйғотганди.

«Агар сен ўзингистаган ишингни ҳар куни қилган ва қилаётган бўлсанг, бу имконият сенда бўлмаслигидан қўрқмаслик керак», – дедим ўзимга-ўзим.

Мен буни аввалроқ ўйлаб кўрмаганимга афсусландим. Қанча йилларни бой берганга ўхшайман.

«Аммо бари бир – ўйладим мен. – Бу тушунча билан шунчаки таниш бўлиш етарли эмасдек. Яна бир бор айтаман: хоҳлайдиган ишинг билан амалда банд бўлсанггина бунинг маъноси бўлади».

14-Б0Б

Мен яна менюга қарадим.

Сиз нечун бундасиз?

Ўлимдан қўрқасизми?

Ҳаётдан розимисиз?

Бу саволлар энди менга уларни илк бор ўқиганимдаги каби ғалати туюлмасди. Энди улар каттароқ маънога эга эди.

Ҳаётдан розимисиз?

«Нечун бундалигингни билишдан нарига ўтмасанг ва бу йўналишда ишламасанг, қониқиш ҳосил қилиш мумкинмас», – деган фикр зудлик билан миямда пайдо бўлди.

– Аммо буни қилиш ҳамиша осонмас, тўғрими? – сўради Кейси.

Мен нигоҳимни аста кўтардим. У сув қуйиш учун бўш стаканга қўл узатганди.

– Айтишга осон, – маъқулладим мен. – Ҳозир ўзимнинг аҳволимни ўйлаяпман. Ҳар куни кўлимдан келадиганини қияпман. Шунинг учун тўлашади. Агар ўзимдан нега бундалигимни сўрасам, нима билан

шуғулланишим кераклигини аниқласам ва кейин бу иш кўлимдан келмаслигини англасам – нима бўлади? Бунга мос иш тополмасамчи? Тирикчилик нима бўлади? Кундалик харажатлар ва келажакка орттириш учун ҳам пул топишим керак-ку? Буларни қилиш учун иқтидорим йўқ бўлсачи? Бу ишлар билан шуғулланиб, бошқаларнинг кулгиси ва менсимаслигига дучор бўлсамчи?

Кейси ҳар ҳолда гапимнинг тугашини кутди.

– Жон, одамлар нега бундалигини ойдинлаштиришга уринган кўйи барча босқичлардан ўтганидан сўнг ва тўғри жавобини топгач, бунинг нималиги уларни ҳаяжонлантира оладими?

Мен буни тасаввур қилишга уринганча, яна икки сониялар жим қолдим.

– Шундай бўлса керак, – ўйланиб жавоб бердим мен. – Агар одам нима учун мавжудлигини англаса, бундан жуда қаттиқ ҳаяжонланиши тайин гап эди.

– Мавжудлик сабабини тадбиқ қилишга ёрдам берадиган нарсалар билан машғул бўлиш ҳам уларни ҳаяжонлантирадими?

Яна бироз жим қолдим. Кейсининг саволлари менга жуда енгилдек туюлганди. «Ниманидир унутиб қўйяпман, шекилли», – ўйладим мен.

– Албатта, – дедим дадиллик билан. – Нимага йўқ бўларкан? Одамга бундай машғулотлар катта кўтаринкилик, ҳатто эҳтирос бағишлаши керак.

– Унақада нимага бу одам мағлубиятга учраши мумкин, деб ўйлайсиз?

Мен унга тикилиб қолдим. Гапга оғиз жуфтлама-симдан, Кейси давом этди:

– Сиз бирор марта ҳар кунги ишига жон-жаҳди билан берилган кишини кўрганмисиз? Ўшанда унинг ўз ишидан лаззат олиб, чинакам омади келгандек туюлганми?

Мен ўйланган кўйи жим қолдим-да, кейин дедим:

– Кўп бўлмасаям, учратганман. Ҳа, икки-уч шундай одамни аниқ биламан ҳам.

– Улар ўз ишининг устасими? – қизиқиб сўради Кейси.

– О, бўлмасам-чи! – шак-шубҳасиз ва бекиноя жавоб бердим мен. – Ўз ишларига шунча вақт сарфлайдилар-у, бунинг устига уста бўлишмайдими! Улар ўз эҳтиросларига мос иш ҳақида тинмай ўқиб-ўрганишади. Шу мавзудаги теледастурларни кўришади, ҳар хил йиғин ва конференцияларга қатнашади... Бунча уринишлардан кейин улар жуда маҳоратли бўлиб кетадилар.

– Улар ўз қилаётган ишларидан чарчашмайдими? – сўради Кейси.

– Йўқ, – бош чайқайман мен. – Уларни қулоғидан тортиб ҳам ишидан ажратолмайсиз. Бу иш билан шуғуланганида қайтага қувват топадилар ва ... – гапимнинг ўртасида тутилиб қолдим.

Кейси менга жилмайди.

– Улар учун иш топишлари чинданам қийинми? Яна жимлик.

– Мен биладиганларим учун бу қийинмас. Улар

жуда катта билимга эга ва ўз ишларини жон-дилидан севишади. Шундан кўпчилик улардан маслаҳатлар олишади ва уларни ўз ишхоналарига жалб қилишга уринадилар.

– Бунақалар яна жуда хушчақчақ ва серғайрат бўлишса керак, дея ўйлайман, – қўшиб қўйди у. – Ҳақиқатда, улар дам олгани таътилгаям чиқмаслиги аниқ.

Мен Кейсининг мулоҳазалари ҳақида ўйлаганча, жим қолдим. Нарсаларга нисбатан ғаройиб қараш усули! Агар ҳамиша хоҳлаган ишимни қилишга тўғри келса, ҳаёт қандай бўларди? Агар бор вақтингни ҳамиша эҳтирос билан бажарадиган ишларингга сарфлай олсанг, бу қанақа бўларкин?

– Пулчи? – сўрадим мен. – Қандайдир соҳада моҳирлигинг ёки у ҳақида кўп нарсани билишинг ҳамма вақт ҳам кўп топишни англатмайди-ку. Дейлик, керакли ишни ҳамиша топа оласан, аммо унга яхши тўлашадими? – Мен кейинги важни топганимда эса янада жонланиб кетдим. – Охир-оқибатда маълум бир одам қандай ишни қониқарли, дея ҳисоблашини ким билади!

– Тушунаман, – бош ирғади Кейси. – Начора, келинг, пулга боғлиқ энг ёмон ҳолатни кўриб чиқамиз. Одам ўз мавжудлиги мақсадини тадбиқ қилишда ёрдам берадиган иш билан яшамокда. Бироқ у «кўп» пул ишлаб тополмаяпти. Ё Раббим! Бу қанчалар катта фожеа! Бунинг оқибатларини тасаввур қилинг. Сиз ҳамиша мавжудлик мақсадини тадбиқ қилган умрни кечирдингиз. Нечун бундалигингизни ойдинлаштирганингиз учун ҳам кўнглингизга ёққан иш билан

ҳаётда яшадингиз. Аммо сиз 65 ёшга кирдингиз ва қарасангиз чўнтакда етарлича жамғармангиз йўқ... Шунда нима бўлади? – сўради у овозини ташвишли кинояга тўлдирганча. – Менимча, сиз кўнглингиздаги ишни аввалгидек бажаришда давом этаверасиз. Шунга ям ота гўри қозихонами!

Мен кулиб юбордим.

– Кейси, сиз керакли пайтида пичингга жудаям уста бўлиб кетасиз!

У жилмайиш билан жавоб қайтарди:

– Мен шунчаки фикрингиз йўналишига амин бўлмоқчиман, холос.

– Тушундим, тушундим. Бу Майк айтган балиқчи ҳақидаги латифага мос келаркан. Ҳозирнинг ўзида қилиш мумкин бўлган нарсани орқага суришнинг нима кераги бор?

– Ҳа, шу ва баъзи-бир бошқалар. Энни билан буюмлар ҳақида қилган мулоқотингизни эслайсизми?

– Албатта, айрим одамлар кўп нарсаларга эга бўлиш учун кўпроқ ишлаб топишга интилади. Улар ўзларига ёқмаган иш билан банд бўлганлари туфайли тополмаган қониқишлари ўрнини буюмлар билан тўлдиришга умид қиладилар. Муаммо шундаки, қанчалар кўп нарсаларга эга бўлишса, уларнинг ҳақини тўлаш учун янада кўпроқ ишларига қолмасалар, ўз ихтиёрлари билан ўзларини тўхтатиб қулига айланиб, ёпиқ ҳалқага тушиб қоладилар.

Мен жим қолдим. Ниманидир тушириб қолдирганга

ўхшардим. Кейсига қарадим, аммо у менга самимийлик билан термилиб турарди.

– Бу пул билан боғлиқ энг кўнглингиз ҳолатми? – сўрадим ундан. Кейси бош ирғади.

Мен бир он ўйга толдим.

– Бундан биринчи хулоса – киши энг ёмон ҳолатда бошқа бир ишни топиши керак.

Кейси сезилмас тарзда бош ирғади ва мен давом этдим:

– Бу ёмон ҳолат, лекин яхши ҳолат ҳам бор бўлиши, шубҳасиз. Одам нечун бундалиги сабабини тадбиқ қилиш ва истаганини бажариш билан ҳам кўп пул ишлаб топиши мумкин.

Кейси яна бош ирғади.

Мен яна етишмаяпти, дея ҳис қилган ҳалқагача етиб бормагандим. Диванча суйанчиғига ўзимни ташладим ва сув ичдим. Кейсидан ишора кутган пайтим, ўзим буни англаб етдим:

– Балки, пулларнинг аҳамияти камайиши мумкин-ку? Мен буни одамлар ва шарт-шароитларга боғлиқ, деб ўйлайман. Аммо Энни билан бўлган мулоқотимизни эсларкан, одамлар нима учун ишлашаркин, дея жаҳлим чиқаётганди. Энни билан суҳбатлашиш жараёнида одамларнинг ишлаш моҳияти ўзларига қониқиш излашда эканини гаплашган эдик.

– Мисол келтира оласизми? – қизиқиб сўради Кейси.

– Шахсан ўзимнинг ишлашим пул топиш билан боғлиқ. Пуллар сотиб оладиган нарсаларим учун ке-

рак. Сотиб олаётганларим ҳақида ўйлаганимда эса, ўзим ҳам Энни билан муҳокама қилган одамлардан бири эканимни кўрсатди. Мендаги бор нарсаларнинг кўпчилиги – воқеликдан қочишимга, бўшашишим ва теваракка яхшироқ қарашимга қўл келадиган матоҳлардир. Шу ерда савол туғилади: агар «қочиш» ва «асабийликни юмшатиш» зарурати бўлмаганида, улардан қанчаси менга зарур бўларди? Агар мен доимо ўзимга ёққан ишларни бажарганимда, кўнгил ёзишга эҳтиёж пайдо бўлмасди, ҳатто сиқилмасдим. Ўрмонга бориб, чайлада яшашни назарда тутмаяпман. Аммо одамнинг «кўп пул» ҳақидаги тасавури ўз ММини тадбиқ қилиш билан банд ҳаётига қанчалар боғлиқлиги мени қизиқтиради.

Кейси яна бош ирғади.

– Айтмоқчисиз-ки, одамлар кўп пулга эга бўлишни истамасликлари керак, шундайми?

– Йўқ, – ўз фикримни ифодалашга мос сўзларни ахтарганча, бош чайқадим. – Буни назарда тутмаяпман. Агар мен нечун бундалигим сабабини аниқлаб, қарашларимга мос иш билан банд бўлганимда, эҳтимол, пул ҳақида ҳозиргидан кўра камроқ қайғурган бўлардим. Айтмоқчи бўлганим мана шулар, холос.

Кейси ўрнидан турди ва икки бўш ликопни олган кўйи жилмайди.

– Жон, фикрларингиз жуда мароқли.

Мен ошхонага қараб кетаётган Кейсининг орқасидан кузатдим ва дедим:

– Бу жой ғоятда ажойиб, Кейси.

Кейси қайтиб келиб, яна стаканимга сув қуйди ва қаршимга ўтирди.

– Жон, мен ликопларни олиб борганимда, Майк сизга қизиқарли бўладиган нарсани эслатиб қўйди. Бу нарса одамларнинг ўз ММни тадбиқ қилишда дуч келадиган муаммолар ҳақидаги аввалги гапларимиз билан боғлиқ.

– Сиз тирикчилик учун улар қандай пул топишларини назарда тутяпсизми?

– Қисман ҳа, аммо шугинамас.

Мен Кейсига қарадим.

– Қулоғим сизда.

– Ҳаммаси жойида бўлиши учун, – сўз бошладди у. – Бизлар боягина гаплашган одамлар ҳақида ўйлашингизни истардим.

– Сиз ўз ишлари билан яшаётган танишларимни назарда тутяпсизми? – аниқлаштирдим мен. – Ҳар куни ўзларига қувонч бахш этадиган иш билан банд кишиларни, шундайми?

– Айнан уларни. Уларда бирон-бир алоҳидаликни пайқаганмисиз?

– Шундай бир аёл савдо билан шуғулланган эди ва...

– Йўқ, Жон, – гапимни бўлди Кейси, – умумий жиҳатдан олиб қараганда улар нима билан шуғулланишлари ҳақида ўйлаб кўринг. Уларнинг нимаси қизиқарли? Қандай умумийликлари бор?

Мен суянчиққа кифтимни ташладим-да, бир лаҳзага кўзларимни қисдим. Ўйлаган одамларимни бирма-бир хаёлан тасаввур қилдим.

– Улар самимий тарзда бахтиёрдек туюлади ҳамда қилаётган ишларининг лаззат бериши ҳам яққол кўриниб турибди. Албатта, ўзига жуда ишонган кишилар, дейиш мумкин. Бу кеккайишмас. Ҳамма иш улар айтгандек бўлишини англаш унчалик қийин эмас. Уларга яна омадлилик хосдир. Сувга ирғитсанг тишида балиқ билан, тегирмонга ташласанг – бутун чиқадилар.

– Мисол келтира оласизми?

– Хуллас, ҳозир эсимга тушган бир аёл бор. Эни билан гаплашганимиздан кейин, унинг реклама соҳасида ишлаши менга ғалати туюляпти. Нима бўлганидаям, у каттагина битим тузишга уринарди. Бу айнан нима ҳақидалигини эслолмайман, аммо жуда йирик битим эди. Битимни қўлга киритиш учун кўплар уринишиб, омадсизликка учрашди. Хуллас, мана шу аёл шартномани қўлга киритишни хоҳлади. Бу иш бўйича материалларнинг тақдимоти устида иш олиб бораркан, у билан коллежда бирга ўқиган дугонаси кўнғироқ қилиб қолди. Улар ўзларидаги янгиликлар ҳақида гаплашганларидан сўнг, таниш аёл шартнома ҳақида сўз очди. Маълум бўлишича, ўша аёлнинг коллежда

орттирган бошқа бир дугонаси (айнан бизнинг таниш аёл) шартнома тузиши керак бўлган компанияда ишларкан. Яна икки-уч бор кўнғироқлашгач, учаласи бирга тамадди қилишга келишиб олдилар. Албатта, икки ҳафтадан кейин, менинг танишим истаётган шартномани имзолатди ва катта пул ишлаб олди. Бундай кишиларнинг ҳаётида юз берадиган кутилмаган ёқимликлар кўп учрайди, деганимда мана шуни назарда тутгандим. Бундай одамлар омадни ўзларига оҳанрабо мисоли тортадиган бўлиб туюлади.

– Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

Мен сувдан ҳўплладим.

– Аниғини билмайман. Балки, бу бир тасодифдир. Аммо қилган ишидан лаззат оладиган кишилар ҳақида ўйлашни сўраб, ниҳоятда яхши қилдингиз. Булар – ўз ММга мос нарсаларга вақт сарфлайдиган кишилардир. Уларнинг ҳаётида бахтли ҳодисалар доимий юз бериб туради.

Кейси менга қараган кўйи жилмайиб қўйди.

– Бунақаси фақат шундай одамлар билан юз берадими? Ўзингиз билан ҳам юз бермаганми ҳеч?

Мен диванга суяндим.

– Менимча, юз берган. Бирваракайига бирорта мисол келтиролмайман. Лекин айни менга керак бўлган чоғида шундай кутилмаган ёқимликлар юз берганидан ажабланган пайтларим бўлган.

– Жон, агар сиз маълум бир мисолни эслай олганингизда, гапимиз анча қовушган бўларди.

– Масалан, бу айнан мен истаган нарса билан

шуғулланганимда юз берган дамларми? – тушунган мисоли бош ирғадим секин. Шу пайтда титроқ баданимдан худди ток ургандек югуриб ўтди. Бундай ҳиссиёт илгари ҳам мен ўзим ҳақимда янги бир муҳим нарсани билган пайтларим пайдо бўларди.

– Жон, айнан сиз ҳақингиздамас-у, бу қаҳвахонада ишлаётган пайтим, умуман одамларга боғлиқ бўлган нарсаларга диққат қиламан. Ўз ММни биладиган, уни тадбиқ қилиш учун ўзига ёққан иш билан банд кишилар ҳақиқатан ҳам ноёб омадга эга кишилар бўлиб туюлади. Бундайлар билан энг зарур пайтларда тасодиф каби туюладиган кутилмаган нарсалар юз беради. Мен бу ҳақда уларнинг баъзи-бирларидан суриштирганимда, гарчи улар бундай ҳодисалар мавжудлиги ҳақида гапларга қўшилсалар-да, аммо унинг сабаби нимада экани тўғрисида турлича қарашларга эга. Очиги, улар бунинг сабаби устида эзгиланганча, бош қотирмайдилар. Улар ўз мавжудлик мақсадларини тадбиқ қилаётганларида бу ҳодисанинг ишга қўшилиб қолишини биладилар, бироқ бунга шунчаки табиий ҳолдек қарашади, холос.

– Ажабо, – хитоб қилдим мен. – Мавҳумотнинг ўзи.

– Айримлари шундай ҳам деган. Бошқалар эса буни Фалакнинг табиий оқими ёки «олий кучларнинг иши», дея санашади. Учинчиларга бу омадга боғлиқдек туюлади. Аммо улар бир нарсада – бунинг бари ўзлари бажараётган ишнинг бир қисми эканида яқдил бўладилар.

– Ўзингиз нима деб ўйлайсиз, Кейси?

– Очиги, билмайман. Менимча ҳамма сабабларнинг ўз аҳамияти бор ва яна бир қўшимча мавжуд. Сиз қачондир экспоненциаль рақамлар назарияси ҳақида эшитганмисиз?

– Энди эшитишим, шекилли. Изоҳлаб бера olasизми?

– Албатта, бу ерда ҳеч қандай қийинчилик йўқ. Мисол келтираман. Экспоненциаль рақамлар назарияси моҳияти шундаки, агар сиз бир кишига битта гапни айтсангиз-у, уни бошқаларга айтишга ишонтирсангиз, бу одам уни янада кўпроқ бошқа одамларга етказса, буни бир ўзингиз айтиб чиқишингиздан кўра, кўпроқ одамларга тарқаб кетади.

– Худди электрон почтадаги жўнатмаларга ўхшаб, – бош ирғадим мен. – Хабарни ўнта одамга жўнатасиз. Уларнинг ҳар бири ўнтадан одамга жўнатади ва шу билан кетди.

– Айнан. Бу ердаям худди шу усул. Фақат энди сиз кишиларга ўз ММнгизни тадбиқ қилишда ёрдам берадиган нимадир қилмоқчи эканингиз ҳақида айтасиз. Агар бу фикрни ўнта одамга айтсангиз, уларнинг ҳар бир яна ўнтадан одамга айтса ва шу тарзда давом этса, тезда сизга ёрдам беришга тайёр турган одамларнинг улкан оломони пайдо бўлади.

Мен бир зумга ўйланиб қолдим.

– Нимага энди уларнинг менга ёрдам бергилари келиб қолди? Бир киши бошқаси билан менинг ишим ҳақида гаплашиши учун қандай иштиёқ сабабчи?

Кейси менга тикилди, аммо жавоб бермади. Мен

ўз саволимга ўзим жавоб топишим керак бўлган ҳолатга яна дуч келганимни англадим. Айни дамдаги суҳбатимиз ва экспоненциаль рақамлар мавзусига қандай етиб келганимиз ҳақида мушоҳада юрита бошладим. Аммо ҳа деганда ечимни тополмасдим.

– Йўқ, тополмадим. Кейси, бирор ишора қилоласизми?

– Жон, суҳбатимиз бошида эслаган одамларингиз ҳақида яхшилаб ўйланг. Ўз ММни тадбиқ қилиш учун меҳнат қилаётган ўша одамлар билан муомалада қанақа туйғулар пайдо бўлади?

– Ҳайратомуз! Улар қилаётган ишларига нисбатан жонбозлиги ва иштиёқини кўриб, унга қўшилгинг ва ёрдам кўрсатгинг келади... – Мен яна тўхтаб қолдим. – Бўпти, Кейси! Бу ҳақиқатан ҳам жавобим эканини таъкидламоқчимисиз?! Бунинг «элга овоза қилиш»га қандай мувофиқлиги бор?

– Жон, сиз ҳозир уларнинг жонбозлиги ва иштиёқи уларга ёрдам бериш туйғусини кўзғайди, дедингиз. Агар сизнинг ўзингиз ёрдам бера олмасангиз, бу иш қўлидан келадиган бошқа кишиларни билсангиз, улар билан боғланармидингиз?

– Албатта! Буни қилишни хоҳлайсиз, чунки бундай одамлар... – мен мос сўзларни ахтарган қўйи жим қолдим.

– Ишончли йўлдан боришаётгани учунми? – секингина шипшитди Кейси.

– Ҳа, шунга ўхшашроқ. Улар шунчалар ҳақ йўлдаки, кўмаклашиш – савобдан бошқа нарса эмас.

– Сиз ёрдам кўрсата оладиган бошқа кишилар билан улар тўғрисида гаплашганда, гап оҳангингиз қандай бўлади? – давом этди Кейси.

Мен иккимизга тегишли ним табассум қилдим.

– Иштиёқли одамлар билан гаплашган сингари кўтаринки ва жонбозлик оҳангида. Ҳиссиёт ҳикояни ажралмас қисмидек, ёки назарда тутилган эҳтиёжнинг ўзидек, бу оҳанг ҳам юкумлидир.

– Мана шунинг ўзи сиз учун жавоб, – Кейси ўрнидан турди ва столдан қолган ликопларни йиғиштира бошлади. – Жон, мен ҳангу-мангман, – таъкидлади у бўш ликопларни тутиб турганча. – Ёмонам очқаб кетибсиз-а!

– Ҳамма гап таомда, – изоҳ бердим мен. – Яхши овқат қолгунча ёмон қорин ёрилсин!

Ошхона тарафга назар ташлаб, у ерда Майкни кўрдим. У менга қўл силкиб қўйди ва бу гал ошхона ошпазига қўл силкишдан камроқ хижолат бўлганча, мен ҳам унга қўл силкидим.

– Кейси, қулупнай ва ревенли пирогдан бирор бўлак қолмаганмикин?..

У кулиб юборди:

– Ошхонага борай-чи, нима бўлишини кўрармиз.

Икки дақиқалардан кейин Майк келиб қолди. У қўлида нақ тўрт кишига етадиган пирог бўлаги солинган ликоп кўтариб олганди.

– Кулупнай-ревенли пирог бўлакчаси тайинлов-мидингиз?

– Майк, бу пирог бўлакчасимас, ярими-ю! Буни барини еёлмасам керак.

У ликоп билан тоза сочиқча ва санчқини столга қўйди.

– Сиз шошманг, ҳали вақт кў-ўп... Кейси билан баҳс қалай бўлди?

Бу вақтда мен санчқи билан пирогдан бурдани ажратиб, лунжимга тикқан кўйи ковшанаётган эдим. Аввал сувдан қултумладим ва шундан кейингина жавоб бердим:

– Қизик, жуда қизик. Биз мана бу саволнинг мослаштирилган версиясига жавоб топдик. – Мен менюга ишора қилдим.

Бир зумга савол «Мен нечун бундаман?»га ўзгарди ва яна аввалги шаклига қайтди. Мен бу ўзгариш устида ўйланиб ҳам ўтирмадим.

– Ҳа, айнан мана шунга, – давом этдим мен. – Бун-

дай одамларнинг табиатларида умумийлик борга ўхшайди. Улар нечун бундаликларини яхши англайдилар; нечун бундаликларининг сабабини тадбиқ қилиш учун нима билан машғул бўлишни ойдинлаштирганлар. Улар севган ишлари билан бандликларига мутлоқ аминдирлар. Бу ишларга машғул пайтлари муваффақият қозонишлари учун турли ҳодисалар юз беради. Кейси бу борада мавжуд назарияларни тушунтирди.

Майкнинг оғзи қулоғига етди.

– О, ҳа, бу борада кўплаб фаразлар бор. Улар азал-азалдан, чамаси, қадимги файласуфлар замонасидан бери мавжуд.

– Майк, баъзи бир нарсалар мени ғижинтиряпти. Нима учун ҳамма ўз ММни топишга интилмайди? Уларни нима ушлаб туради? Жавоб беришингиздан олдин, аслида буни ўзимга беришим лозимлигини билман. Сиз келиб қолган пайтда, мен айнан шу билан банд эдим. Шахсан ўзимдагидан кўра кўламдор, кенг қамровли сабаб мавжуд эканини билишга қизиқяпман.

Майк қўлидаги финжондан хўплаб олгач, уни столга қўяркан, қаршимга ўтирди.

– Албатта, ҳар биримизда шахсий сабабларимиз мавжуд, – сўз бошлади у. – Бу сабаблар билан ҳар бир кишининг ўзи мустақил тарзда шуғулланишига тўғри келади, чунки улар унинг вазияти учун ўзига хосдир. Бироқ устунлик қиладиган умумий аснолар ҳам мавжуд.

– Масалан?..

– Баъзиларнинг сабаби оддийгина – улар шунчаки ўз мавжудлик мақсадларига оид саволга сира тўқнаш келмаган бўлишлари мумкин. Бошқалар эса ўзининг ММ борлигига ишонқирамайдилар. Яна учинчилар ҳам бўлиб, олган тарбияларидан, жамият босими ёки диний эътиқодларидан келиб чиққан ҳолда, ўз ММларини тадбиқ қилиш ҳуқуқлари борлигига ишонишмайди.

Ҳатто ММ ҳақидаги фикрга келадиган ва уни тадбиқ қилиш ҳуқуқига тўлиқ эга эканига шубҳа қилмайдиганлар ҳам. Баъзида барчаси бор-йўғи буни удалашини билиш, кейин эса истагани каби қилишдек оддийлигига ишонмайдилар.

Бу эса сиз Энни билан гаплашган нарсаларга бизни қайтарди. Кўпчилик кишилар бошқаларни улар ишлаб чиқарган ва сотаётган нарсалар қониқишининг калити, дея ишонтирадилар. Бошқалар қониқишлари даражасини ўзлари бошқара олишларини ҳис қила бошлаганида, буларга қанчалар қийин бўлишини бир тасаввур қилинг-а. Мана шу ҳолда бошқаларни ишонтиришга уринган биринчилар ҳукмронликни йўқотиб қўядилар. Улар учун ҳукмронликни йўқотиб қўйиш – ғоят ёқимсиз ғоя ҳисобланади.

– Бу менга Кейси билан қилган бутунги суҳбатларимиздан бирини эслатяпти, – сўз қистирдим мен. – У менга одам ўз ММни билганидан сўнг, ўзи хоҳлаганини қилиш ва хоҳлаганидек бўлиш имкониятини қўлга киритишини англашимга ёрдам берди. Бундай одамга энди четдан кимнингдир ижозати ёки розилиги керакмас.

– Худди шундай. Устига-устак одамга хоҳлагандек иш тутиши учун ҳеч ким халал беролмайди ёки аксинча, бунга имкон яратолмайди. Ҳар бир одам ўз тақдирининг хўжайинидир.

Мен бу ва Энни ҳамда Кейси билан қилган аввалги суҳбатларимиз ҳақида хаёлга толдим.

– Сизнинг айтганларингиз ҳар кунги турмушда кўрган ва эшитганларимдан кескин фарқ қилади. Одамларга ўз мавжудлик сабаби ва ўз тақдирларига ҳукмронликни аниқлаш ғояси билан танишишлари нима учун қийинлигини тушунаман. Бу йўлда қўйиши керак бўлган маълум қадамлар ҳақида-ку, айтмаям қўяверай.

– Мутлоқо тўғри, – гапимни маъқуллади Майк. – Аммо бу қадамларни қўйиш ҳечам қийинмас. Хусусан, икки ҳафталар бурун қаҳвахонамизнинг бир мижози Кейси иккимизга ўз тақдирини назорат қилиш бўйича қизиқарли тарихни ҳикоя қилиб берди. Агар бу сизга қизиқ бўлса, баҳам кўришим мумкин.

– Қизиқ бўлиши турган гап! Сўз яна балиқчилар ҳақидами?

Майк кулиб юборди.

– Бу гал балиқчилармас, спорт ҳақида. Кўп йиллар бу эркак гольфдаги битта қийин зарба бериш ҳақидаги битта тушни такрор-такрор кўраверган. Асил ҳаётда унинг ўзи унчаларам кучли гольфчи эмасди. Тушида ҳам бундай синовга дучор бўлиши нақ азобга айланган. Тушида уриши керак бўлган тўпча дам дераза ра-

фида, дам қия қояда, дам мана шу каби зарба беришга қийин жойларда пайдо бўлиб қолавераркан.

У қайта-қайта яхшироқ ўрнашиш ва яхши зарбани таъминлашга уринса-да, ҳамиша бундай бўлиб чиқмас экан ва зарбани уддалай олмаслигини англаркан. Бундай хатоларга қанчалар кўп йўл қўйса, шунчалар хавотири ва асабийлиги ошиб бораверибди.

Тушидаги бу каби ҳафсаласи пирликлар чўққисига етганида, у зарба беришга тайёрлигини ҳис қилибди. Энди қулочкашлагга киришган пайти тўпча жойини ўзгартириб, ноқулай жойга ўтиб қоларкан. Яна бир қатор хавотирлар доирасидан ўтишга тўғри келибди. Бу цикл қайта-қайта такрорланавериб, эркак юраги ўйноқилаб, терга пишган кўйи уйғониб кетаркан.

Бир кун тунда у яна шундай туш кўриб, энди умидсизлик чўққисига кўтариламан, деб турганида у тўпчани жойидан олиб, бошқа жойга қўйиш кераклигини англабди. У довга ҳеч нарса тикмаган ва ўзидан бўлак, ҳеч кимга у қаердан тўпчага зарба беришининг аҳамияти йўқ экан.

Бу эркак уйқудан ниҳоятда онги тиниқлашгандай, ғаройиб тарздаги ҳиссиёт билан уйғонибди. Бунчалар мутлоқ аён тиниқиш аввалари унга сира тутқич бермагани.

Суҳбатимиз сўнгида у менга шуларни баён қилди:
«Нимага ишониш кераклиги ҳақида ўқитганлари, биздан кутаётганларини қилиш учун баъзида ўзимизни асабийликка гирифтор қилишимизга қарамай, ҳар биримиз ўз ҳаётини назорат қилишга лаёқатлидир.

Мен буни унутиб қўйдим ва ўзгалар таъсирига мослаша бошладим. Аслида тўпчани қаердан уришимга ўзимдан бўлак ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Ҳаётда ҳам худди шундай – ўз мавжудлигиндан сенга нима кераклигини фақат ўзинг биласан. Ҳеч қачон бошқа одамлар ёки вазиятларга тақдиринг устидан ўзинг хукм ўтказолмайдиган нуқтагача олиб боришларига йўл қўйма. Ўз шахсий йўлингни фаол танла, аксинча, танловни сендан тортиб олишади. Шунчаки гольф тўпчасини бошқа жойга олиб қўй».

Майк гапини тугатди ва менга қаради.

– Кўрдингизми ҳеч қандай балиқчиларсиз.

– Ҳақиқатан ҳам ҳеч қандай балиқчиларсиз, аммо жуда ибратли тарих экан. Унинг ғояси менга ёқди.

– Бу ўша йигитга ҳам ёққанди. Унинг айтишича, тушида аён бўлган ғоя унинг ҳаётини ўзгартирган экан. Бундан буёғига ўз тақдири танловига фақат ўзи маъсул бўлишини англабди. Энди у бирор муаммо билан тўқнашса ва нима қилишни билмаса, ўзига тўпчанинг жойини алмаштиришни буюраркан. «Тўпча жойини ўзгартир» жумласи унга чўчимаслик ва кўнглидаги ишини қилишда ёрдам беришини тан олди.

Мен соатимга қарадим. Тонгги беш-яримлар бўлиб қолибди.

– Ишонгим келмайди, – зорландим мен. – Яна но-нушта буюртма қиладиган пайт бўлиб қолибди-ю! Майк жилмайди.

– Аввал пирогни бир ёқли қилиб олинг.

– Бажону-дил, – хитоб қилдим мен ва яна бир бурда пирогни оғзимга солдим. Уни чайнардан, сувдан бир қултум хўплардим. – Майк, яна бир аснога ҳалиям шубҳаданман. Бу ҳақда сиз ва Кейси билан ҳам гаплашдик, аммо жавоб тополмадим.

Майк бош ирғади.

– Сўраганнинг айби йўқ, айтаверинг. Агар гап пирог рецепти ҳақида бўлмаса. Буни биз сир сақлаймиз. Уни ойм ўйлаб топган. Мен уни ҳеч кимга, ҳеч қачон айтмайман, деб ваъда берганман.

Мен нимтабассум қилдим.

– Тушунаман... Мен бутунлай бошқа жавобни излаяпман. Кейси билан ўзига: «Мен нечун бундаман?» – дея савол берадиган одамлар бунга жавоб топганидан кейин, нималар қилиши ҳақида Кейси билан суҳбатлашдик. Аммо мен ҳануз билмаётганим...

– Бу жавобни қандай излашми? – улаб кетди Майк.

– Айнан!

– Унақада, Кейсини ҳам чақирриш керак. Бир калладан кўра иккитаси яхши, дейишади-ку!

Майк жойидан турди ва рестораннынг Энни, унинг дўсти ва Кейси гаплашиб ўтиришган тўр тарафига қараб кетди. Улар ҳам мен ўйлаётган нарсалар ҳақида гаплашиб ўтиришмаганмикин, дея ўйлардим.

Бир дақиқа ўтгач, Кейси ўрнидан турди ва Майк билан олдимга қайтишди.

– Пирог қалай экан? – қизиқсинди Кейси ўтираркан.

– Аъло даражада, – дедим оғзим қулоққа етган кўйи жилмайиб. – Деярли тўйиб қолдим.

– Кейси ва Жон одамлар биринчи саволга жавобни қандай қилиб топишларига қизиқяпти, – деди Майк. У менюнинг орқа муқовасидаги «Сиз нечун бундасиз?» қаторига бармоғини нўқиганда, у «Мен нечун бундаман»га айланиб қолганди. – Иккимиз бунга жавоб қайтаролсак керак, деб ўйлардим.

Кейси бош ирғади, кейин кўзларимга қаттиқ тик килди ва жиддий оҳангда сўради:

– Жон, уйингизда почта қутиси борми? Оддийгинаси, электронли эмас.

– Албатта.

– Бу саволни ўзингизга бергандан кейин, ойнинг еттинчи кунига тўғри келган тўлин ойликда, почта қутингизда конверт пайдо бўлади. Бу конвертдаги оппоқ қоғозни шам алангаси устида тутилса, бу жавобни биладиганлар жўнатган махфий хабарни ўқиш

мумкин. Бу хабарни ҳаётингизда фақат бир марта, ойнинг еттинчи санасида, шундаям шам шуъласига тутган ҳолда ўқиш мумкин.

Мен сувли стаканни лабимдан олиб, уни столга қўйганча, Кейси айтаётган бирорта сўзни эшитмасдан қолмаслик учун олдинга эгилдим.

– Конвертни очиб, бу айнан ўша жавоблигини унинг устига боғланган қизил тасмачадан, чиройли қилиб тугилган тугунларининг...

Шу аснода мен стол қимирлаётганини сезиб қолдим, у ҳатто титраб кетаётганди. Мен чўчиганча, ўзимни орқага олдим.

– Кейси нима бўляпти, ўзи? – ажабланган кўйи гўлдирадим мен. – Бу нима...

Кейси стол қимирлаётганини сезмагандек, гапида давом этаверди:

– ...каттаси кичигидан икки баробар катта бўлади ва конвертнинг юқори чап бурчагига маҳкамланган.

Мен Майк томонга қарадим. Ажабланган ва озгина хижолатга ботганча, столнинг ўйин тушиб кетишига аввал ўйлаганимдек, ҳеч қандай инсу-жинслар сабаб бўлмаганини англадим. Бунинг боиси – Майк экан. У Кейсини тинглаётиб, қаҳқаҳа отиб юбормаслик учун, бир қўли билан оғзини ёпган ва бағрини столга бериб олганди. У овоз чиқармай шу қадар қаттиқ кулардики, гавдаси ўзига қўшилиб столни ҳам титратарди.

Мен ҳам кула бошладим. Кейси Майкка қаради ва ҳазиллаша туриб, унинг елкасига мушт урди.

– Сендан сира тарафкаш чиқмайди, – жилмайибгина дашном берди у.

– Кечирасан, – Майк ўтинди. – Сен шу қадар берилиб гапирдинг-ки! Ўзимни тутолмадим.

– Майли-майли, – вайсади Кейси. – Жоннинг саволига озгина ижодий ёндошсам нима қипти...

– Озгинамиш! – афти буришди Майкнинг. – Бу ғирт ёлғон-ку! Тагин конвертга солинган... – у Кейсини мазах қилди ва биз учавлон мириқиб кулишдик.

– Кейси, сизда катта ровийлик иқтидори бор, – мақтадим мен. – Аммо бари бир жавобни ҳали олганим йўқ.

– Кўнгилхушликка қўшимча тарзда, – деди Кейси жилмайганча, – озгина маъно ҳам аралаштириб юборганман. Айрим одамлар савол беришади ва жавобни тайёр ҳолда кимдир ёки нимадир етказишини иташади.

– Еттинчи санада келадиган конвертларда, – бош ирғадим мен ва жилмайиб қўйдим.

– Шундай, еттинчида. Жон, гап шундаки жавобни билгандан сўнг, нима қилиш кераклигини ўзимиз ҳал қилгандек, жавобни излаш ҳам ҳар кимнинг ўзига тан.

– Демак, айтмоқчисиз-ки, – сўз бошладим мен. – Биринчи қадамни ташлагандан кейин, энди нима бўларкан, дея кутмаслик керак, шундайми? Агар инсон нечун бундалигини ҳақиқатан ҳам билгиси келса, жавобини ўзи топиши керакми?

– Айнан шундай? – тасдиқлади Майк. – Одамлар буни турлича қилишади. Кимлардир медитация би-

лан шуғулланади. Кимдир севимли муסיқасини тинглайди ва хаёллари қаёққа олиб кетаётганини англашга ҳаракат қилади. Кўплар танҳоликда табиат қўйнида сайр қилади. Яна кимдир бу ҳақда дўстлари ва нота ниш кишилар билан гаплашади. Айримларни китобларда ўқиган ғоялар ва воқеалар жавоб томонга олиб келади.

– Сизларда энг яхши иш берадиган усулга оид тавсиянгиз бордир? – қизиқдим мен.

Кейси менга қаради.

– Жон, аслида бу одамнинг ўзига боғлиқ. Муҳими – бизларнинг ҳар биримиз ўз жавобимиз қанақалигини аниқлай оладиган ягона кимса. Шунинг учун ҳам айримлар унга жавоб топгунича ўзлатга чекинадиган бўлиб олади.

– Уларни тушунса бўлади, – бурнимни тортдим мен. – Сени ҳамма томондан хабарлар ва ғоялар билан ўққа тутиб туришганда диққатингни жамлаш мушкул масаладир.

– Шундай, – деди Майк. – Одамлар медитация билан машғул пайти ёки танҳоликда, табиат қўйнида бўлганларида ўзлари аслида нимани ўйлашларига эътиборни қаратиш учун ташқи таъсирлардан қочишга ҳаракат қилишади.

– Шу холосми? – сўрадим мен.

– Унчалармас, – жавоб берди Кейси. – Жон, бошқа ғоялар, маданиятлар, нуқтаи-назарлар ва ҳоказолар таъсирининг фойдаси ҳақида гаплашганимиз эсингиздами?

– Албатта. Одам ўз мавжудлик мақсадини тадбиқ қилиш учун нималар билан машғул бўлишини қандай билиб олиши ҳақида муҳокама қилгандик.

– Айнан, – тасдиқлади Кейси. – Бу ғоя ўз ММ нимани англатишини ойдинлаштирмоқчи бўлган кишиларга ҳам тааллуқли. Айримлар янги ҳиссиётлар ва янги фикрлар билан танишганларида уларнинг маълум қисми ўзларида акс-садо берганини ҳис қилишади. Айримлар ҳатто буни жисмонан сезишади. Худди баданида чумоли ўрмалагандек, умуртқаси бўйлаб титроқ ўтади. Ўзларига қаттиқ таъсир қилган нарсаларга дуч келганларида қувонч ёшларини тўкишади. Бошқаларга билим ёпирилиб, онги тиниқлашади. Булар нечун бундалик саволига жавобни таниб олишда ёрдам берадиган ишоралар ва шипшитмалардир.

– Нима тўғрисида гапирганингизни биламан, – таъкидладим мен ва секингина жилмайдим. – Авваллари ниманидир ўқисам ёки тингласам улар айнан менбоплигини англаб қолардим. Хусусан, бугун менда бундай аснолардан бир нечаси бўлиб ўтди.

Кейси бунга жавобан жилмайиб қўйди.

– Жон, саволингизга жавоб олдингизми?

– Ўйлайман-ки, ҳа. Ҳамма учун бир хил, ягона жавоб йўқ. Эҳтимолий усуллардан бири – бу саволга диққатни жамлай оладиган ҳолатга кириш. Бошқа йўл эса – турли кечинмалар ва ғоялар билан танишиш ҳамда уларга ўз муносабатингни билдириш.

– Бундан аниғи бўлмайди, – бош ирғади Майк.

Кейси ўрнидан турди.

– Қолган меҳмонларга қарайчи. Жон, сизга бирор нарса керак бўладими?

– Йўққа ўхшайди, Кейси, раҳмат. Агар тўлин ойликда қизил тасмали конвертни олмасам агар... Ўшанда баъзи бир саволлар пайдо бўлиб қолиши мумкин.

У кулиб юборди ва Майкка кўз қисди:

– Ҳақиқатан! Ўша кун келаверсин-чи.

– **Ж**он, бу ерга бурилмасдан олдин, қаёққа кетаётган эдингиз ўзи? – сўради Майк Кейси кетганидан кейин.

– Менинг таътилим бошланди. Бир мунча вақт ҳаммасидан олисга кетмоқчи, нима ҳақидалигини билмасам ҳам, ўйлаб ўйимга етмоқчи бўлдим. Кейинги пайтларда... – мен соатимга қарадим, – охиригиз сақкиз соат мобайнида бу борада бир қанча пичоққа ярайдиган ғоялар пайдо бўлди. Майк, агар қарши бўлмасангиз, сизга шахсий савол берсам, майлими?

– Сираям қаршимасман, сўрайверинг.

Мен унга зимдан тикилдим.

– Бу саволни тўғридан-тўғри менюга жойлаштириш учун сизни нима мажбур қилди?

Майк диван суянчиғига суянди ва юзига табассум ёйилди.

– Буни мен қилганимни сизга ким айтди?

– Сиз, яъни ўзингизни тутишингиз ва шу жойнинг ўзи. Назаримда, сиз ўзингизга ёққан иш билан машғул одамдай таассурот қолдиряпсиз. Тахминимча, бир пайтлар бу саволни ўзингизга бергансиз ва натижада мана шу жой пайдо бўлган.

Майк яна жилмайди ва сувдан бир қултум ҳўплади.

– Кўп йилар бурун мен жуда тартибли кун кечирардим. Кечалари университетда ўқирдим, кундузлари ишлардим. Бошқа бўш пайтларимни спорт машқларига бағишлаб, келажакда профессионал спортчи бўлишни орзу қилардим. Икки ярим йилимнинг ҳар дақиқаси қатъий тартибга олинган эди.

Дипломни олгач, аввалги ишимдан кетдим ва ўзимга ёзги таътилга чиқиш учун изн бердим. Янги топган ишим сентябрда бошланиши туфайли бирор ойча бўш вақтим бор эди. Мен бир ўртоғим билан Коста-Рикага бориб, дипломларимизни ювиб келишга қарор қилдик. У ҳам университетда таҳсил олган.

Бир неча ҳафта тропик ўрмонларда тентиб, ёввойи табиатни кузатиб ва биз учун янги бўлган маданиятга шўнғиганча, мамлакатни саёҳат қилдик. Кейин биз бир куни уммон соҳилидаги каттакон холада ўтирган кўйи барра манголарни татидик. Тўлқинларнинг ғоятда чиройли қумлоқ соҳилга урилаётганини кузатдик. Биз куни билан худди янги соғилган сут каби илиқ сувларда серфинг учгандик ва энди хола узра чўзилганча, дам олаётгандик. Атрофда ҳамма нарса чиройли эди. Қуёш уфққа оғаётгани сари само ёрқин мовийликдан пушти, зарғалдоқ ва қирмиз тусларга алмашиб борарди.

– Ҳавасларимни келтирвордингиз, – таъкидладим мен.

– Ҳа, худди шундай манзара эди. Буларнинг барига тикиларкан, кейинги икки ярим йил мобайнида ҳар бир дақиқамни ҳисобга олиб яшаган пайтларим,

ушбу манзаралар бу ерда ҳар куни такрорланишини англаб қолдим. Бундай жаннат мендан бор-йўғи самолётда бир неча соат учиш-у, маҳаллий йўлларда озгина юришли масофада экани тугул, унинг борлигини ҳам хаёлга келтирмаганман. Бу жаннат мен ғоят банд бўлган ўша икки ярим йилдагина мавжуд бўлмаган. Миллион йиллар давомида қуёш уфққа ботган, тўлқинлар эса соҳилга интилган.

Бу тушунча менга ёпирилганида, ўзимни заррадек ҳис қилдим. Менинг ўша аснода диққатимни банд қилиб олган муаммоларим, келажак ҳақидаги хавотирларим – барча-барчаси жудаям аҳамиятсиз бўлиб туюлди. Ўз ҳаётимда кам-кўп қилганларим, қарорларим оқилона бўладими-йўқми, «ундайми-бундайми», бундан қатъий назар, бу манзаралар ҳали кўп. Ҳатто мен йўқ бўлиб кетганимдан кейин ҳам давом этаверади.

Баъзида беқиёс гўзаллик, табиат буюклигига юзмаюз ўтираркан, ўз ҳаётим қандайдир бир улуғворлик олдида ниҳоятда кичиклигини англадим. Кейин мени бир фикр йўқлаб қолади: *мен нечун бундаман?* Агар мен муҳим, дея ҳисоблайдиган нарсалар аслида бундай эмас экан, у ҳолда нима муҳим? Мавжудлигимдан мақсад нима? *Мен нечун бундаман?*

Бошимда бу саволлар пайдо бўлиши билан, Кейси билан учаламиз қилган суҳбатда баён қилганларимнинг қандайдир қораламасини бошимдан кечирдим. Бу фикрлар то мен керакли жавобни топганимча бирга қолишди ва тинчлик беришмади.

Сўнгра секин диванга суяндим. Бунгача ўзим бил-

маган ҳолда, Майкнинг бирортаям сўзини эшитмасдан қолмай, дея анча эгилиб олган эканман.

– Раҳмат, Майк. Бу ғаройиб қисса бўлди.

– Жон, асил ажойиб қисса – ҳаёт! Ҳамма гап шундаки, кўпчилик унинг муаллифи ўзлари экани ва уни ўзлари хоҳлагандек ёзишлари мумкинлигини англамайдилар.

Майк ўрнидан турди.

– Бориб ошхонани сал тартибга солай. Жон, сизга яна бирор нарса керакмасми?

– Йўқ, мен энди кетсам керак. Айтгандай, сизларни учратмасдан олдин адашиб қолгандим. Ҳозир қайси томонга боришим кераклигини ҳам билмай турибман.

Майк жилмайди.

– Бу сизнинг қаёққа бориш ниятингизга боғлиқ.

У яна нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо жим қолди.

Оғиз жуфтлаганида эса бошқа фикрни тилга олди.

– Мана шу йўлдан икки милча юрсангиз, чорраҳага дуч келасиз. Бу йўл сизни яна шоссега олиб чиқади. Унга чиқадиган эстакада олдида ёнилғихона бор. Машинангиз ёнилғиси ўша ергача бемалол етади.

Унга машинам бакидаги ёнилғининг етиш-етмаслиги қаердан маълумлигини билмасам-да, бари бир якунида у ҳақ бўлиб чиқишига амин эдим. Мен турдим ва қўлимни узатдим.

– Раҳмат, Майк. Сизнинг масканингиз жуда ғаройиб.

У узатган қўлимни сиқди.

– Хуш кўрдик, Жон. Омадингизни берсин.

Хайр-маъзурдан кейин у аста бурилди-да, ошхонаси томонга кетди.

19-БОБ

Мен столдаги менюга тикилдим.

Сиз нечун бундасиз?

Ўлимдан қўрқасизми?

Ҳаётдан розимисиз?

Булар жиддий саволлар эди. Агар бу саволларни бирор киши бир кун бурун менга берганида, унинг томи кетиб қолганми, дея ўйлаган бўлардим. Энди эса меню муқовасининг ортини қайта-қайта ўқиб ўтираркан, булар ҳақида ўйламаслигим мумкин эмаслигини тасаввур қилолмасдим.

Кейси стол ёнига келди-да, унга тўлов чекини қўйди ва менга қўлидаги идишни узатди.

– Бу қулупнай-ревенли пирогнинг охирги бўлаги. Майқдан сизга хайрлашув совғаси. Буниси эса мендан, – деди у ва менюни менга узатди. Унинг муқоваси юзида, «Сиз нечун бундасиз» қаҳвахонаси», деган сарлавҳа остига Кейси мен учун бир неча жумлани ёзиб қўйди. Мен уларни ўқидим, кейин яна бир бор кўз югуртирдим.

– Бизни унутмаслигингиз учун кичкина сувенир, – изоҳ берди у ва жилмайишни унутмади ҳам.

– Раҳмат, Кейси. Барчаси учун сизларга раҳмат!

– Ҳамиша ёрдам беришдан хурсандмиз. Биз шу туфайли ҳам бундамиз.

Мен столда пулни қолдирдим, меню ва пирогли идишни олдим-да, қаҳвахонадан янги кун сари чиқиб кетдим.

Қуёш шағалли тўхташ жойи четидаги дарахтлар ортидан эндигина кўтарилиб келарди. Ҳаво ўзида янги кун арафасидаги турғунликнинг сўнгги қолдиқларини асрар ва шу билан бирга унда ҳаракатга келаётган янги куннинг садолари эшитила бошлаганди.

Мен ўзимни дам олган каби ниҳоятда тетик ҳис қилардим. Идишни ўнг қўлимдан чапига олиб, машина эшигини очдим.

– «Мен нечун бундаман? – ўйлардим ўзимча. – Мен нечун бундаман?»

Бу – ҳақиқатан ҳам мутлоқо янги кун эди.

ХОТИМА

Қаҳвахонадаги ўша тундан кейин мен учун кўп нарсалар ўзгарди. Бу ўзгаришлар ёз кунда ёққан қордек даражада бўлмаса-да, аммо ҳаётимга таъсир қилишда ўшанчалик таъсирли эди.

Энни сингари мен ҳам аста-секинлик билан бошладим. Қаҳвахонани нечун бундалигимни тахминлаганча, чиққаним бўйи таътилим тугагунча мушоҳадалаб юрдим. Жавоблар дувуллаб тўкилгани йўқ, албатта. Менинг мавжудлик мақсадим, яъни Кейси айтганидек ММни ойдинлаштириш – таътилимни бу ҳафтадаги Мулоҳазалар билан ўтказишни талаб қилмасди. Бишлишга арзийдиган барча нарсалар каби бу савол ҳам жавоб топиш учун анчагина тер тўкишни назарда тутарди.

Таътилдан кейин мен одатдаги ишларимга қайтдим ва Энни ҳамда Кейсидан билган услубларим охири оқибат буларни элакдан ўтказишда кўмаклашди. Мен осонроғидан бошладим: ҳар куни Энни сингари вақтимни ёқтирган нарсаларимга бахш эта бошладим. Кейин эса Кейси менга айтган имкониятлар устунлигидан фойдаланишга ҳаракат қилдим. Ўқиш ҳамда янги нарсаларни синаб кўриш имконларини ахтариш-

га тушдим. Булар менинг нечун бундалигимнинг турли сабаблари оламини кенгайтиришга ёрдам берди ва бу йўлнинг бшидагидан кўра катталашиб кетди.

Бирданига бўлмаса-да, вақти келиб менинг ММим ва уни тадбиқ қилиш усуллари ойдинлаша бошлади. Булар мен учун қийин синовга айланди. Уларнинг иккиси: ММни тадбиқ қилиш учун яшаш билан шунчаки яшашни солиштирган пайтинг, улардан қай бирини танлаш мушкул масала.

Худди мана шунда кўпчилик бир ерда тепсиниб қолишини пайқадим. Улар девордаги туйнукдан ўзлари учун хоҳлайдиган ҳаётга мўралайдилар-у, тизилиб турган қатор баҳонаю сабабларга кўра, бу ҳаётга олиб кирадиган дарвозани очмайдилар.

Аввал бошда бу мени анча қайғуга солди. Аммо Майк айтгани каби ва ўз-ўзимни ишонтирганимдек, одамлар бу танловни ҳаётларининг турли асноларида амалга оширадилар. Бирлари бунга болалиқдаёқ амал қилсалар, баъзилар кечроқ, учинчилар эса умуман дарвозага яқин келмай ҳам ўтиб кетади. Ҳеч кимни шошириш керакмас ва қарорни фақат одамнинг ўзи қабул қилади.

Шахсан ўзимга бу дарвозани очишда муҳим бир фикр кўмаклашди. Сен ҳар куни қиладиган ёки қилган ишининг имкониятини йўқотишдан қўрқмаслик лозим. Айни дамда бу – мен кечираётган ҳаётнинг асосий фалсафий тамойилларидан биридир.

Бирор куним йўқ-ки, бу қаҳвахона билан боғлиқ бирор нарса ҳақида ўйламаган бўлсам. Мен почта

қутимни очиб, унинг менга кераксиз ҳар хил нарсаларни таклиф қилган реклама варақалари билан тўлалигини кўрганимда, Кейси ва унинг яшил денгиз тошбақаси ҳақида айтган ҳикоясини эслайман. Қарши тўлқинлар ҳамон қудратли ва улар ғойиб бўлишмаган. Улар менинг вақтим ҳамда қувватимни ютиб юборишга шай. Аммо мен энди бошқа. Йўлдош тўлқинлар борлигини билсам-да, улар мени олиб кетишлари учун кучларимни асрайман.

Шунингдек, Майк Коста-Рика пляжида ўтирганча, кун ботишини кузатгани ҳақида сўзлаб берган гапларни эслайман. Ҳақиқатан ҳам агар абадийлик нуқтаи назаридан олиб қаралганида бизларнинг асабийлигимиз, хавотирларимиз ва ғалабаларимиз ҳеч нарсага арзимади.

Шу билан бирга аҳамиятсиз туюлган мана шу нарсаларимиздан маъно топамиз.

Агар ҳаётимдаги ўзгаришлар бўйича бирор афсусланишлар пайдо бўлса, бу уларни нега аввалроқ қилмаганим билан боғлиқдир. Менимча, қаҳвахонадаги ўша тунгача мен буларга тайёр бўлмаганман.

Мана, энди мен нечун бундалигимни ойдинлаштиргандан ва уни тадбиқ қиладиган ҳаётда яшаётганимдан кейин, дарвозанинг у тарафида қолганига ҳеч нарсанинг эвазига бўлса ҳам, асло қайтмайман.

МУЛОҲАЗА УЧУН САВОЛЛАР

1. Менюдаги уч: «Сиз нечун бундасиз?», «Ўлимдан кўрқасизми?», «Ҳаётдан розимисиз» саволларига китобни ўқиганча ва ўқиб чиққандан кейин қандай жавоб қайтарардингиз? Жавобларингиз ўзгармай қолармиди? Ўзгарган бўлса, нима учун?
2. Сиз учун Стрелеки мажозан тундаги «йўлнинг қоронғи ва кимсасиз қисмида» адашишдек тасвирланган туйғу қанчалар қамровли туюлади?
3. Жон қаҳвахонада дуч келган кечинмалар сизнинг ҳам бошингиздан ўтганми? Агар шундай бўлса, улар сиз ва яқин кишиларингиз ҳаётини ўзгартирганми?
4. Кейси нарсаларга баъзан бошқа нуқтаи назардан қараш ҳам фойдадан холи эмас, деб таъкидлайди. Бошқача қараш ҳаётингизни ўзгартиришга ёрдам берганми? Китобда янграган саволлар ўз ҳаётингизга бошқача қарашга кўмаклашдими?
5. «Сиз нечун бундасиз?» саволига боғлиқ равишда Кейси Жонга дейди: «Агар саволга синчиклаб қарасанг, кейин уни ўз-ўзингга ҳақиқатан ҳам берсанг – сенинг оламинг ўзгариб кетади». Бир ўйлаб кўринг-чи, бу билан у нима демоқчи?
6. Ўз мавжудлик мақсадингизни тадбиқ қилиш жараёнида ўзингизга қулоқ солиш, шунингдек, янги

ғоялар ва машғулотлар билан танишиш қанчалар муҳим, деб ўйлайсиз?

7. Кейси Жонга дейди: «Барчамиз айни дамдаги тажрибаларимиз ва билимларимиз билан чекланганмиз». Буни қандай тушунасиз? Сиз айни дамдаги тажрибаларингиз ва билимларингиз билан қанчалар даражада чеклангансиз?

8. Кейсининг яшил денгиз тошбақаси ҳақидаги ҳикоясини эсланг. Сиз қарама-қарши тўлқинлар таъсирини ўзингизда ҳис қилганмисиз? Сизда қарама-қарши тўлқинлар билан курашишни бас қилиш ва «йўлдош оқимлар» устунлигидан фойдаланиш учун ўз қувватингизни асраш бўйича ғояларингиз борми?

9. Жон билан суҳбатда Энни таъкидлайди: «Сизнинг нимага ўзимиз қилишни хоҳлаган ишни ҳозирнинг ўзида эмас, қачондир кейин қилишга тайёрланиш учун шунча вақтни сарфлаб юборамиз, деган саволингизга қисман жавоб кунма-кун бизга кўзимиз, қулоқларимиз орқали тиқиштирилаётган хабарларда пинҳон». Телевидение, газета ва журналлар, интернет тасарруфимиздаги вақтдан фойдаланишимизга қанчалар таъсир кўрсатади?

10. Жон ўзига шундай савол беради: «Менинг муваффақиятларим, бахт ва қониқишларим ўзим томонимдан эмас, аслида бошқа кишилар томонидан қандай даражада белгилаб берилади?» Бу саволни ўзингизга қўлаганда, қандай жавоб берган бўлардингиз? Буни тўғрилаш учун қандай ҳаракатларни амалга оширардингиз?

11. Қайсидир бир дамда Жон Кейсидан сўрайди:

«Нимага ўзимиз қилишни хоҳлаган ишни ҳозирнинг ўзида эмас, қачондир кейин қилишга шунча вақтни сарфлаб юборамиз?» Бу саволга сиз қандай жавоб берган бўлардингиз?

12. Сизнингча ўз иши билан жонбозларча шуғулланадиган одамларнинг бошқалардан фарқли томонлари нимада?

13. Одамларга ўз ММнгизни тадбиқ қилишда ёрдам берадиган нимадир қилмоқчи эканингиз ҳақида айтиш билан, қай тартибда кутилмаган ёрдам олиш ва қўллаб-қувватлашга эришиш мумкин?

14. Жон Майкдан сўрайди: « Нечун ҳамма ўз ММга интилмайди? Одамларни нима ушлаб туради?» Майк бунга қандай жавоб қайтаради? Сиз қандай жавоб берган бўлардингиз?

15. «Мен нечун бундаман?» саволига сиз қандай жавоб берган ва мавжудлик мақсадингизни қандай аниқлаган бўлардингиз? Ўз ММнгизни тадбиқ қилишга қандай машғулотлар лаёқатли, деб ўйлайсиз?

16. Жон қаҳвахонани тарк этишидан олдин, Кейси унга муҳим бўлган бир хабар ёзилган менюни тутқазади. Бу қандай хабар, деб ўйлайсиз? Кейсининг ўрнида Жон учун нимани ёзган бўлардингиз?

17. Жон хотимада шундай таъкидлайди: «Уларнинг иккиси: ММни тадбиқ қилиш учун яшаш билан шунчаки яшашни солиштирган пайтинг, улардан қай бирини танлаш мушкул масала». Сизнингча, унинг мураккаблиги нимада? Нима учун одамлар изланишларига нуқта қўяётиб, «айнан мана шунда депсиниб қоладилар»?

ДАВОМИНИ ЎҚИНГ!

«НЕЧУН» ҚАҲВАХОНАСИГА ҚАЙТИШ

Зиналардан шоша-пиша югуриб чиқдим ва бир пастгина депсинганча, эшик тутқичидан тортдим. Эшикда қўнғироқчалар бор эди. Худди ўтган сафаргидек, улар жингиллаган кўйи мижоз келганидан огоҳ қилишди.

Мен ичкарига қадам қўйдим ва алангладим. Худди вақт бўйича ортга қайтгандекман... қаҳвахона гўё ўша ўн йилча авалгидек каби. Қизил кабинкалар, бар курсиларининг кумуштус хроми, нонушта учун пештахталар... Ҳаммаси аввалгидай яп-янги.

– О, қайтганингдан хурсандмиз, Жон!

Мен чап томонга қарадим. Бир лаҳза олдин бу ерда ҳеч ким йўқ эди. Энди эса – марҳамат! Кейси, бир пайтлар мен бунга келганимда хизмат кўрсатган официант аёл. Ўшанда мен тун бўйи Кейси, қаҳвахона эгаси Майк ва мижозлардан бири бўлмиш Энни билан гаплашиб чиққандим. Айнан уларнинг ғоялари ҳаётимни ўзгартириб юборганди.

Кейси мийиғида жилмаяр эди.

Мен ҳам жавобан оҳиста жилмайиб қўйдим.

– Салом, Кейси!

У менга яқинлашди ва ҳаяжонланган кўйи кучоқлади.

– Юз йил бўлди-я!

Мен аввалгидек бу жой ва суҳбатдошимга, – ҳамма-ҳаммасига ҳайратланганча, бош ирғадим.

– Кўринишинг чаккимас, – дедим мен. Энди унга «сиз», дея мурожаат қилиш қандайдир ўнғайсиз эди. – Ҳечам... ўзгармабсан.

Ҳа, бу гапим чин ҳақиқат эди. У сираям кексаймаганди.

Кейси аввалгидек хандон-хушон ва у ҳам «сен»-лашга ўтди.

– Жон, ўзингам аъло даражадасан.

Мен қаҳвахонага кўз югуртирдим.

– Бу ердалигимга ишонолмайман! Шу бугун эрталабдан қаҳвахоналарингни эсладим. Ўйлай-ўйлай тинчим йўқолди. Аммо сизларни бу жойда учратиб қолиш...

– Шунақа, биз баъзан жойдан-жойга кўчиб юрамиз, – тасдиқлади у. Бамисоли бу тасдиқ бир неча йиллар олдин кирган қаҳвахонам бирданига, унга дуч келган жойимдан минглаб чақирим олисда, Гавайида пайдо бўлиб қолганини тушунтиргандек бўлди. Қаҳвахонанинг кўринишида ҳеч нарса ўзгармаганини ўзи – ғаройибот.

– Балки, бизлар франшиза сотаётгандирмиз, – дэвом этди Кейси ва қувларча кўз қисиб қўйди.

У менга ўчакишаётганини хис қилганча, кулиб юбордим.

Кейси кабинкага ишора қилди.

– Ўтирарсан?

Мен ўриндиққа ўтирган кўйи унинг юзасини каф-
тим билан сийпаладим – яп-янги, айтишганидай, ҳали
бирорта пашша ўтиришга улгурмаган.

– Сенга бирор нарса келтирайми? – Кейси менюни
столга қўйди.

Юзимда ўз-ўзидан табассум пайдо бўлди. Мен бу
менюни эсладим. Бу ўша, сирли тарзда ёзувлари ғойиб
бўлиб, яна пайдо бўладиган меню. Уни қўлга олдим.

Мен ўтган гал қаҳвахонада бўлганимда, муқова ор-
тида учта савол бор эди.

Сиз нечун бундасиз?

Ўлимдан қўрқасизми?

Ҳаётдан розимисиз?

Мен менюни ағдариб кўрдим. Ҳа, мана улар аввал-
гидек жойида. Бу саволлар туфайли ҳаётим қанчалар
бошқача бўлиб кетди!

– Энди сенинг ҳаётингда баъзи бир нарсалар
ўзгарди, шундайми? – қизиқсинди Кейси.

Мен унга нигоҳимни тикиб қарадим ва жилмай-
дим.

– Шундай. Жуда кучли. Энг муҳими, яхши томонга!

– Масалан?..

Мен бош чайқадим:

– Нимадан бошлашнIAM билмай қолдим!

Кейси қаршимдаги диванчага чўқди. Олдинга эгил-
ди-да, қўлим устига кафтини қўйди.

– Балки, ўн йил олдин қаҳвахонадан чиқиб кетга-
нингдан бошларсан?..

«Нечун» қаҳвахонасига қайтиш

Муаммолар юкини итқит ҳамда
омад тўлқинини тут

ДЕБОЧА

Баъзан ҳаммасидан ҳам буни камроқ кутган бўлсанг ҳамда бунга жуда ҳам муҳтож бўлган пайтинг, кутилмаганда янги жойда, янги одамлар орасида пайдо бўлиб қоласан ва қандайдир янги бир нарсага ўрганасан. Бир неча йиллар бурун, айти кеч кирган пайти, уни биладиганлар қисқача «Нечун», деб атайдиган қаҳвахонада ҳам мен билан шундай ҳодиса содир бўлди..

Ўша ерда ўтган кеча ҳаётимни тасаввур ҳам қилолмайдиган йўлга йўналтириб юборди. Мен асил озодлик нималигин билдим ва бу менинг ҳақиқий ўзлим эканини ҳис қилдим.

У жойга нима учун айнан ўша пайтда дуч келиб қолганимни ўзим ҳам тушуна олмайман. Албатта, шунчаки бу имкониятдан миннатдор бўлдим.

Кейин эса кунлардан бирида, тасодифан яна ўша қаҳвахона олдидан чиқиб қолдим. Бу воқеа ҳам яна ҳаётимни янги изга тушириб юборди ва бундан беҳад миннатдорман.

Ушбу битиклар эса «Нечун» қаҳвахонасига қайтиб келганим ҳақидаги қиссадир.

ИККИНЧИ ҚИСМ

1-БОБ

Ажойиб кун бошланди. Осмон улуғвор мовийлиги билан кўзни қувнатарди. Ҳаво жазирамадан анчайин холи тарзда иллиққина ва ёқимлидир. Мен бамисоли жаннатга тушиб қолгандайман. Гапнинг сираси ҳам шундай эди. Гавайи оролларида одамга шундай бўлиб тюлади ўзи.

Менинг режам бўйича куним велосипедда сайр билан ўтиши керак. Бошқа ҳеч нарса сиз. Олдиндан ўйланган бошқа ишлар сиз ва эмин-эркин. Олдинда фақат узундан-узун йўл бор, бошинг оққан ёқларга педалларни босиб борсанг бўлди. Фақат мен, велосипедим ва атрофимни қуршаган биҳишт – кўр, қувон, яйра.

Икки соатлардан бери фақат шу билан овора бўлганча, қаерларга келиб қолганим ҳақида ҳеч қандай тасаввурга ҳам эга эмасдим.

Бирдан хаёлимга севимли қўшиғимнинг бир сатри келиб қолди. Уни Женна Стэнфилд ижро этган. Мана ўша қатор: «Мен адашмаганман, мен разведкада». Бу менинг сайримга мутлақо мос тушарди. Бундай олганда, ушбу жумлалар менинг аксарият саргузаштларимга тўғри келади.

Бирданига хаёлим бир неча йиллар бўлиб ўтган

1-БОБ

тасодифлар тўла кечага кетиб қолди. Фақат ўша пайти ўзимни на разведкачи ва на тадқиқотчидек ҳис этганман. Ўшанда шунчаки адашиб қолгандим. Бу ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборган тун эди. Бу – йўл четидаги «Сиз нечун бундасиз» қаҳвахонасида кечган тун. Уни кўпроқ қисқача эркалаган кўйи «Нечун», деб ҳам аташади.

Ўша тундан кейин қанча нарсалар ўзгариб кетди-ю! Мен ҳатто ўтмишимни ҳам аранг эслардим. Бамисоли унинг менга алоқаси бўлмагандай. Ўша мен ҳам бошқа эдим.

Йўл бўйлаб кетаркан, унга мос тарзда бурилиш ясадим ва шу ондаёқ уммоннинг сокин сатҳига кўзим тушди. Қанчалар ғаройиб мовийлик! Шунда денгиз тошбақасини эсладим. Бу ҳам ўша қаҳвахонадаги кеча билан боғлиқ...

Ажиб ҳол! Қаҳвахонанинг аввалги сиймоси ҳеч кўз олдимдан кетмаган. Аммо анчадан бери у кўз ўнгимда бу қадар ёрқин намоён бўлмаганди.

Яна икки марта бурилдим. Яна икки ажойиб манзараларга дуч келдим.

Гавайи ороллари – бу ранглар гулдастаси. Бу ороллари вулқон яратгани учун, бу ерда қаёққа қарама тўқ қора тусли қояларга кўзинг тушади. Кейинчалик вулқон отилиши тўхташи билан, табиат мўйқаламини ишга солиб, қора қояларнинг бағрига ям-яшил майсаларни чизиб чиққан. Бунга яна уммоннинг зумрад туси ҳамда зарғалдоқ, қирмизи ва бошқа ранг-тусдаги гулларни ҳам қўшсангиз – қараб кўз яйрайдиган олам пайдо бўлади!

«Хайратланарли, – ўйладим мен ичимда. – Булар қанчалар ажойиб!»

Умримнинг охирги ўн йилида бундай ажойиботлар ҳаётимда озмунча юз бермади. Жанубий Африка соҳилларида наҳангларни кузатиш, Намибияда сафари ови, Жанубий Америкада янги тухум ёрган тошбақачаларни сувга етиб олишида кўмаклашиш. Бу воқеаларнинг чўққиси эса Малайзия ва Индонезия бўйлаб велосипеҳат бўлиб чиқди. Энди эса уйга қайтишдан олдин икки ҳафта Гавайи оролларида тўхтаб ўтишни ихтиёр қилдим.

Охир-оқибат жаннатга етиб келибманми, унда озгина ҳордиқ чиқариш айбмас-ку!

Бу менинг биринчи тадқиқот сафарим эмас. Ўшанда *қаҳвахонадаги ғаройиб тундан кейин, мен ҳаётга бошқача ёндошишни ўргандим: бир йил ишлайман, бир йил саёҳат қиламан*. Яна бир йил ишлайман, кейин яна саёҳат. Кўпчиликка бундай ҳаёт тарзи ғалати туюлади. Уларни ижтимоий хавфсизлик масаласи кўпроқ ташвишлантиради. Аммо бундай усул жуда ҳам менбop. Менимча, агар ўз ишингни устаси бўлсанг, сенга талабгорлар ҳамма вақт топилади. Мен учун эса янги иш топиш сира муаммо бўлмаган.

Бундай ҳаёт тарзимдан ажабланадиган кишиларнинг ўзлари ҳам шуни хоҳлашларини айтишади. Бироқ улардан ҳеч бири айрим истисноларни айтмаса, бунга қўл уришга ботина олмайдилар. Ҳатто мен билан қўшилган кўйи бундай саёҳатга борсам, қанчалар яхши бўларди, дея хўрсинадиганлар ҳам бунга ҳафсала қилишмас эди.

Менимча, бу номаълумликка улкан сакраш бўлса керак.

Педалларни тезроқ айлантираман. Янада кутмаган янги манзаралар. Ҳаво гул исига қоришган. Гавайи оролларида менга энг ёқадигани – гул исларидир. Сен нафас олмайсан, гўё бол ҳўплайсан. Соф табиатнинг ўзгинаси бу.

Яна икки чақиримлардан кейин мен оролнинг сира бўлмаган жойига келиб қолдим. У ер анча текислик эди. Ўнг тарафдан тўлқинлар шовқини қулоққа чалинарди. Олдимдаги йўл нақ иккига бўлинди – ўнга юрсамми ёки чапга?

Ҳеч қачон юрилмаган йўлни танла, дедим ўзимга ўзим. Ҳамиша энг кимсасиз, ноқулайини танлаш керак. Ўнгга бурилиш шунга яқинроқ эди. Айнан шу йўлдан юрдим. Асфальт қоплами тугаши билан шағалга ўрин бўшатди. Юрган сари оёқларимга куч кела бошлади, чамаси янги синовлар олдинда. Менга бу ҳиссиёт ёқади – у оёғимда уйғонадимми ёки миям-дами, фарқи йўқ. Унинг шарофати билан саргузаштлар мени кутаётганини англайман. Олға ундовчи, ҳаяжонлантирувчи, янги бирор нарса пайдо бўлганида доим шунақа бўлади.

Йўл бўйи дарахтлар орасидан кўриниб қоладиган сув сатҳи мени ўзига имларди. «Балки, ҳалироқ пастга тушиб чўмилиб олсам ҳам бўлади», – ўйладим мен.

Шағалли йўлнинг йигирма дақиқалик қисмида ўзимни бу ерда илгари ҳам бўлгандик ҳис қилардим. Бўлмаса, бу ерларга илк бора келишим. Лекин бари бир...

Энди бу туйғу қаердан келиб қолганини мушоҳадалай бошлаганимда унга кўзим тушди. Анча олисроқда ва ўнг тарафимда эди. Олдида шағалли машина қўйиладиган майдончали ҳамда пешлавҳаси мовий неонли оқ бино.

Мен велосипеддан йиқилиб тушишимга сал қолди. Бундай бўлиши мумкинмас-да. Аммо агар гап «Нечун» қаҳвахонаси ҳақида кетса, бўлиши мумкинмас нарса-нинг ўзи йўқ.

Мен тобора унга яқинлашардим ва шунга кўра оғзим қулоққа етиб борарди. Қанча хотиралар! Бу жойда қанчалар онгим тиниқлашганди! Бироқ қаҳвахона бу ерда нима қиляпти? Аввалги сафар мен уни тамомила бошқа жойда учратгандим.

Чап елкам оша ортга назар ташласам, орқамда ҳеч ким йўқ эди. Кучим борича педал босишга зўр берман.

Унинг ичига кириб олишга улгурмасимдан, у ғойиб бўлиб қолмаслиги учун, тезроқ қаҳвахонага етиб олишига уринардим.

Ташвишланишимга ҳожат ҳам қолмай, беш дақиқа ичида унинг остонасида турсам-да, у ҳеч қаёққа ғойиб бўлмади. Кўзларим унга қараб тўймасди.

– Ўнгимми ё тушимми... – ғўлдирардим мен.

Кириш эшиги олдида велосипед суяб қўйгичлар бўлиб, уловимни унга тираб қўйдим. Ичимда бир савол қайнарди: *шундай қаҳвахона бу ерда қандай пайдо бўлиб қолди?*

Зинлардан шоша-пиша югуриб чиқдим ва бирпасгина депсинганча, эшик тутқичидан тортдим. Эшиқда қўнғироқчалар бор эди Худди ўтган сафаргидек, улар жиринглаган кўйи мижоз келганидан огоҳ қилишди.

Мен ичарига қадам қўйдим ва алангладим. Гўёки вақт бўйича ортга қайтгандекман... Қаҳвахона ўша ўн йилча аввалги кўринишда эди. Қизил кабинкалар, бар курсиларининг кумуштус хроми ҳамда нонушта учун пештахталар... Ҳаммаси аввалги сингари яп-янги.

– О, қайтганингдан хурсандмиз, Жон!

Мен чап томонга қарадим. Бир лаҳза олдин бу ерда ҳеч ким йўқ эди. Энди эса – марҳамат! Бир пайтлар бунга келганимда хизмат кўрсатган официант аёл Кейси, қаҳвахона эгаси Майк ва мижозлардан бири бўлмиш Энни билан ўшанда мен тун бўйи гаплашиб чиққандим. Айнан уларнинг ғоялари ҳаётимни ўзгартириб юборганди.

Кейси жилмаярди. Мен ҳам жавобан жилмайдим.

– Салом, Кейси!

У менга яқинлашди ва ҳаяжонланганча, бағрига босиб кучоқлади.

– Юз йил бўлди-я!

Мен олдингидек бу жой ва суҳбатдошимга, яъни ҳамма-хаммасига ҳайратланганимни яшириб ўтирмадим.

– Кўринишинг чаккимас, – дедим сўнгра вазминлик билан. Энди унга «сиз», дея мурожаат қилиш қандайдир ўнғайсиз эди. – Мутлақо... ўзгармабсан.

Бу гапим чин ҳақиқат эди. У сираям кексайишга яқин бормаган.

Кейси аввалгидек хушхандон ва у ҳам «сен»лашга ўтди.

– Жон, ўзингам аъло даражадасан.

Мен қаҳвахонага кўз югуртирдим.

– Бу ердалигимга ишонолмайман! Шу бугун эрта-лабдан қаҳвахоналарингни эсладим ва ўйлай-ўйлай тинчим йўқолди. Аммо сизларни бу жойда учратиб қолиш...

– Шунақа, биз баъзан жойдан-жойга кўчиб юрамиз, – тасдиқлади у. Бамисоли бу тасдиқ бир неча йиллар олдин кирган қаҳвахонам бирданига, унга дуч келган жойимдан минглаб чақирим олисда, Гавайи оролларида пайдо бўлиб қолганини тушунтиргандек бўлди. Бироқ қаҳвахонанинг кўринишида ҳеч нарса ўзгармаганининг ўзи – ғаройиб ҳодиса.

– Балки, бизлар франшиза сотаётгандирмиз, – давом этди Кейси ва қувларча кўз қисиб қўйди.

У менга ўчакишаётганини ҳис қилганча, кулиб юбордим.

Кейси кабинкага ишора қилди.

– Ўтирарсан?

Мен ўриндиққа ўтирган кўйи унинг юзасини каф-тим билан сийпаладим – яп-янги, айтишганидай, ҳали бирорта пашша ҳам ўтиришга улгурмаган.

– Сенга бирор нарса келтирайми? – Кейси менюни столга қўйди.

Юзимга ўз-ўзидан табассум югурди. Мен бу менюни эсладим. Бу ўша, сирли тарзда ёзувлари ғойиб бўлиб, яна пайдо бўладиган меню. Уни беихтиёр қўлга олдим.

Ўтган сафар қаҳвахонада бўлганимда, муқова ортида учта савол бор эди.

Сиз нечун бундасиз?

Ўлимдан қўрқасизми?

Ҳаётдан розимисиз?

Мен менюни ағдариб кўрдим. Ҳа, мана улар аввалгидек жойида. Шу саволлар туфайли ҳаётим қанчалар бошқача бўлиб кетди!

– Энди сенинг ҳаётингда баъзи бир нарсалар ўзгарди, шундайми? – қизиқсинди Кейси.

Мен унга нигоҳимни кўтардим ва оҳиста жилмайдим.

– Шундай. Жуда кучли. Энг муҳими, яхши томонга!

– Масалан?..

Мен бош чайқадим:

– Нимадан бошлашним билмай қолдим!

Кейси қаршимдаги диванчага чўкди. Олдинга эгилиб, қўлим устига кафтини қўйди.

– Балки, ўн йил олдин қаҳвахонадан чиқиб кетганингдан бошларсан?..

Мен Кейсининг кафтини қисдим. Иссиққина. Кафтимга шундоққина билиниб турарди. Ҳақиқатан ҳам қаҳвахонага қайтганим рост эди.

Мен бошимни сарак-сарак қилдим ва жилмайиб қўйдим.

– Бир эслаб кўрай-чи. Менимча, мана бундай. Сен берган меню, Майк берган қулупнай-ревенли пирог бўлаги ва ҳаётга бутунлай янгича қараш билан қуролланганча, бу ердан чиқдим-у, тамомила бошқача воқелик билан тўқнаш келдим. Ўша тун мени бутунлай бошқача қилиб қўйганди. Бу ерда эшитган барча нарсам ҳаётимнинг барча қисмига тўлқиндек таралиб кетди. Яшил тошбақа ва балиқчи ҳақидаги ҳикоялар, Энни билан ҳар кишининг ўз танлаган воқелик тури тўғрисидаги суҳбат... Мана, шулар айна дамда ўзим хоҳлагандек яшашимнинг катта қисмини ташкил қилади.

Кейси жилмайди ва ўриндиққа сунянганча, кириш эшигига имо қилди.

– Ўша гал эшиқдан кирганимда бу қадар бахтиёр қиёфада эмасдинг. – Мен ҳам жавобан сахийларча жилмайдим.

– Ҳа-а, ҳозир анчагина бахтлиман. Очиғи, шу қадар бахтлиман-ки, аввалги кунларимни қийинчилик билан эслайман. У қандай бўлганини эслаш учун хотирамга зўр беришимга тўғри келади.

– Хуллас, сен қаҳвахонадан чиқдинг, хўш, кейин нималар бўлди?

– Ҳаммаси ўзгарди, – мен кифтимни қисдим. – Ўзим ҳам ўзгардим. Қарашларим ва юриш-туришим ҳам. Нимадир майда-чуйдага айланди, нимадир эса катта аҳамият касб этди. Ўша тундан кейин кўп ўтмай ишдан бўшадим ҳамда дунёни айланиб келишга кетдим.

– Рости биланми?

Мен бош ирғадим.

– Гапнинг рости, аллақачонлардан бери шунга ўхшаш нарсани орзу қилиб юрардим. Аммо бу менга қўл етмасдек туюларди. Менимча, ҳамма гап менинг самимийлашганимда бўлса керак. Авваллари ўзига хос иш тутаётган кишиларни учратганимда, мен улардай бўлолмаслигимга минглаб сабаблар топардим. Топмаган тақдиримдаям, буни кейинроққа сурардим. Сизларда бир кеча меҳмон бўлгач, ўша одамларга бошқача кўз билан қарай бошладим. Энди улар менга йўлбошчидек кўринарди. Илгари менда ўзимга ишонч етишмаган. Ўшанда бирор нарсани билмаслигим маълум бўлиб қолса, уят ва исноддан ёниб кетаман, деб ўйлар, бирор савол бериш жуда машаққатли муаммога айланарди. Ўзимни ўқувчи қаторида кўришлари нақ даҳшатдек туюларди. Нима

бўлганидаям, қаҳвахонангиздан қайтганимдан кейин, умрининг кўп қисмини дунёни кезишга сарфлайдиган одамларга дуч келадиган бўлиб қолдим. Шу сабабдан, пича пул йиққаним заҳоти йўлга тушдим.

Кейси бош ирғади.

– Хўш, ёқдимми?

Мен яна жилмайишга ҳаракат қилдим.

– Бўлмасам-чи! Таърифлашга битта умр камлик қилади! Айтмоқчиман-ки, саёҳат ҳаётимни буткул ўзгартирди. Сайёрамизда ғаройиб ва ажойиб жойлар шунақа кўп-ки! Бунинг устига орттирган тажрибамни ҳам қўшсам – бу иш давомида олган ҳаётий сабоқларни айтмайям қўяверай.

4-БОБ

Биз Кейси билан бирор соат гаплашиб ўтирдик. Мен унга бўлган жойларим-у, бошимдан ўтказганларим ҳақида сўзлаб бердим. Африкага қилган сафар ва овларим, Буюк Хитой деворига кўтарилишим, Борнео жунглиларига сафарим, Римдаги кўҳна осуратиқаларни кўздан кечирганларим – барини айтиб бердим. Назаримда, Кейси мен тилга олган жойларнинг кўпида бўлганга ўхшарди. У ҳам ашаддий сайёҳ, деган фикрни нимадир шипшитиб турарди. Аммо у саволлар бериб ётмади.

– Ўзинг-чи? – ниҳоят сўрадим мен. – Фақат ўзим гапириш билан овораман. Сен-чи, ўзинг нималар қилдинг?

– Ўзинг сезганингдек, биз аввалги жойдамасмиз.

– Ҳа-ҳа, ўзимам шунга ҳайронман.

У бош ирғади.

– Бунинг ўз сабаблари бор. Бугун нимадир юз беради.

– Хўш, нима?

Айнан шу дақиқада автомобиллар турар жойига оппоқ машина келиб тўхтади.

Кейси деразадан термилди.

– Жон, пазандачиликка қалайсан?

– Унчалармас. Қуймоқни биламан. Яна у-буни. Нимаиди?

– Майк бугун бир жойда ушланиб қоляпти. Менга озгина ёрдаминг керак. – У келиб тўхтаган машинага имо қилди. – Биринчи мижозим келиб қолганга ўхшайди.

Рад қилишга бир дунё важларим бор эди. Илгари сира қаҳвахонада егулик пишириб кўрмаганман. Бор-йўғи икки-учта нарса пишира олардим. Улар билан ишламасам. Аммо қандайдир сабабга кўра, унинг таклифи ўринлидай туюлди.

Мен бироз жилмайиб қўйдим.

– Нимаям дердим, агар меҳмон мевали блинчик ёки фарангча ананасли гренкани хоҳласа, буни қойиллатаман. Булардан бошқа нарсага ваъда беролмайман ҳам.

Кейси жавобан майингина табассум қилди.

– Шулардан бирига умид қилажакмиз. – У яна ташқарида тўхтаган машинага назар ташлади. – Ошхонага кириб, у ёқ-бу ёқларга қарасанг бўларди. Мен икки дақиқалар ўтгач, олдингга бораман.

Кейси машинадан тушаётган аёлга тикилди. Гавайи оролларидаги андозага кўра, бу аёл... жуда башанг кийинганди. Иш костюми, пошнаси банд туфлилар ва тик соч турмаги. Аммо унинг ташвиш тўла нигоҳи ташқи кўринишини бир четга суриб қўярди. Аёл бир пайтнинг ўзида эшикни ёпиш, калит билан қулфлаш ҳамда телефонда гаплашишга уринарди.

Эшикни ёпишга ёпди-ю, калитларини бехосдан оёқ остидаги шағалга тушириб юборди. Кейси унинг «Жин урсин!» – деган хитобини эшитди. Аёл калитларни олиш учун эгиларкан, кўлидан телефониям тушиб кетди.

Тушириб юборганларини тергилаб олган жувон кириш томон юрди. Телефон яна аввалги жойи – кулоққа қадалган эди. Зинадан кўтариларкан, унинг ёдига машина эшигини қулфламагани тушиб қолди. Калитлар шодасини титкилаганча, уларни яна ерга тушириб юборди. Бундан қаттиқ тутациб кетгани юзидан манаман, деб кўриниб турарди. Калитларни ердан олиб, эшикни қулфлаганидан кейин, машинадан янгроқ чийиллаш садоси чиқди.

Ниҳоят, жувон қаҳвахона эшигини очди ва суҳбатдошининг сўзларини яхшироқ эшитиш учун телефонни қулоғига яқинроқ қадади.

– Гапингни сираям эшитмаяпман, – баланд овозда деди у. – Бу ерда алоқа жуда расво. Нима қилсам-а? – Жувон ташвиш билан телефонига қараб олгач, уни ўчириб қўйди.

– Салом, келинг, – шу пайтгача унинг ҳаракатларини жимгина кузатиб турган Кейси сокингина уни қутлади.

Аёл ажабланган кўйи бошини кўтарди.

– Салом. Узр. Мен шунчаки... Алоқа. – У телефонига ишора қилди. – Гапимни тугатиб олай, десам алоқа бирдан ёмонлашиб кетди. Кейин тамоман узилиб қолди.

Кейси бош ирғади:

– Ҳа, бу ерда шунақаси бўлиб туради, – кейин жилмайганча қўшиб қўйди. – Бирор нарсада ёрдам бера оламанми?

– Аёл атрофга кўз ташлаб чиқди. У вазиятни элақдан ўтказарди: Қолиш керакми? Кетишми? Унинг ўзини тутиши ва авзойидан бошқача жойни кўзлагани кўриниб турарди. Бунақа ўз-ўзига хизмат кўрсатиладиган дайнернимас. Унинг кўз қарашларидан бу жойни ўзига муносиб кўрмаётгани яққол билиниб турарди.

Аммо Кейси жувоннинг кўзларидаги оний ажабланиш учқунини кўриб қолди. Нимадир бу аёлга бу ерда бироз қолишни шипшиётгандек эди.

– Агар йўлдан тўғри кетаверсангиз, йигирма дақи-

қалардан кейин бизникидан яхшироқ ошхоналар чиқади. У ерларда алоқаям яхши.

– У аёлга босим ўтказмасдан, ўз ихтиёрига қўйди. Жувон иккиланиб қолди. Нафсонияти уни ортга қайтишга, анови англаб бўлмас туйғу эса қолишга ундарди.

– Лекин бу ерда бирпасгина қолсангизам бўлади, – Кейси жувонга далда берди. – Бирор нарса буюринг, балки оғзингизга ёқар...

Кейси дераза тагидаги бошқа бир диванчалар томонга ишора қилди:

– Менимча, мана бу жой сизга маъқул келади.

Аёл Кейсининг юзига синчков тикилди, Кейси ҳам нигоҳини олиб қочмади.

– Майлингиз, – икки сониядан кейин жувон рози бўлди ва фикрларини жойига келтирмоқчидек бош ирғади. – Илтифотингиз учун раҳмат.

У кўрсатилган жойга ўтирди.

– Бироз нафас ростлаб олгунингизча, – деди Кейси, – сизга ичиш учун бирор нарса келтираман. Нима ичасиз?

– Қаҳва. Қорасидан.

– Хўп, ҳозир, – Кейси яна жилмайиб қўйганча, ошхона тарафга жўнади. Унинг оғзи қулоғида эди.

6-БОБ

- К**ейси кириб келганида, мен ҳалиям ошхонадаги ҳолат билан танишаётган эдим.
- Ишлар қалай? – сўради у.
 - Мен грилни, совуткични ва идиш-товоқларни кўриб чиқдим.
 - Пешбандниям, – деди Кейси.
 - Ҳа, мана у, – дедим олдимга тутиб олган пешбандга қараб. – Майкнинг жаҳли чиқмаса керак. Эшикни орқасига осиб қўйган экан, менга жуда ёқди.
 - Қайтага, у хурсанд бўлишига ишонаман! – деди Кейси.
 - Мижозимизнинг ишлари жойидамикин?
 - Кейси қувларча табассум қилди:
 - Буни билишга ҳали эрта. Бўшашма. У қора қаҳва хоҳлаяпти. Менга қаҳва идишини узатворгин, илтимос.
 - Қаҳванинг ўзини тополмаяпман, – иқрор бўлдим мен. – Кирган пайтинг, айнан ўшани излаётгандим.
 - Кейси бармоғи билан орт томонимга ишора қилди ва мен ўтирилдим. Стол устида янги дамланган қаҳвали чойнак буғ чиқариб турарди – *аниқ биламанки*, йигирма сония аввал бу ерда ҳеч қанақа чойнак йўқ эди.

– Ҳақиқатан ҳам ёрдамим кераклигига аминми-сан? – мен шубҳаланганча, чойнакнинг дастасидан тутдим. Шундагина бу ерда ҳаммаси одатдагидан бошқача бўлишини эслаб қолдим.

– Мутлақо! – хитоб қилди Кейси ва кўлимдан қаҳвали чойнак олгач, бошқа кўлини токчадаги финжонга узатди. Чиройли жилмайди ҳам. – Шу ерда кутиб тур. Мен бир дақиқадан кейин қайтаман.

7-БОБ

Кейси столчага яқинлашди. Жувон алоқа бўлма-саям телефонини чуқаларди. Тарки одат – амри маҳол.

– Мана янги дамланган қаҳва. Қораси. Бизнинг гавайича брендмиз, – ҳазилнамо изоҳ берди Кейси. – Ҳалиям алоқа йўқми?

– Йўқ, – ташвишланган қиёфада тасдиқлади жувон. Кейси столга чойнакни қўйди ва қўлини узатди:

– Мен – Кейси. Сиз бу ерда биринчи бўлишингиз, шундайми?

Аёл бироз саросима билан унинг қўлини қисди.

– Ҳа, шундай. Сал адашиб қолдимми, деган ҳадикдаман. Илгари бу йўлдан ҳеч юрмагандим. Исминим – Жессика.

– Бу ерда сизни кўрганимдан хурсандман, Жессика. Хуш келдингиз.

Кейси сал бурун иккимиз ўтирган столдаги менюни олиб, Жессиканинг олдига қўйди:

– Агар бироз яна қолмоқчи бўлсангиз, таомларимиздан танлашингиз мумкин.

Жессика меню муқовасига кўз ташлади. Катта қилиб ёзилган «Сиз нечун бундасиз?» қаҳвахонасига

хуш келибсиз» остида майда ҳарфлар билан ушбу жумлалар қаторлашганди: «Буюртма қилишдан олдин, бизнинг хизматчилар билан бу ерда ўтказган вақтингиз нимани англатиши ҳақида маслаҳатлашиб олинг!»

Жессика қаторларни кўрсатганча, Кейсига тикилди.

– Тушунмадим.

Кейси табассум қилди.

– Биз вақт ўтиши билан, одамлар қаҳвахонада ўтказган дамлари мобайнида ўзларини бошқача ҳис қилишини пайқаб қолдик. Шунинг учун уларни «Сиз нечун бундасиз»да кечадиган ҳолатига аста-секин кўниктиришга қарор қилдик. Нималарни кутаётганига қараб кўникма бериш учун аста-секин тайёрлаймиз.

Жессика Кейсига саросима билан тикилди.

– Бари бир тушунмаяпман.

– Баъзан бирор жойда қаҳва буюртирсангиз, қаҳванинг ўзинигина оласиз, – деди Кейси. – Баъзида эса қаҳва билан бирга сиз кутганингиздан кўра, анча кўпроқ нарсаларни оласиз. Бу ер – айнан шунақа жой.

Жессиканинг юзидан саросималик аломати барқ уриб турарди.

– Қараб чиқинг, бирор нарса таъбингизга ёкса, менга айтарсиз, – деди Кейси ва менюга ишора қилди.

– Сизни бирозга холи қолдираман.

«Қандайдир ғалати жой экан, – ўйлади Жессика.

Кейин яна телефонига қаради. Алоқа ҳамон йўқ эди.

– Тармоққаям киришинг иложи йўқ, бўлмаса бу ерга одамлар қандай муносабатда эканини билиб олган бўлардим».

– Ҳа, бу борада биз анча хилватдамиз!

Яна эътироз билдирган Кейси эди. У бошқа столдаги идишларни йиғиб олган ва Жессиканинг ёнидан ўтаётган эди.

– Лекин бу мижозларимизга ички сезгисини ишга солишига имкон беради. Нима бўлганда ҳам, ички сезги ишончли ишлайди, – қўшиб қўйди Кейси ва жилмайишда давом этди у.

Жессика официант аёл нималар деганини тушуниб етмаса-да, лабининг бир чети билан жилмайишга ҳаракат қилди.

Бу аёл нима ҳақда ўйлаётганимни қаердан билди?

– Бу ерга ўрганиб қолдингизми? Мен нигоҳимни унга қаратдим. Шу пайтда со-вуткич ичидаги махсулотларни кўриб чиқаётгандим.

– Бундай олганда ҳа, дейиш мумкин. Аммо ҳали ўзимни тайёрдек ҳис қилмаяпман.

– Агар тайёр бўлмаганингда бу ерда пайдо бўлмасдинг.

– Меҳмонимиз қалай?

– Худди аввалги гал келганингдай. Кетишини ёки қолишини билолмай хайрон.

Мен бош ирғаб қўя қолдим. Бу ерда ўтирганча, ўзини кетишга кўндириш қанақалигини яхши билардим. Вужудингдаги ҳамма нарса: «Қол» – дея хитоб қилиб турганида, бу жуда қийин.

– Айнан ўзи! – ўйларимни тасдиқлади Кейси. – Уям худди сендек ички сезгисидан шубҳада.

Мен рюкзагим ташлаб қўйилган токчага яқинлашдим ва ташқи чўнтагидан блокнотни чиқардим.

– Бу ишни буюрганинг тоза қизиқ бўлди. Унга қараб чиқаётганимда асил жойим бундамас, нарёқдалигига амин эдим, – дедим зал тарафга имо қилиб.

– Бироқ?..

– Бироқ саёҳатлар мобайнида орттирган энг муҳим укувларимнинг бири айнан ички туйғу билан одамларга ишониш эди. Агар аввал ҳеч қачон бўлмаган жойга тушиб қолсанг, сен тушунмайдиган тилларда мулоқот қилсанг, атрофингдаги ҳаммаси ноодатий ва нота-ниш бўлса – бир қарорга келишинг учун тажрибанг етарли эмаслиги билиниб қолади. Аммо ҳар гал ички туйғумга ишонганимда, у сираям доғда қолдирмаган. Менинг пишиқ-пухталигим – товушини сал пасайтириб, керакли жавобни эшита билардим.

Кейси бош ирғади.

– Аҳа. Бизнинг ана шунақа йулбошловчи тизим билан таъминланганимиз қандай ажойиб, шундай эмасми? Афсуски, кўпчилик уни ўчириб қўйган!

У қўлимдаги блокнотимга назар ташлади.

– Унда нималар бор?

– Ғоялар, фикрлар ва кашфлар. Менинг онгу шуурларим. Ўшанда бу ердан кетганимда, ўз тизимимни яратдим. Бирор муҳим нарсага тўқнаш келсам ва уни онгим маъқул топса – уни блокнотга қайд этиб қўяман. Ўша лаҳзадаёқ темирни қизиғида босаман.

– Мен бурун тортдим. – Аччиқ тажрибамдан келиб чиқиб айтаман-ки, фикр келган ониёқ қоғозга қоралаб қўймасам, уни унутишим ҳеч гапмас.

– Хўш, бу гал нимани ёзиб қўймоқчисан?

– Бу гал айланача чизиб қўяман.

– Айланача?

Мен бош ирғадим.

– Мен саёҳатларимда ўз ички туйғумга ишониш-

ни ўргана бошлаганимни айтиб ўтдим. Буни анча олдин пайқаганман. Сен Майкнинг ўрнини билин-тирмай тур, деганингда бундай қила олармикинман, деган шубҳалар гирдобида қолдим. Бирданига ички туйғумга ишонолмадим. Шундай экан, айланча чизиш пайти келди.

Мен блокнотни очиб, керакли нарсани топгунимча, бирма-бир варақлаб чиқдим. Кейин катта айлана чиздим.

Кейси ишимни зимдан кузатарди.

– Сен «ички туйғунга ишон» сўзини ҳалқага олдинг. – У кулиб юборди. – Менимча, буни биринчи марта қилишинг эмас.

Мен ҳам ярим табассум қилдим.

– Иккинчи мартасиям!

«Ички туйғунга ишон» сўзларини бирор йигирма марта ҳалқага олгандим.

– Нимага бундай қиласан?

– Нима муҳимлигини ўзимга эслатиб туришнинг энг яхши усули шу. Кечалари ёки шанба кунлари блокнотимни варақлаб чиқаман. Қалингина айланага олин-тимни фикрлар доим диққатимни ўзига жалб қилади. Бу ган фикрлар доим диққатимни ўзига жалб қилади. Бу эса орттирган ажойиб укувларни мустаҳкамлаб оли-шимга ёрдам беради. Вақт ўтган сари қалин ҳалқага олинган фикрлар одатга айланиб боради ва тобора уларни айлана ичига олишга ҳожат камаяверади.

– Бугун-чи, нимага яна ҳалқалаб қўйдинг?

Мен жилмайдим.

Энг яхши фикрлар ҳам вақт ўтиши билан эсдан

чиқа бошлайди, тўғрими? Ўтган кунинг унутма, кўп чорихинг қуритма, деганларидай.

У кулиб юборди.

– Бу ерга қайтиб келганим бежизмасга ўхшаяпти, – давом этдим мен. – Ҳозир ҳам нимага қайтганимдан ажабланиб турибман. Бу қайтиш, илк бор келганимда ўзимнинг қандай бўлганимни эсга солди. Ўн йил олдин бу ерга бошлаб келган тунимдан шу қадар миннатдорман-ки! Энди аввалги одам эмасман. Шундай экан, бу ерга яна қайтиб келганим ва ўзимнинг бошқача бўлиб қолганимни бир-бирига муқояса қилолмасдан ҳайронман. Бунда бирор маъно борлигини сезяпсанми?

Кейси таом тарқатиладиган дарча томонга кўз қирини ташлади.

– Сезганда қандоқ. Ўша илк кечинмаларни унутганинг жуда яхши. Булар ҳақида яна бирорта эшитишига зарурат бор.

– Кимга экан?

– Меҳмонимизга. У кетишга шайланмоқда, бу ерда қолишдан ҳадиксираб турибди.

Мен ҳам дарчадан мўраладим. Чиндан ҳам аёл нарсаларини йиғиштираётган эди.

– Тушундим, – гўлдираб қўйдим мен.

– Бунга аминмисан?

Менинг юзимга табассум ёйилди ва блокнотнинг очик саҳифасига черта бошладим.

– Ички туйғунгга ишон.

– Салом!
Жессика диванчани тарк этишга ҳозирланиб тураркан, бу сафар ҳам худди олдинги дамлардаги каби калитларини ерга тушириб юборди ва уни столнинг остидан топишга киришиб кетди.

У бошини кўтарди.

– Вой, салом, – гўлдиради бироз хижилликка тушганча.

– Келинг, кўмаклашаман, – дедим мен ва эгилганча, калитни қўлимга олдим. – Кетмоқчимидингиз?

Аёлнинг нима дейишни билмаётгани шундоқ кўриниб турарди.

– Мен... шунчаки...

– Кетмоқчи бўлсангиз, бемалол. Хечқиси йўқ, – унга қараб кулимсирадим. – Аммо ҳозир бу ерда бўлишингиз сиз учун муҳимлигини ҳис қиляпман. Сиз ҳам буни ҳис қиляпсизми?

У менга бақрайиб қараб қолди. Қанчалар саросимага тушиб қолган-а! Бу юзларидан яққол кўриниб турарди. Қанчалар қўрқув ҳамда яна нималардир намоён эди. Балки, умиднинг ўзгинасидир? У нигоҳини олиб қочди.

Мен ним табассум аралаш жилмайдим, холос.

– Мен – Жонман, – дедим дадиллик билан ва қўл узатдим. – Бу ерда ошпазман. – Фақат ҳозирча, – дея ичимда қўшиб қўйдим. – Фаҳми ожизимча, бу ерда яна бироз қолиб, менга алоҳида ўзига хос нонуштани таёрлашимга имкон берсангиз. Бирор соатдан кейин, сизда ҳаётга бутунлай бошқача назар пайдо бўлсаям ажаб эмас.

Мен буларни ҳазилнамо тарзда, нонуштага беғараз такаллуфдек ифода қилдим. Уни ҳақиқатан ҳам ҳаёт ҳақида мутлақо янгича тасаввур пайдо бўлишидан чўчитиб қўйишни истамасдим.

Аёл иккиланиб қолди. У ҳамон кетишга чоғланаётганини кўриб турардим.

Мен овозимни пасайтирдим ва бор жозибамни ишга солдим:

– Сиз сир сақлай оласизми?

У баъзўр жилмайди:

– Албатта!

– Бугун бу ердаги биринчи иш куним. Сиз эса – биринчи меҳмонимсиз. Агар кетиб қолсангиз, ёлловчиларим маҳоратимдан шубҳаланишади. – Мен кулиб қўйдим ва хавотирга тушгандай бўлдим. – Энг ёмони, ўзимга ишонмай қолишим мумкин.

Аёл яна жилмайди, чамаси айёрлигим иш берди.

– Менга буни раво кўрмассиз. Ошпазликни қойиллатишимга ишонаман. Агар шу ерда қолсангиз, буни исботлашимга имкон берардингиз.

Аёл менга тикилди. Мен табассумдан чароғон эдим.

У имилларди. Ниҳоят, нарсаларини столга қайтариб қўйди.

– Ташаккур, – таъзим қилганча, эътироф билдирдим. – Бундан афсусланмайсиз, дея умид қиламан. Сўз бераман!

Аёл ўтирди ва қўлига телефонини олди. Ха, тарки одат – амри маҳол.

– Бу ерда алоқа жуда расво, – таъкидладим мен. – Шунга қарамай, мароқли суҳбатлар бўлади, ишонаверинг. – Мен столда ётган менюга ишора қилдим. – Қараб чиқинг, бир дақиқадан сўнг Кейси буюртмангизни олгани келади. Келишдикми?

Аёл бош ирғади.

Мен бурилдим ва ошхонага жўнадим.

– Жессика, – деди у бирдан.

Мен ўгирилдим.

– Кечирасиз, тушунмадим?

У жилмайди. Бу табассум жуда самимий эди. Сира ясама эмас. Бу табассум унинг қолишидан дарак бериб турарди. Бунда менинг сўзамоллигим эмас, ўзининг ички туйғусига бўлган ишончи аҳамият касб этганди.

– Менинг исмим Жессика, – такрорлади у.

Мен жавобан жилмайдим.

Танишганимдан хурсандман, Жессика. Қолганингиз учун раҳмат. Бу қарорингиздан ҳали хурсанд ҳам бўласиз.

— Энди сенинг навбатинг, — дедим Кейсига очик эшикдан кираркан.

Кейси кулиб юборди.

— Кимдир уни сеҳрлаб олмадимикин?

— Бу ҳозирча, холос. У қўлимдан келмайдиган таомни буюртма қилмасайди, деган ҳадикдаман.

Кейси менга жилмайди ва чиқиб кетди.

— Хўш, танлаб бўлгандирсиз-а? — сўради Кейси столчага яқинлашгач.

Жессика бош ирғади.

— Мен пича қолмоқчиман. Ҳозиргина ошпазингиз билан гаплашдим.

— Қалай экан?

Табассум.

— Одамижон.

— Сизни кўндириш учун нималар деди?

— Биласизми, ҳозиргача ўзимни бу ердан кетишга ундаётгандим. Қанча ишларим қалашиб ётанига қарамай, бу ерда нимага ўралишиб ўтирганимга ўзимам ҳайронман. Унинг гап-сўзлари эса менга ўзим учун қилишга сўз берган, аммо нимагадир ортга сураётган ваъдаларимни эслатгандай бўлди.

— Масалан, қандай ваъдалар?

— Кўпроқ ҳордиқ чиқариш. Ҳаётдан лаззатланиш. Бирор нарсада шубҳалансам, ички туйғуга ишониш, деганларидай.

Кейси жилмайди.

— У махсус сиз учун айлана чизиб қўйди.

— Нима-нима? — тушунмагандек қайта сўради Жессика.

— Кейинроқ тушунтираман. Ёки унинг ўзи тушунтиради. — Кейси менюга ишора қилди. — Бирор нарса танладингизми?

Икки дақиқадан кейин, Кейси тарқатиш дарчасига келди. Блокнотдаги Жессиканинг буюртмаси ёзилган варақчани йиртиб олиб, уни чархпалакчага илиб қўйди. Дарчадан менга жилмайиб қаради ва жилмайди:

— Буюртма бор!

У нари кетди ва мен чархпалакчани ўзим томонга айлантириб, ёзувларни кўздан кечирдим.

— О, бу ер унга ёқиши аниқ! — дедим секингина хитоб қилганча ва варақчани иш столи четига қўйдим.
— Фарангча ананасли қасирлоқ нон бир зумда муҳайё бўлади-да!

Жессика буюртмасини ошхонага олиб кетаётган Кейсининг изидан қараб қолди. Бу ер бари бир сал ғалатироқдай, ўйлади аёл. У яна телефонини қўлига олди, аммо алоқа йўқлигини эслаб қолди.

Телефонни бир четга қўйиб, яна менюни олди тортди. Қахвахонанинг номи, унинг ходимлари билан маслаҳатлашиш ҳақидаги тавсиянома, энг пастда эса – стрелка тагида майда ҳарфли ёзув: «Орқа томонимга қара».

У қизиққан кўйи меню орқасига қаради. Орқа муковада учта саволдан бошқа ҳеч нарса йўқ экан.

Сиз нечун бундасиз?

Ўз майдончангизда ўйнайсизми?

Сизда ШКТ мавжудми?

Ҳаммаси борган сари ажабланарли бўлиб бормоқда. У саволларни яна бир бор кўздан кечирди.

Ҳақиқатан, мен бу ерда нима қилиб ўтирганимни ўзим ҳам билмайман. Болалигимдан бери ҳақ қанақа майдончаларда ўйнамаганман... манави ШКТ яна нимаси бўлди?

Аёл яна телефонга ёпишди. Алоқа йўқ. Буни биларди-ку. Нимага ҳадеб унга ёпишаверади?

– Баъзан одатлардан қутулиш қийин. Тарки одат – амри маҳол. – Бу Кейсининг овози эди. – Сизга қаҳва қуяйми?

Жессика бош ирғади.

– Майлингиз. – У телефонга қаради ва шикоят қилди. – Жудаям телефонга боғланиб қолгандайман: шу ернинг ўзида ўн мартача қўлимга олдим. Чама-си, ҳамиша шунақа қилиб юрганман-у, пайқамаган бўлсам керак. – Аёл атрофга қаради. – Сизларда доим шунақа кимсасиз бўладими?

Кейси бош чайқади:

– Фақат зарурат туғилганида.

Жессика тушунмади. Яна телефонга қўл узатиб, бирдан аҳмоқона кўринмаслик учун менюга ёпишди. Унинг олдида яна учта савол пайдо бўлди.

– Сиз уларни топганга ўхшайсиз, – бош ирғади Кейси.

– Икки дақиқа олдин, – деди жавобан Жессика.

– Қалай экан?

Жессика нима деярга ҳайрон эди.

– Қандайдир қизиқ гаплар.

Аёл шу билан суҳбат тугаса керак, дея умид қилганди. Бирдан у ўзини бу ерда ноқулай тута бошлади. Қандайдир унга нафас етишмаётгандек эди. Нарсаларини йиғиштиришга ҳам шайланди. Бирор асосли баҳона бўлса бас.

Кейси далда бермоқчидай жилмайди.

– Бу табиий. Кўпчилик одамлар бу саволларни илк бор кўрганида, хаёлларидан нималар кечмайди, дейсиз.

Ваҳима чекина бошлади. Кейси унга хотиржам-дек ва ҳамдарддек кўриниб кетди. Бу бир пайтнинг ўзида ҳам таскин берарди, ҳам ғашини келтирарди.

– Булар нимани англатади ўзи? – қизиқсинди Жессика.

– Аввал айтганимдек, баъзи жойларда сиз қаҳва сўрайсиз ва ҳақиқатан ҳам қаҳвага эга бўласиз. Баъзан эса қаҳва билан бирга каттароқ нарсаларни ҳам кўшиб беришади. Шу саволларга қараганда, сиз бу ерга қандайдир каттароқ бир нарса учун келганга ўхшайсиз.

Жессика унга бақрайиб қолди. Ўзининг ғалати гаплари билан официант аёл уни саросимага солиб қўйганди.

– Сизлар ҳаммагаям битта менюни кўрсатмай-сизларми? – ажабланди у.

– Ҳаммага битта, – жавоб берди Кейси ва жилмайди. – Бироқ саволлар ўзгариб туради.

Айни шу пайти ошхона томонда буюртма тайёр бўлгани ҳақида хабар берганча, қўнғироқча жиринглаб қолди. Иккала аёл ҳам ўша томонга қарашди.

– Чаққонгина-ку? – изоҳ берди Кейси. – Келинг, у сизга нималар тайёрлаганини кўрамиз.

У столчадан узоқлашиб, ошхонага кетди.

Жессика оҳиста хўрсинди. Ғалати гап бўлди. Юрагида англаб бўлмас туйғу ғимирлаб кетди. Бамисоли у қандайдир саҳнага араллашиб қолган-у, ролинг қолган гапларини билмайдигандек эди. У яна менюга қаради.

Сиз нечун бундасиз?

Ўз майдончангизда ўйнайсизми?

Сизда ШКТ мавжудми?

12-БОБ

Кейси тарқатиш дарчасига ёндошди. У ерда ме-валар солинган товоқчали баркаш турарди. Янги папайя, лайм бўлакчалари, қирғичланган кокос қипиқлари узра хушбўй ялпиз япроқлари сочилган.

– Фаранги қасирлоқ нон бошқача чиқибдими? – жилмайди у менга.

– Шунчаки иштаҳани қитиклаш учун енгилгина нонушта бу. Ошпаздан сийлов, – изоҳ бердим мен.

– У папайяни хуш кўришини туш кўрдингми?

Мен жилмайдим.

– Ички туйғум шипшиди. Совуткичда танлов жуда бой экан. Униси ва бунисига қарадим, ички овозим эса папайяни айтиб қолди.

– Унақада, майли.

Кейси баркашни кўтарди ва Жессиканинг олдига борди.

– Мана, фарангча қарсиллоқлар, – деди у ва ликопларни Жессиканинг олдига қўйди.

Жессика папайяга ҳайрат билан тикилди. У тилини тишлаб олгандай, бирор сўз айтмасди.

– Ҳазиллашдим, – изоҳ берди Кейси. – Қарсиллоқ қовурма нонлардан олдин иштаҳани ўйнатиш учун

буларни ошпаз сизга сийлов тариқасида берди. Айнан сиз учун.

Жессика ошхона тарафга кўз ташлади ва мен унга қўл силтаб қўйдим. У жавобан журъатсизгина қўл силтади. Кулиб юборишдан ўзимни зўрға тиярдим. Мен бу ерда илк бор пайдо бўлганимдаям, нотаниш ошпазга қўл силташ ўнғайсиз туюлганди.

– Оғзингизга ёкса, айтарсиз, майлими? – деди Кейси Жессикага. – Ўзимам бўридай очман. Агар сизга ёкса, менам Жондан шунақасини сўрайман.

Жессика лайм шарбатини папайяга сиқиб, санчки билан бир бўлак узиб олди-да, устига ялпиз баргини қўйди. Уларни чайнардан, юзи лаззатдан нурланиб борарди.

– Жуда зўр, – деди у ютинганча. – Таърифига тил ожиз!

Жессика ликопга тикилди ва ич-ичидан келган иштиёқ билан деди:

– Буни барини ея олмаслигим тайин. – У атрофга қаради. – Бошқа бировниям таклиф қилолмайман. Келинг, сиз ҳамтовоқ бўла қолинг.

Кейси жилмайди.

– Астойдилми?

Жессика бунга унчалар амин эмасди, шундай бўлса ҳам тасдиқнамо бош ирғади.

Кейси ён томондаги буфетдан ликоп ва санчки олди ва Жессиканинг қаршисига ўтирди. Жессика бу нарсаларнинг шай турганидан анграйиб қолди. Худди Кейси бу илтифотни олдиндан кутгандай.

Бу мумкинмас, ўйлади у ичида.

– Айнан нима? – сўради Кейси ва жилмайди.

Бир онча Жессикани шубҳа қамраб олди: балки бу «мумкинмас»ни у беихтиёр овоз чиқариб айтворгандир? Бундаймаслигига унинг ишончи комил эди.

– Ҳа, сиз ҳақсиз! Ҳақиқатан ҳам жуда мазали экан, – деди Кейси тотиб кўраркан.

Улар яна икки бўлакчадан ейишди, кейин Кейси менюга бармоғи билан чертди.

– Боя келганимда бу саволлар сизни қизиқтириб қўйгандай бўлди.

– Ҳа, менюларда бунақа сўзларни учратиш ғайритабиий, – деди Жессика. – Уларнинг маъносига тушундим, деб айта олмайман.

Кейси бош ирғади.

– Ҳа, улар ҳар доим ўзингга берадиган саволларданмас, – у яна папайядан бўлакча узди. – Бироқ саволлар анча жиддий.

Жессика менюнинг ортига назар ташлади. Бирдан унинг ҳаммаси ҳақида официант аёлга гапириб бергиси келди. Ўз қайғулари, хафсаласи пир бўлганлари, худди бировнинг ҳаёти билан яшаётгандеклигини ва ҳамма-ҳаммасини. Лекин бу кулгили кўриниши мумкин. Одатда танаси бошқа дард билмас дегандай, биров билан бировнинг неча пуллик иши бор. Яхшиси, тилни тийиш ва олдинга ўрмалашдан яхшиси йўқ.

Аммо иштиёқ бари бир сўнмади. Қандайдир ич-ичдан келаётган бу истакни енгиш амри маҳол бўлиб, бутун танасига таралар эди.

- Бу ерда нима қиялпман? – сўради у ўзидан оҳиста. Кейси ликопдан кўзини узди. У Жессикага тикилди.
- Яхши савол. Бошланиши ёмонмас, – дея, секингина суҳбатдошини қўллаб юборди.
- Жессика яна қаҳвасига тикилди.
- Мен қаердаман? Бу қанақа жой? Кейси жилмайди.
- Сиз ўзига хос, ғаройиб имкониятларга тўла жойдасиз.
- Жессика довдираган кўйи унга тикилди.
- Бу нимани англатишини тушунмаяпман. Қандайдир сирли эшитилади.
- Худди айтганимдай.
- Жессика яна изҳори дил қилиш эҳтиёжини ҳис қилди. Бу теран жойлардан ташқарига интилаётган оғриқ эди. У столга қараб туриб, нега йиғлаб юборганини ўзиям тушунмасди.
- Мен адашиб қолдим, – бир неча дақиқалик сукутдан кейин у астагина тилга кирди, кўз ёшлари эса ҳамон ёноқлари узра оқишда давом этарди. – Мен ёмон адашдим.
- Кейси бош ирғади.
- Биламан.
- Жессика бармоғи билан юзидаги ёшни сидирди. Бироқ улар бари бир тўхтамасди.
- Бу билан нима демоқчисиз?
- Бу ер адашиб қолганлар ўзини топиб олиши учун келадиган жойдир.

Мен дарча орқали Кейси ва Жессика ўтирган столча томонга қарадим. Жессика йиғларди. У хижолатга ботган ва саросимага тушгандек кўринар эди.

«Нечун» қаҳвахонасига хуш келибсиз, дея ўйладим мен.

Назаримда, Жессика ҳозирнинг ўзидаёқ бу ердан кетишга шайлигини ҳис қилдим. Унинг қарашларидан бу нарсалар ҳаддан ташқаридек туюлаётгани кўришиб турарди.

– Яна озгина ўтир, – шивирладим ўзимча. – Бироз энгил тортасан. Сўз бераман.

Ортимдан ёғда қасирлаб қовурилаётган нон бўлаклари товуши уларни ағдариб қўйишимни сўраётгандек эди.

Мен пилтага ўгирилдим. Хотирамда бу қаҳвахона билан илк танишувим бот-бот юзага қалқиб чиқарди. Дастлаб бу ердан тезроқ кетгим келганди, аммо кетмадим. Ҳа, бу ер менга ғалати туюлар, менюдаги саволлар эса довдиратиб қўйганди. Лекин бу ерда жуда тўғри бир нарса бор. Шунинг учун қолгандим. Бу – ҳаётимни тамомила ўзгартириб юборган танлов эди. Жессика бу

ерда қолса, унинг ҳаётида ҳам ўзгариш юз беришини нимагадир асосланган ҳолда тахмин қилардим.

Шу алфозда яна столча тарафга қарадим ва Кейсининг нигоҳини тутиб олдим. У бош ирғади ва жилмайишидан худди хаёлимни уқаётгандек эди. Мен ҳам жавобан жилмайдим ҳамда плита тарафга ўгирилдим.

– «Нечун» қаҳвахонасига хуш келибсиз

Жессика кўз ёшларини салфеткага артди. У энди йиғлашдан ўзини тийиб турарди.

Кейси унга қаради.

– *Кўз ёшлар – кучли нишона. Улар сиз учун нимадир муҳимлигини англатади.* Баъзан кўз ёшлар – юрак учун ўзини нимадир безовта қилаётганини бошқаларга билдириш учун қурол бўлиб қолади.

Жессика бош ирғади. Кейсининг сўзларини унчалар тушунмаган бўлса ҳам, ишончлидай ҳис қила олди.

– Юрагингиз шу ерда қолишни маслаҳат бераётган бўлса керак, деб ўйлайман.

Жессика яна бош ирғади.

– Мен ҳам шундай ўйдаман, – деди у оҳиста.

Меню ҳамон уч саволли томони билан столда ётарди.

Кейси биринчи саволга бармоғини нуқиди ва Жессика унга қаради.

Сиз нечун бундасиз?

– Юрагингиз шу онда нималар деяпти? – мулойимлик билан сўради Кейси.

Жессика бошини кўтарди.

– Юрагим бўм-бўш. Бундай бўшлиқдан роса чар-

чаган. Унинг айтишича, ҳаётда бундан каттароқ нарса бўлиши ва ўзини бўм-бўшдек ҳис қилмаслиги керак экан.

Кейси жилмайди.

– Оқилона гап. – У бир зум жим қолди, кейин давом этди: – Икки дақиқа олдин ўзингиз менюдагига ўхшаш бу ерда нима қилаяпман, дегандай гап қилдингиз. Бунда нимани назарда тутгандингиз?

Жессика бош чайқади:

– Ўзимам билмайман. Шунчаки оғзимдан чиқиб кетди. – У чайналиб қолди. – Ахир ҳаётда дам қувноқ, дам маюс, дам тунд ёки қувноқ бўлиш мумкинмасми?.. Аммо менда бари бошқача. Аслида ҳаётимнинг катта қисми йўл очишимга ва олға инитилишимга сарф бўляпти. Энди эса бир гадоё топмас бир ерда, танимаган-билмаган одамим билан гаплашиб, дийдиё қилиб ўтирибман. Қайдадир бир нарсани бой берганга ўхшаш туйғу таъқиб қилмоқда. – Аёл кўзини олиб қочди. – Нимагаки ҳеч қандай қониқиш ҳис қилмаяпман, буларнинг қизиғиям йўқ. Ҳаёт ҳам сира ҳаяжонлантирмай қўйди.

Кейси жилмайди.

– Сизга уммон ёқадими?

Жессика яна Кейсига қаради.

– Бир пайтлар ёқарди. Гавайи оролларига келишимга у ҳам сабабчи бўлган. Мени уммон қуршагини, уни ҳар куни ҳис қилишни хоҳлаганман.

– Кейин-чи?..

– Энди эса уни бор-йўқлиғиям бирдай бўлиб қолган.

Кейси яна жилмайди.

– Мен билан юринг, – У жойидан туриб, баркашга барча идишларни солди. – Юринг, юра қолинг, – дея такрорлади у кўзи билан қаҳвахонанинг тўридаги эшик томонга ишора қилганча.

14-БОБ

Кейси иккиси чиқиб кетишди.
– Ҳар қандай эшик қайгадир олиб боради,
– изоҳ берди Кейси. – Қаёққалигини эса фақат чиқ-
қанингдан кейин биласан.

Бу эшик маълум бир ёққа олиб ўтаётган эди.

Жессика кўз олдида намоён бўлган манзарадан на-
фаси ҳаприқиб кетди. Унинг ўзи деразаларидан Га-
вайи соҳиллари кўриниб турадиган қимматбаҳо офис
биносида ишларди. Аммо ҳозир кўраётганлари ундан
кўра ҳайратлантирарли эди. Худди откриткаларда тас-
вирланган ва саргузашт ишқибозлари излаб юрадиган
жойларнинг тимсолидай.

Жессика бундай чиройли пляжни ҳаётида кўрма-
ганди. Сув зумрад тусда бўлиб, тўлқинларнинг туғи-
лиши ва мақтанишини кўриш кўзга роҳат бахш этар-
ди; сувнинг софлигидан унинг туби аниқ кўринарди.
Қумлар эса ажойиб, сарғиш оқ тусда жилоланади. Жес-
сика эгилди ва бир сиқим қум олди. Қандай тоза! Қум
зарралари қўлда ёқимли тобланади. У бармоқлари
орасидан қумни тўкаркан, атрофга аланглади. Га-
вайи оролларига кўчиб келмоқчи бўлганида, худди
мана шундай жойларни орзу қилганди. Улкан кокос

пальмаларининг барглари сарин елларда ҳилпираб турарди.

– Бизлар қайдамиз? – ҳайрон бўлиб сўради Жессика, кўксини тўлдириб уммон ҳидини ютаркан.

– Жаннатда, – деди Кейси. – Яна «Нечун» қаҳвахонасининг орқа томонида. Бу ерда роҳатланиш учун уммонга боқиб махсус майдонча қилганмиз.

Жессика орқага ўтирилди ва қаҳвахонанинг девори ва қумлоққа кўзи тушди.

У Кейсига саволомуз тикилди.

– Тушунолмаяпман.

Кейси қаҳвахона томонга ишора қилди.

Жессика яна қаҳвахона томонга қаради. Энди эса осмондан тушгандай, қаҳвахона девори бўйлаб қамишли бостирма ва унинг остига ўрнатилган бамбук курси ва столчалар пайдо бўлиб қолганди.

– Қанақасига... – сўз бошлади у.

– Эсимдан чиқай дебди, – Кейси жилмайганча, унинг гапини бўлиб ташлади. – Жонга бу ердалигимизни айтиб қўйиш керак.

Официант аёл Жессикани ҳайрон қолдирганча, деворда пайдо бўлиб қолган дарчанинг табақасидаги тамбани сурди. Бу дарча ошхонадан пляж томонга очиларди.

– Бирор нарсани унутибманми? – дедим мен ошхонанинг орқа деворида каттакон дарча очилиб қолганига кўзим тушгач.

– Сираям, – деди Кейси жилмайганча.

Сўнг пляж ва мавжланаётган уммонга кўзим тушди.

– Оҳо! Қандай манзаралар!

– Сенга ёқишини кутгандим. Жессикага ичкаридан кўра, мана шу жойда хизмат кўрсатиш қалай? Тоза ҳаво танга даво!

– Маъқул. Унинг буюртмаси деярли тайёр.

Мен яна ташқарига кўз ташладим. Ажойиб манзара! Уммон, пальмалар ва қумлоқ. Узоқроқда икки серфингчилар тахталарида тўлқинлардан ошиб ўтмоқда эди. Назаримда, улардан бири менга қўл силкигандек бўлди. Куёшдан қўлимни тўсдим ва яна тикилдим. Аммо энди серфингчилар катта тўлқин кифтида соҳилга интилишмоқда эди.

Бунақаси бўлиши мумкинмас, ўйладим мен.

15-БОБ

Кейси ананасли қарсиллоқ қовурма нон солинган баркашни пештахтадан олиб, Жессика ўтирган стол тарафга элтди. Бу ердаги ҳамма столчалар уммон манзараси яхши кўринадиган қилиб жойлаштирилган эди. Аммо Жессика нимагадир энг яхшисини танламаганди.

– Агар хоҳласангиз, бошқа қулайроғига ўтишингиз мумкин, – деди Кейси табассум билан, бошқа иккита бўш столчаларга ишора қилиб.

Жессика улар томон кўз қирини ташлади. Иккиланиб қолди.

– Йўқ-йўқ, бари жойида, – деди у бир дақиқадан кейин. – Менга шу жой ҳам бўлаверади.

Кейси жилмайди.

– Аниқми?

Жессика яна иккиланиб қолди. Бўш турган икки столга яна бир қараб олди.

– Йўқ, шу ер ҳам бинойидай. Ташвишланманг, ҳаммаси жойида, – худди ўз-ўзини ишонтирган каби деди у.

Кейси бош чайқади.

– Бинойидай – «жойида»гига қараганда кўпроқни ишташдир.

Жессика жим қолди, чамаси у ичида ўзи билан баҳслашаётганди.

Кейси тоқат билан кутарди. Икки лаҳзадан кейин қўшиб қўйди:

– Балки, бу столчалардан бирига ўтиб кўрарсиз, улар сизга кўпроқ маъқул бўлар? Агар бундай бўлмаса, яна жойингизга қайтиш имкони қолаверади.

Бу айнан Жессика кутаётган «йўналтирувчи тепки» эди. У ўрнидан турди ва пляж янада яхшироқ кўринадиган столчага ўтди. Кейси унинг ортидан баркашни кўтарганча, эргаша борди.

Жессика ўтирди.

– Хўш, янги жой қалай?

Жессика жилмайди. Унинг бу ерга келганидан бери Кейсига кўриш насиб этган илк табассуми эди.

– Ҳа, ҳақиқатан ҳам яхши экан, – деди у. – Раҳмат!

Кейси столчага баркашни қўйди. Шу пайти Жессика беихтиёр шундай деди:

– Нимага бундай қилаётганимни, ўлай агар, англолмаяпман.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– «Жойида» бўлган нарсага рози бўляпман. Мен бу столчани кўргандим ва бу жойга чинданам ўтирмоқчи эдим. Шунчаки, – Жессика жим қолди.

– Баъзан бу унчаларам муҳим бўлмайди, – унинг фикрларига суқилди Кейси. – Биз хоҳлаётган нарсалар ҳам аслида «бинойидай» бўлади. Аммо баъзан хоҳлаганимиздан камроқ нарсаларга ўралашиб қолишга рози бўлиб қоламиз. Қаҳвахонамизда бўлган

кишилар, агар ҳамиша бориға қаноат қилаверишса, охири тўлақонли бахт ҳис қилмасликларини ойдинлаштириб олишади.

– Шунчаки сен «бинойидай» бўлиб чиқасан, – гулдиради Жессика.

Кейси бош ирғади:

– Худди шундай, – у ликоплар ва бокални столга қўя бошлади. – Марҳамат, – деди кейин. – Фарангча қовурилган ананасли нон. Яна қўлбола кокосли шарбат – бу сиз учун янгилик бўлса керак.

Жессика маъқуллаб бош ирғади.

– Ниҳоят, янги ананас шарбати! – ишини яқунлади Кейси.

Шарбатли бокал устини кичкина шамсияча беркитиб турарди. Жессика уни чиқарди ва жилмайди. Шамсияча тутқичи бўлган тишковлагич учига ананас бўлаги қадалган эди ва уни оғзига солди. Кейин шамсиячани бир неча бор очиб-ёпди.

– Қизалоқ пайтимда улар менга роса ёқарди! – ўйчан деди у. – Ойимда бунақалардан бешта бор эди. Ҳар куни тонгда ойим улардан бирини шарбатимга солиб қўярди. – Жессика хўрсинди. – Ойим уларни юз марта ювсаям, улар ишдан чиқиб қолмасди. Уларни қаердан олганини ҳам билмасдим. Бизлар жуда қашшоқ маҳаллада яшардик. Акаларимнинг улар билан иши йўқ эди, аммо мен уларни жуда ардоқлардим. Шунчаки арзимас икир-чикир-у, – Жессика жим қолди. – Нимагадир улар менда янги тонгга тезроқ етишга иштиёқ туғдирарди.

У яна шамсиячани очиб-ёпди, кейин уни столчага ташлаб, анча нарига суриб қўйди.

– Бу жуда илгари бўлган, – деди у ва овозидаги барча ҳиссиёти ғойиб бўлди. Табассуми ҳам сўнди.

– Ҳар бир кунни тоқатсизлик билан кутиш учун сабаб бўлгани қандай яхши. Булар сизга қанчалар азиз бўлганини ҳис қиламан. – Кейси бўш баркашни қўшни столга қўйди ва аёлнинг қаршисига ўтирди. – Сиздан бир нарсаларни сўрасам, майлими?

Жессика бошини кўтарди.

– Бемалол.

– Одамларга кўмаклашишни ёқтирасизми?

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Улар учун бирор ишни қилишни хоҳлайсизми? Уларга кўмаклашишни истайсизми?

– Ҳа, – деди ёш жувон.

– Сизга қай бири осонроқ – бошқаларга кўмаклашишми ёки сизга ёрдам кўрсатишларига изн беришми?

Жессика бошини ёнга хиёл эгди ва жилмайди.

– Ёрдам бериш.

Кейси бир он жим қолди, кейин қўққисдан савол берганча, аёлни шошириб қўйди:

– Сиз нега бунчалар худбинсиз?

Жессика Кейсидан ҳимояланмоқчи бўлиб, ўзини ортга ташлади.

– Бу билан нима демоқчисиз? Мен сираям худбинмасман! – қатъий рад этди у.

Кейси мулойимгина жилмайганча, унга тикилиб турарди.

– Айтинг-чи, нима учун одамларга ёрдам бериш сизга ёқади?

Жессика жавоб беришга қийналиб қолди. У тилга кирганида, овози аввалгидек кескин эди:

– Балки, ёрдам беришаётгани уларга ёққанлиги учун бўлса керак? Шу, шу. – У тутилиб қолди. – Бу уларга ёрдам беради.

– Шундайлигига ишонаман.

Жессика кўзларини олиб қочди, кейин яна қаради. Унинг овози бироз мулойимлашган эди.

– Бу менга ёқади.

Кейси унга синовчан назар солди.

– Бу менга ёқади, – такрорлади Жессика. – Одамларга ёрдам берганим ўзимга ёққани учун ҳам ёрдам бергим келаверади.

Кейси жавобни қабул қилди.

– Одамларга ёрдам беришни яхши кўрадиган кўплаб одамлар ҳам ўзи ҳақида шундай деган бўларди. У бошқа ҳеч нарса демади.

Жессика уммонга тикилди. Унинг юзи дам ўтган сайин мулойимлашар эди.

– Мен худбинман, шундайми? Бошқаларга ўзим оладиган лаззатни олиши учун имкон бермайман, тўғрими?

У Кейсига ўгирилди.

– Мен бир умр шундай бўлганман. Бировга юк бўлишни истамаганман. Ноқулайлик туғдиргим келмаган. Шунинг учун одамлар ёрдам бермоқчи бўлишганида, қочиб кетганман. – У кўзларини ерга қаратди.

– Уларни нималардан мосуво қилаётганимни тасаввур ҳам қилолмасдим.

Кейси ҳаммаслақлик ила бош ирғади.

– **Ҳамиша бошқаларга улашишни истаган одам, бошқалардан буни олмасликка уринади,** – деди у ва жилмайди. – То сиз ҳозиргина ясаган хулосангизни англамагунларича шундай давом этаверади.

Жессика Кейсига қаради.

– Буларни нимага менга айтаяпсиз?

Кейси жилмайди.

– Булар то кун тугамасидан олдин сизга асқотиб қолади, деган гумоним бор.

16-Б0Б

Иликқина денгиз шабадаси дерзадан ошхонага эсиб турарди. Мен улардан яйраб нафас олдим ва тўлқинларга тикилдим.

Гавайи ороллари қанчалар ёқтираман! – ўйладим мен.

Кейси ва Жессика суҳбатга берилишган. Бошқа мижозлар йўқ ва мен қовурилган нонлардан тотинаётган эдим.

Серфингчилар кўринмай қолишганди. Мен тўлқинлар узра кўз югуртириб чиқдим, улар бари бир кўриниш бермасди. Бу ердаги тўлқинлар серфинг учиш учун жуда боп. Бирор жойдан тахтани ижарага олиб бўлмасмикин?

– Меникини олиб туришинг мумкин, – таниш овоз эшитилди.

Мен ортимга ўгирилиб, кимни кўришим мумкинлигини аллақачон билиб турардим.

– Майк! – хитоб қилдим жилмайганча. У кўнглимдан кечганларини уққанлиги шу заҳоти эсимдан чиқди. Уни кўрганимдан ғоятда шод эдим! Ахир у билан ушбу қаҳвахонага ўн йил олдин илк бор келганимда биринчи ва охири марта кўришган эдик.

Майкнинг ёнида кичкина қизча турарди.
 – Жон дегани сенмисан? – деди у тўғридан-тўғри.
 Мен пештахтадан эгилиб, унга разм солдим.
 – Ҳа, шунақа, – жавоб бердим ва кулиб қўйдим. – Буни қаердан биласан?
 – Дадам бугун сени шу ердалигингни айтди.
Бу ерда бўлишим мумкинлигини ўзимам билмай туриб, буни Майк қаердан билибди, – ўйладим мен.
 – Мен – Эмма, – қизча ўзини таништирди.
 – Танишганимдан хурсандман, Эмма.
 У Майкнинг қўлидан тутди.
 – Кейси билан кўришсам бўладими?
 Майк бош ирғади ва қизалоқ Кейси ҳамда Жессика ўтирган томонга чиқиб кетди. Майк унинг ортидан қараб турди ва кейин менга тикилиб, оғзи кулоғига етди.
 – Жон, сени кўрганимдан хурсандман, – деди у ва пештахта узра қўлини узатди.
 Унинг қўлини қисиб қўйдим.
 – Мен ҳам олдингизга қайтиб келганимдан хурсандман, – самимий тарзда иқроор бўлдим ва уммон томонга ишора қилдим. – Сизлар кўчиб келдингизми?
 – Шунга ўхшаш, – тасдиқлади Майк ва яна жилмайди. – Бизни бир танишимизнинг франчайзинг ҳақидаги гаплари илҳомлантирди. Бу ёғини эса ўзинг тушунасан.
 У менинг бу ерга ўн йил олдин келганимда айтган гапимни назарда тутганини англадим.
 Мен кулиб юбордим.

- Қизик, ким экан у таниш?
- Зўр бир йигит, – деди ҳазилимни қўллаган Майк.
- Биласанми, у катта саргузаштлар остонасида турганди.
- Кейси ва Жессика ўтирган столча тарафдан қаҳқаҳа овози келди. Биз Майк билан ўша томонга ўгирилиб, Эмма аёлларни қувонтирганини кўрдик. Қизалоқ қандайдир денгиз жониворига тақлид қилар, кўзларини катта-катта очганча, столча атрофида сакраб юрарди.
- Ўшандан бери катта саргузаштларни бошдан кечирган бир мен эмасман, шекилли, – таъкидладим мен.
- Ҳаётимда қилган энг яхши ишим шу, – тасдиқлади Майк. – Тан оламан, бу саргузашт ҳаммабоп эмас. Аммо мен учун бундан ортиғи бўлмайди.
- Ёши нечада?
- Эндигина еттига тўлди.
- Етти ёшига нисбатан жуда мағрур қизча! Лекин у кимлар билан биргалиги учун бундан ажабланмасам бўлади.
- У жуда ғаройиб қизча. Чин сўзим.
- Шошма-шошма. Сал олдин сизларни тахтада учаётганларингни кўргандай бўлдимми?
- Ҳа. Эрталабдан анча машқ қилганимиз учун, иштахамиз карнай. Нонуштага нима бор?
- Мен кўз қисдим:
- Ўтган гал келганимда бу ерда ошпаз ўзинг эдинг. Энди-чи?

У жавобан жилмайди:

- Агар қарши бўлмасанг, бугун ошпазлик ўзингга тан. Сени бошқа даражага кўтариш пайти келди.
- Нима дейишнйам билмасдим. Мени пазанда, деб бўлармикин? Аммо бу гап менга ишончлидай кўринди. Гўё ҳамма нарса шундай бўлиши лозимлиги ҳақида айтаётгандай.
- Майли, – дедим мен. – Бироқ керак пайти сендан маслаҳат олиб туриш шарти билан.
- Келишдик!
- Мен пештахтадан менюни олиб, Майкка узатдим.
- Бу ерда қанақа таомлар борлигини шундоғам яхши биласан. Майлига, бир қараб кўр ва нима қилиб бера олишимни айт.
- Майк менюнинг орқа муқовасини кўрсатди.
- Мана булар ҳақида нима дейсан? – сўради у ва уч саволни кўрсатди.
- Бу ҳаётни ўзгартирадиган суҳбат учун яхши мавзу, – таъкидладим мен ва жилмайдим.

17-БОБ

Кейси ва Жессика дадаси томон чопган Эмманнинг ортидан қараб қолишди. Эмма уларга эрта-лабки воқеаларни айтиб берган экан. Улар Майк билан сувдан сакраб чиқадиган скатни кўриб қолишибди. Бир тўлқиннинг кифтида учишаётганларида, ёнларидан дельфинлар сузиб ўтибди.

– У завққа лиммо-лим, – хўрсинди Жессика.

– Нимасини айтасиз, – жилмайди Кейси ҳам.

– У доим шунақами?

– Деярли. Майк ўз ишини боплаб эплаяпти – уни ўз майдонида ўйнашига изн беради.

– Майк – ким у? Дадасими?

– Ҳа, ана турибди-ю, – Кейси Майкка имо қилди.

– Улар бу ерга кўп келишадими?

Кейси кулиб юборди.

– Деярли, ҳар куни. У мана шу ернинг эгаси.

– О!

Жессика ота-болани бир дақиқа кузатгач, яна Кейсига ўтирилди.

– Кечирасиз-у, – деди у бошини силкиб олиб. – Жавобингизни яхши англолмадим. Эмма ҳақида нима-лардир дегандай бўлдингиз.

Кейси жилмайди.

– Майк ўз ишини яхши эплаётганини айтдим – у кизига ўз майдончасида хоҳлагандек ўйнашига изн беради.

Кейси столда ётган менюга тезгина қараб олди. Меню саволли томони билан тепага қараб ётарди.

Сиз нечун бундасиз?

Ўз майдончангизда ўйнайсизми?

Сизда ШКТ мавжудми?

– Бўпти, – охири таслим бўлди Жессика. – Қизиқишимни қитиклаб қўйдингиз. Майдонча деганингиз нима ўзи?

– Болалигингизда ўйнаган бўлсангиз керак? – саволга савол билан жавоб қайтарди Кейси.

– Бунгаям юз йилча бўлди. Шунинг учун ўйлаб олишим керакка ўхшайди.

Кейси ёнга бош эгганча, Жессикага тикилди. Унинг ҳаракати ёш жувонни жим қолишга мажбур қилди.

– Унутманг, – деди Кейси. – Биз бошқаларга ёрдам кўрсатишни ўзларига ёрдам кўрсатишдан кўра, осонроқ бўлганлар ҳақида гаплашдик. Уларда намоён бўладиган қирралардан бири шундаки, ўзлари ҳақида гапиришни ёқтирмайдилар. – Кейси суҳбатдоши ўйлаб олиши учун имкон берган кўйи жим қолди. – Мен очиқ-ойдин бўлиши учун сўраяпман.

– Тушундим, – деди Жессика бош чайқаганча. – Унчалар кўп ўйнамасдим. – У тўхтаб қолди. – Болалигим қийинчиликда кечган.

Кейси кутиб турса ҳам, Жессика изоҳ беришда давом этиш учун имилларди.

– Ўзингизга астойдил ёққан машғулоти эслай оласизми?

Жессика олисларга тикилди. Кўринишидан, у кечмишларини элакдан ўтказётган эди.

– Болалигимда ҳалинчақда учишни жуда севардим, – деди ниҳоят у ва Кейсига қаради. – Кўчамиз адоғида хиёбон бор эди. Уйда сиқилиб кетганимда, ўша ерга қочиб борардим ва ҳалинчақда учардим. Баъзан эса соатлаб. Мени кўпинча ўша ердан топишарди.

– Нега айнан ўша ердан?

– Билмайман. Менга ўша жой нажот кўрғоним бўлса керак. Катта дарахтга осилган иккита ҳалинчақ. Бу хиёбонда одамлар деярли бўлмасди. Шунинг учун ҳалинчақлар фақат менга тегишлидай туюларди. Дарахт жуда катта эди ва соясида сақланардим. Мен то ичимда бўшлиқ пайдо бўлмагунига қадар, иложи борича кучли ва баландроқ учгим келарди. Сиз энг баландга учиб чиққан пайтлардаги ҳолатга тушганмисиз? – Жессика жим қолди. – Мен мана шу ҳолатни тўхтатганча, муаллақ қолишни орзу қилардим. Ўзимни кичкина булутчадек тасаввур этардим. Бир-икки лаҳза шундай қолсам, осмонга учиб кетаман, деб ўйлардим... Шунда ҳаммасини ортда қолдираман. Умрбод. – Жессиканинг кўз бурчида ёш ғилтиллади. У тезда ёшини артиб олди. – Бу эса иложсиз нарса эди. Қанчалар тепага учмай, бари бир пастга қайтиб тушардим. Ҳамиша қуйига қайтишимга тўғри келарди.

– Энди бундай бўлмайди, – ишонқирамай деди Кейси.

– Йўқ, бошқа бунақаси бўлмади. Ўн етти ёшимда уйдан кетдим ва қайтмадим.

– Шундан бери бор кучингизни ишга соласиз.

Жессика кўрмаётган бўлсаям тўлқинларга тикилиб қолганди.

– Ўшандан бери шундай.

— Салом, Кокосча!

— Майк Эммани кучоқлаб олди ва тарқатиш дар-
часи ҳамда пештахта ёнидаги баланд бар курсисига
ўтказди.

— Дадам мени шунақа дейди, — изох берди Эмма. —
Мен кичкиналимда кокосдай бўлганмишман.

Мен жилмайдим.

— Кейсига салом бердингми? — сўради ундан Майк.

— Аҳа, Жессикагаям. Дугона бўлволишибди. Мен
скат ва дельфин ҳақида гапириб бердим. Уларни биз
эрталаб кўрдик.

— Зўр-ку! Демак, танишиб ол: Жон — бугун таклиф
қилинган ошпаз. Нонуштани хоҳлайсанми?

— Ҳа.

— Нима еган бўлардинг?

— У фарангча қовурма нонни айтса керак, деб умид
қилгандим.

— Им-м. Мева-ю, омлет билан блинчиклар бўла-
дими?

Майк бош ирғади.

— Ёмонмас. Буни ошпазга айтгин-чи?

Эмма курсида бурилиб олди ва менга тикилди:

— Сенга ёрдам берсам, майлими?

Майкка қарадим.

— Қарши бўлмасанг, мен бунга розиман, — деди у.

Мен Эммага қарадим.

— Бу ажойиб! Бу ёққа кир, иккаламиз нонушта тай-
ёрлаймиз.

Эмма курсидан сакраб тушди ва эшикка йўналди.

— Майк, сенга-чи? — сўрадим мен.

У жилмайди.

— Фарангча қовурилган нон бўлса, дердим. Қарши
бўлмасанг, Эмма билан банд бўлгунларингча, тахта-
ларни чайиб қўяман.

— Гап-сўзсиз. Ҳаммаси тайёр бўлганида сени чақи-
радим.

Мен совуткичдан масаллиқларни сараладим. Лаҳза
ўтмай, Эмма эшикдан кириб келди. Унинг юришига
эътибор қаратдим. У енгил ва ғайрат билан қадам таш-
лар, бунақасини катталарда камдан-кам кўрасан. Бир
пайтнинг ўзида ҳам рақс, юриш ва сакрашлар. Худди у
истаган томонига бораётгандек ишончга тўлиқ.

— Нимадан бошлаймиз? — сўрадим ундан.

— Мен меваларни столга олиб бора оламан, — жа-
воб берди у. — Кесишни ёқтирмайман, буни ўзинг
қиларсан?

— Шундай. Мен кесаман, сен эса аралаштирасан.

— Ҳўп.

Биз омлет, блинчик ва Майкнинг гренадалари учун
масаллиқларни тайёрлай бошладик.

— Дадам айтди-ки, сен саргузаштлар ортидан туш-
ганмишсан. Шунақами? — сўради Эмма.

- Мен бош ирғадим:
- Шунга ўхшаш.
 - Қанақа саргузаштлар?
 - Ўтган гал даданг билан учрашганимизда, мен ҳали ҳаётимда нималар қилишни унчалар аниқлаб ололмагандим.
 - Бундан хафамидинг?
 - Хафалигам гапми. Худди ҳаёт ёнимдан ўтиб кетаётгандек эди. Яхши кўрган нарсаларимни қилишга вақт тополмасдим.
 - Кейин саргузаштлар излаб кетдингми?
 - Йў-ўк, аввал қанақа саргузаштларни хоҳлашимни ўйлаб олишим керак эди. Нималигини аниқлаб олгандан кейин, пул йиға бошладим. Икки йилдан кейингина бунга имкон топдим.
 - Қаёққа бординг?
 - Дунё айлангани чиқдим.
 - Эмма ҳайрат билан менга тикилди.
 - Сен ҳамма ёқни кўрдингми?!
 - Мен жилмайдим.
 - Ҳа, дунёни айланиб келдим, аммо ҳаммасини кўрганим йўқ. Бир мартада буни эплаш қийин. Бирок жуда кўп жойларда бўлдим.
 - Бошқа саёхатларгайм бордингми?
 - Унга кулимсираб қўйдим. Қизалоқнинг ғайрати терисига сиғмасди!
 - Бордим! Ҳозир ана шундай сафарларимнинг биридан қайтаётгандим. Африкада, Марказий Америка ва жануби-шарқий Осиёда бўлдим.

- Ишламайсанми?
- Мен кулиб юбордим.
- Баъзида. Биринчи бор саёхатга чиққанимдан кейин, бундан ҳам кўпроғини хоҳлаб қолдим. Шундан бери бир йил ишлайман, бир йил саёхат қиламан. Кейин яна бир йил ишлайман, бир йил – саёхат.
- Сен пул йиғишни биладиганга ўхшайсан, – мақтаб қўйди Эмма. – Дадам ҳар ҳафта менга чойчақа бериб туради. Баъзан хоҳлаган нарсам учун пичасини йиғаман, баъзан эса барини сарфлаб юбораман.
- Унақада, сен буюк ҳаётий сабоқни ўзлаштириб олибсан.
- Қанақа сабоқ?
- Нимани хоҳлашингни билсанг, пул йиғиш ҳам осонлашади.
- Худди шунақа! Битта серфинг тахтаси бор эди, тоза ёқтирардим. Дадам мен билан шартлашиб олди. Агар ярмини йиғолсам, қолган ярмига ўзи пул қўшмоқчи бўлди.
- Уддаладингми?
- У жонбозлик билан бош ирғади.
- Унинг ранги кўклигини кўргандирсиз?
- Пул йиғиш қийин бўлдимми?
- Баъзан. Бошқа хоҳлайдиган нарсаларимам бор эди-да. Масалан, энг ёқтирадиган кичкина пластмасса отчалар, яна бошқа ўйинчоқлар. Аммо мен уларни тахта билан таққослаб, тахтани кўпроқ хоҳлашимни билдим. Ундан кейин дугонамнинг опаси менга худди ана шунақа кўк рангли тахтасини вақтинча бериб

Мен бош ирғадим:

– Шунга ўхшаш.

– Қанақа саргузаштлар?

– Ўтган гал даданг билан учрашганимизда, мен ҳали ҳаётимда нималар қилишни унчалар аниқлаб ололмагандим.

– Бундан хафамидинг?

– Хафалигам гапми. Худди ҳаёт ёнимдан ўтиб кетаётгандек эди. Яхши кўрган нарсаларимни қилишга вақт тополмасдим.

– Кейин саргузаштлар излаб кетдингми?

– Йў-ўқ, аввал қанақа саргузаштларни хоҳлашимни ўйлаб олишим керак эди. Нималигини аниқлаб олгандан кейин, пул йиға бошладим. Икки йилдан кейингина бунга имкон топдим.

– Қаёққа бординг?

– Дунё айлангани чиқдим.

Эмма ҳайрат билан менга тикилди.

– Сен ҳамма ёқни кўрдингми?!

Мен жилмайдим.

– Ҳа, дунёни айланиб келдим, аммо ҳаммасини кўрганим йўқ. Бир мартада буни эплаш қийин. Бироқ жуда кўп жойларда бўлдим.

– Бошқа саёҳатларгаям бордингми?

Унга кулимсираб қўйдим. Қизалоқнинг ғайрати терисига сиғмасди!

– Бордим! Ҳозир ана шундай сафарларимнинг бирдан қайтаётгандим. Африкада, Марказий Америка ва жануби-шарқий Осиёда бўлдим.

– Ишламайсанми?

Мен кулиб юбордим.

– Баъзида. Биринчи бор саёҳатга чиққанимдан кейин, бундан ҳам кўпроғини хоҳлаб қолдим. Шундан бери бир йил ишлайман, бир йил саёҳат қиламан. Кейин яна бир йил ишлайман, бир йил – саёҳат.

– Сен пул йиғишни биладиганга ўхшайсан, – мақтаб қўйди Эмма. – Дадам ҳар ҳафта менга чойчақа бериб туради. Баъзан хоҳлаган нарсам учун пичасини йиғаман, баъзан эса барини сарфлаб юбораман.

– Унақада, сен буюк ҳаётий сабоқни ўзлаштириб олибсан.

– Қанақа сабоқ?

– Нимани хоҳлашингни билсанг, пул йиғиш ҳам осонлашади.

– Худди шунақа! Битта серфинг тахтаси бор эди, тоза ёқтирардим. Дадам мен билан шартлашиб олди. Агар ярмини йиғолсам, қолган ярмига ўзи пул қўшмоқчи бўлди.

– Уддаладингми?

У жонбозлик билан бош ирғади.

– Унинг ранги кўклигини кўргандирсиз?

– Пул йиғиш қийин бўлдимми?

– Баъзан. Бошқа хоҳлайдиган нарсаларимам бор эди-да. Масалан, энг ёқтирадиган кичкина пластмас-са отчалар, яна бошқа ўйинчоқлар. Аммо мен уларни тахта билан таққослаб, тахтани кўпроқ хоҳлашимни билдим. Ундан кейин дугонамнинг опаси менга худди ана шунақа кўк рангли тахтасини вақтинча бериб

турди. Шундагина йиғишим осонлашди. Ундан фойдаланганимдан кейин, бу айна ўзим хоҳлаган нарса-лигини англадим.

Мен жилмайдим. Бу ҳақда гапираётганда қизалок жуда самимий ва жонланиб кетган эди!

– Мен ҳам саёҳатларимда ана шундайман, – дедим ғурурланиб. – Ўз-ўзимни англашни истаган пайтимда Коста-Рикага бордим.

– Дадамам Коста-Рикани яхши кўради! – гапимни бўлди Эмма.

Мен яна жилмайдим.

– Эсимда. Хуллас, Коста-Рика биринчи бор олисларга қилган сафарим эди. У ерда маза қилдим. Уйга қайтиб келганимдан кейин, бошқа саёҳатлар учун пул йиғишим осонлашди.

– Мен тахтага пул йиққанимдай.

Бош ирғаган кўйи маъқуллаб қўйдим.

– Ҳа, шунақа.

Мен блинчиклар массалиғини миксерга солиб, уни Эммага тутқаздим.

– Бу ерда аралаштириш ва кўпиртириш бўйича ким бош мутахассис? Ишга шаймисан?

– Шайман! – У миксерни тез-тез айлантиришга тушди. Ҳамма ёққа томчилар сачрай кетди.

Мен кулиб юбордим.

– Сал секинроқ, венчикни чуқурроққа ботир.

Эмма ҳам кулиб юборди ва айтганимни қилди.

– Энди жойида! – деди у жилмайганча.

19-БОБ

Кейси Жессикага узоқ термулиб қолди.

– Ҳалинчаклар ҳақидаги ҳикоянг учун раҳмат. – У жим бўлиб қолди. – Балки, ўйин майдончамизга қайтганимиз яхшидир?

Жессика бош чайқади.

– Йўқ, у ёққа қайтмайман! Ҳеч қачон. Нуқта.

– Мен ўша жой ёки одамларнинг олдига қайтишни назарда тутмаяпман, – деди Кейси. – Ўзингизнинг шахсий майдончангизни зиёрат қилсакми, деяпман.

Жессика қошларини чимирди.

– Қайси маънода?

– Сал бурун Эмманинг ғайратга тўлалигидан завқландингиз. Ҳаётсеварлигига қойил қолдингиз. Ҳаммамизда булар бор. Баъзан буни унутиб қўямиз. Шунчаки ўйин майдончамизни ёпиб қўйганмиз, холос.

Жессиканинг юзида довдираш аломати кўриниб турарди.

– Бунга бошқа томондан қаранг, – деди Кейси. – Болаларда нима ёқиши-ю, нима ёқмаслигига туғма туйғу мавжуд. Уларга тепалиқдан сирпаниш ёқса, нарвонга тирмашиш ёқмайди. Ё ҳалинчак ёқади ёки қувлашмачоқ ёқмайди. Улар буни яхши билиша-

ди. Ёқмайдими, тамом. *Уларнинг оламида нимаики ёқмаса, ўшани қилишмайди.*

– Аммо шундаям, ҳақиқатни билса.

– Қанақа ҳақиқатни?

– Ҳаммаси вақти билан ўзгаришини, – хўрсинди Жессика.

– Ҳамма гап шунда-да. Бугун ёқмаган нарса, эртага ёқиб қолади ва бунга ҳайрон ҳам бўлишмайди. Уларга айна дамда нима ёқса шуни *қилишади*. Вақт ўтиши билан бизлар ўзгарамиз.

Жессика бошини кўтарди. Кейсининг гапи қаеригадир тегиб кетганди. Керакли торни чертди. У қўллари билан кифтини қучди ва жунжикди.

– Нима бўлди? – сўради Кейси.

– О, ҳеч нарса. Кечирасиз. Шунчаки.

– Нима гап?

– Сиз болалар ҳақиқатни билишади, биз эса вақти билан ўзгарамиз, деганингиздан баданим жунжикиб кетди. Шунчаки бунга аҳамият берманг.

– Балки, гап айнан ана шу «шунчаки»дадир, – мулойимгина тахминлади Кейси. – Балки, сиз айна дамда *ўзингизга* «Ҳой, ҳозир бир муҳим нарсани англадим», – дея мурожаат қилгандирсиз.

Жессика жавоб бермади.

– Бола пайтимиздан бизга айнан нима кераклигини биламиз, – давом этди Кейси. – Кунимизнинг катта қисмини ана шу нарсаларга сарфлашга ҳаракат қиламиз.

– Кейин-чи? Кейин нима бўлади?

– Бу боланинг ўзига боғлиқ. Айримлар ўз ўйин майдончасини очиклигича қолдиради. Катта бўлган сари таъблари ўзгарса-да, *ўз ҳаётларини ўйнаб ўтказиш ҳақидаги фикрдан воз кечмайдилар. Жиддийроқ айтсам, ўзларига ёққан ишни қилишда давом этишади.*

– Бошқалар-чи?

– О, жуда кўпчилик ана шу «бошқалар» тоифасига киради.

– Улар билан нима бўлади?

– Ҳаммада ҳар хил. Кимдир ўзига ўйинни бас қилиб, улғайиш кераклиги ҳақида кўрсатма беришларига изн беришади. Уларнинг дунёси «керак», «зарур», «иложим йўқ» каби уларни чеклаб ташлайдиган турли сўзлардан иборат бўлиб қолади. Баъзан ўзлари мустақил равишда бундай сўзлардан рўйхат тузиб олишади.

– Уларнинг ўйин майдончаси-чи?

– Вақти билан ундан тобора камроқ фойдаланишди. Уни ўт босиб кетади. Темирлар занглайди. Баъзан, унинг атрофини баланд девор билан ўраб ташлашади.

– Ўраб ташлашади?

– Ҳа. Ҳамманинг баҳонаси ҳар хил. Кимдир: «Аллақачон катта бўп қолдим», – дейди. Кимдир: «Бунга вақтим йўқ», – дейди. Яна бир хиллар: «Мен етарлича яхшимасман» ёки «Етарлича ақлим йўқ», – дейди. Буларнинг бари майдончани ўраб олган деворлар. Вақти келиб деворларни ҳам чирмовуқлар чирмаб олади, тиканли буталар тўсади. Шунақа ча-

калакзор пайдо бўлади-ки, одам унинг ортида бир пайтлар истаган ўйинларини ўйнаган майдонча тугул, деворлар ҳам борлигини унутиб қўяди. – Кейси Жессикага қаради. – Баъзан эса майдончага қулф ҳам осиб қўйишади.

Жессика кўзини олиб қочди.

– Баъзан эса ўз ўтмишингдан иложи борича узоққа қочгинг келади, – деди Кейси. – Бир пайтлар у бир нарсаларни орзу қилган ўйин майдончаси бўлгани ҳақидаги хотиралар жуда оғриқли. Бу оғриқдан қутилиш учун майдонча атрофига девор кўтарибгина қолмай, каттакон қулф ҳам осиб қўяди. «Етар, – дейди у. – Энди ҳеч қачон ишонмайман. Ҳеч қачон ўзимга ўйнагани изн бермайман».

– Бу одамлар билан нима бўлади? – шивирлаганча сўради Жессика. У ғилтиллаётган кўз ёшлари билан олишарди.

– Айримлар ғазабланишади. Жаҳл, ҳафсала пир бўлиши, ишонишни истасанг-да, бунга изн бермасликдан орттирилган танглик ич-ичдан кемиради. Ҳар куни ўз таъсирини кўрсатадиган оғуға айланади. Бундай одамлар дунёдан беркиниб олишади, улар ортиқ оғриққа дош бера олишмайди. Аммо улар ўзларини баттарроқ жароҳатлашади.

Жессика пиқирлай бошлади. Унинг елкалари титрарди.

– Нима қилишнIAM билмай қолдим, – зорланди у.

Ясамаликдан асар ҳам қолмади. Либос ва ташки кўриниш. Машина. Ички дардни беркитиб турган бу тузоқлар бошқа аҳамият касб этмасди.

– Мен ўз майдончамга қулф осганимга кўп бўлди. Ўзимга оғриқли бўлишига йўл қўймайман, деб онт ичдим. Аммо мен бу деворларни суяб туришдан, қочиб юришдан чарчадим. Мен шунчаки... – Жессика чайналиб қолди.

– Озод бўлишни хоҳладингиз, – деб унинг гапини яқунлади Кейси.

Жессика бош ирғади.

– Ҳа, озод бўлишни, – шивирлади у. – Фақат қандай халос бўлишни билмайман.

Кейси унга қаради.

– Кўпгина одамлар қисқа вақтда озод бўлиш билан оғриқ овозини бостиришга уринадилар. Улар ичкиликка берилади, психотроп воситаларни истеъмол қилишади ва ўзларига керак бўлмаган нарсаларни сотиб олишади. Ҳаётларига кераксиз бўлган ташвишларни бунёд этадилар. Ўзларини тирик ва озод ҳис қилиш учун қўлдан келган ҳамма нарсани бажаради. Аммо оқибатда дардлари янада кучаяди.

– Буни биладан, – деди оҳиста Жессика. – Мен шундай яшадим. Ҳозиргача шундай яшаяпман.

– Унақада бошқа йўлни танлаганлардан бирига айланарсиз.

– Бошқа йўл?

– Айрим одамлар, сиз айтгандай, деворни тираб туришдан чарчашади. Улар ўз майдончаларини кўрмаганларидан зориқишади. Улар янги ва янги деворлар тиклашгагина олиб борадиган озодлик топишга қисқа фурсатли уринишлар келтирган чарчоқдан

баттар толиқишади. Ана шунда улар дунёдаги энг катта ишонч сакрашларини амалга оширишга ва ўз майдончасини янгидан бунёд этишга аҳд қилишади.

– Бунинг иложи борми?

Кейси бош ирғади:

– Ҳа, бунинг ҳамма вақт иложи бор. Одам неча ёшдалиги ёки қай ҳолатдалиги аҳамиятсиз. Ҳечдан кўра, кеч бўлсаям яхши.

Жессика бир неча лаҳза жим қолди. Кейин Кейсига қаради.

– Мен нимадан бошлайман?

– Аста-секинлик билан. Авайланганча. Ёки йўлидаги ҳамма нарсани кунпаякун қиладиган катта бульдозер каби. Ҳар кимнинг усули ҳар хил. Бу шахсий танлов. Барча вазиятларда эса битта умумийлик мавжуд – бир куни киши майдончасидаги қулфни кесиб ташлашга аҳд қилади. Бу биринчи қадам – ўзликка қайтишга илк уриниш. Кейин эса қадамма-қадам, девордан чирмовуқларни юлиб олади. Шунда деворлар асил ҳолида кўзга ташланади. Улар деворларнинг асли нимаданлигини кўрадилар – деворлар ўзлари ўйлаб топган баҳоналардан иборат экан. Кўпинча бу деворларнинг қуруқ баҳоналардан иборатлигини кўриб англагач, деворлар кўздан ғойиб бўлишади.

– Буни тасаввур қилиш қийин, – таъкидлади Жессика.

– Биламан, – тасдиқлади Кейси. – Аммо айнан шундай. Майдончангизни бир пайт ўраб турган деворлар ғойиб бўлиши биланок, у билан алоқангиз тикланади.

Бу эса ўт босган майдонни тозалашга илҳомлантиради. Сизни нима бахтли қилганини кўриш имконига эга бўласиз. Балки, ундаги ҳамма нарса сизга асқотмас. Ёки улар сизга аввалгидек бошқача шаклда зарур бўлар. Кейин сиз қайта қуришни бошлайсиз. Янги жой ва янги майдонча.

– Янги ҳаёт, – қўшимча қилди Жессика.

Кейси бош ирғади.

– Сиз нима учун буларнинг иложи борлигига бунчалар аминсиз? – ижикилади Жессика.

Кейси ўрnidан турди, ликопларни йиғиштириб оларкан, Жессикага қаради.

– Чунки ўзим бу босқичларнинг ҳаммасидан ўтганман. Менинг ҳаётимда ҳам яшириниш, қочиб юриш, ясамаликдан тўйиб кетган кунлар бўлган. Ўша куни майдончам қулфини кесиб ташлаганман ва қайтадан қура бошлаганман.

20-БОБ

Мен деразадан кўз ташладим. Кейси ўрнидан турди. Бунга қадар Жессика иккиси нима ҳақиқадир қизгин гаплашаётган эди.

«Нечун» қаҳвахонасида хуш кўрдик, ўйладим яна.

– Блинчикларни ағдариш керак, – эслатди Эмма.

– Ў-ў, ҳозир-да.

Мен капгирча билан блинчикни ағдариб қўйдим.

– Деярли тайёр. Бир дақиқа бу тарафи қизарсин, кейин даданг иккинги нонуштани бошлайсизлар.

– Омлетим-чи?

Очиғи, Эмма омлетни эсидан чиқарса керак, деб ўйлагандим. Мен унга айбдорона тикилдим.

– Эмма, кечирасан-у, аммо омлет қилишни билмайман.

– Билмайсан? – ишонқирамай сўради у.

– Шунақа.

– Ҳечқиси йўқ.

Мен энгилгина хўрсиндим.

– Сенга шунчаки кимдир керак, – давом этди у.

– Нима?

– Нимамас, ким!

Мен блинчикларни ликопга солдим, Эмма эса уларга қиймаланган меваларни қўшди.

– Бирор нарсани қилишни билмасанг, буни биладиганларни топиш керак. Кейин ундан ёрдам сўраш керак. У сенга кўрсатади ва билиб оласан. Бу ана шундай супержўн нарса! Биладиган нарсаларимни деярли барини ана шундай ўрганганман.

Мен жилмайдим. Агар кўплаб одамлар учун ўтиб бўлмайдигандек тўсиққа дуч келсангиз, уни бир оғиз сўзда ифодаланган оддийгина нарсага айлантирганча, йўлдан олиб ташлаш керак бўлса – буни етти ёшли болага қўйиб беринг.

– Бунга сени ким ўргатди? – қизиқдим мен.

– Дадам.

– Бу ўша яхши «кимдир»ми?

Эмма фахр билан бош ирғади.

– Аҳа, у кўп нарсани билади. Айнан у менга тахтада учишни ўргатди.

– Ҳақиқатан. Энг муҳими, серфинг ҳақида нималигини билдингми?

У қўлларини ёнига қилганча, тик турди.

– *Сувга тушишни ўрганмай туриб, серфингни ўрганиш мумкинмас.*

Мен кулиб юбордим.

– Мана бу асил ҳақиқат!

Айни шу дамда Майк кириб келди.

– Нонушта тайёр бўлдимми?

– Жонга «кимдир» керак, дада. Унга омлет тайёрлашни кўрсатасанми?

Мен жилмайган кўйи тушунтирдим:

– Эмма менга қандай қилишни билмасам, менга кимдир кераклигини айтди.

- О, бу борада у маҳоратли!
 Майк дастаси узун товани олди.
 – Бундан осони бўлмайди.
 Майк менга жараён сирларини тушунтираётган пайти Кейси кириб келди.
 У Майкнинг кифтига қоқиб қўйди ва мақтади:
 – Бунчалар хушбўй!
 – Биз блинчиклар ва фарангча гренадалар тайёрладик, дадам эса Жонга омлетни ўргатяпти.
 Кейси келтирган идишларни чаноққа солди.
 – Жессика қалай? – сўрадим мен.
 – У икки дақиқалар холи қолгани яхши, – деди Кейси.
 Мен унга елкам оша қарадим.
 – Рост биланми? Сизлар бир нарсаларни роса муҳокама қилгандай кўриндинглар.
 – Шунақа. Энди у пича ўзи билан ўзи гаплашиб олсин. У сенинг кечмишингни эшитгани фойдалими, деб қўйдим.
 – Бўл, бўла қол, – кучлади Майк. – Бу ишни ўзим тугаллаб қўяман. Деярли тайёр бўлди.
 – Яхши, – журъатсизгина ғулдурадим мен. Буни қанчалар яхшилигига амин эмасдим. Дастлаб ички туйғумга ишондим, Жессика билан гаплашдим. Аммо айна дамда менинг ички овозим соқовлигича қолганди.
 – Олдига борганинга яна ҳис қила бошлайсан, – Кейси далда берди ва менга сочиқни отди.
 Қўлимни артдим ва сочиқни ўзига қайта улоқтирдим.

- Эмма, суҳбатимизни сал кейинроқ тугатамиз, майлими? – сўрадим мен. – Сен серфинг ҳақида яна нималарни билганинга қизиқяпман.
 У менга тикилди ва кейин блинчик устига сиропли стаканни кўтарди.
 – Сиропли вулқон! – эълон қилди ва уни ағдарди.
 Мен жилмайдим.
 – Буни ўз саволимга «ҳа», деганингдай қабул қилман.
 Эмма тиржайиб қўйди.
 – Хўп.

- М**ен Жессиканинг олдига бордим. Аёл уммонга термулганча, хаёл суриб ўтирарди.
- Нонушта ёқдимми?
 - У йиғлаётган экан, ёшларини кафти билан артиб олди.
 - Сиз бошқача қахвахоналарга ўрганиб қолгансиз, тўғрими? – сўрадим мен.
 - У менга қаради-ю, жилмайди ва ёноғини яна артиб олди.
 - Ҳа, шунақа.
 - Аҳволингиз жойидами?
 - У яна уммонга тикилди.
 - Менимча, ҳа.
 - Ёнингизга ўтирсам майлими?
 - Бемалол, – деди Жессика ва қаршисидаги креслога ишора қилди.
 - Мен ўтирдим.
 - Бу қанақа жой? – сўради у икки сониядан кейин.
 - Бу ер – ҳаётингизни тамоман ўзгартириб юборадиган аломат жой.
 - О, албатта, бир оғиз гап билан барини англандингиз-қўйдингиз, – ўзини жилмайишдан тўхтатолмади у.
 - Икки дақиқача сукут сақлаб ўтирдик.
 - Кимсиз? – ва ниҳоят сўради у.

- Нимани назарда тутяпсиз?
- Сиз аслида ким? Кейси айтди-ки, Майк бу ернинг эгаси экан. Эмманинг айтишича, дадаси бу ернинг асосий ошпази экан. Унақада сиз қайси вазифадасиз? Шу ерда ишлайсизми?
- Мен жилмайдим.
- Бугунча, холос.
- У тушунмагандек қаради.
- Сизга батафсил айттайми ёки лўндагина?
- Бошлайверинг-чи, – таклиф қилди у. – Хонаси келганида батафсил айтиб беришингизни сўрайман.
- Бу жўяли гап.
- Гапни нимадан бошлаш ва қанчалар чуқурлашиб кетишни билмай, ўйланиб қолдим.
- Ўн йиллар олдин мен биринчи мартаба бу масканга кириб қолдим, – сўз бошладим мен. – Мана шу қахвахонага.
- Мен бу қахвахона ўшанда бутунлай бошқа бир жойда бўлганини ва қандайдир ҳолда, ҳеч нарсаси ўзгармаган ҳолда бу ерда – Гавайи оролларида пайдо бўлиб қолганини айтдим. Жессикани бошқа гаплар билан чалкаштириб ташлашдан маъно йўқ эди.
- Ўша пайтда ўз ҳаётимни элақдан ўтказиб олишим керак бўлган эди.
- Нимани назарда тутяпсиз? Сиз бахтсизмидингиз?
- Гап бахтсизликдамас. Мен шунчаки бахтли эмасдим. Қандайдир умумий ҳаммаси «жойида» ҳолатда ўралашиб қолгандим. Ишда ҳаммаси «жойида» эди, ишдан ташқарида ҳам. Бошқалар билан муносабатим бинойидек эди. Аммо ич-ичимда нимадир ҳаётда

бундан кўра каттароқ нарса бўлиши кераклигини таъкидлаб турарди. Кейин эса воқеалар занжири юз бера бошлаб, мени ўйланишга мажбур қилди.

Жессика менга саволомуз тикилди.

– Сиз билан нима юз берди?

– Бир куни кечки пайти уйда ўтиргандим ва менга ота-онам кўнғироқ қилиб қолишди. Улар 82 ёшли бобомнинг ҳозиргина дунёдан ўтганини айтишди.

– Ҳамдардман.

– Раҳмат. Бунга кўп йиллар бўлиб кетди. Биз унчаларам яқинмасдик. Ота-онам ўз ота-оналаридан узоқда яшашарди. Шундай экан, мен гарчи бобом бўлса ҳам уни яхши билмасдим. Лекин қандайдир сабабга кўра, унинг ўлими мени ларзага солди. Гўшакни қўйгач, ўз ҳаётимга назар ташладим ва ўйладим: «Шу ҳолда давом этаверсам, шундай яшайверсам...»

– 82 ёшимда бахтли бўламанми? – гапимни яқунлади Жессика.

Мен бош ирғадим:

– Худди шундай. Жавоб эса салбий эди – бахтли бўлмасдим. Мен шунчаки «жойида» бўлардим. Жавобим салбий бўлганидан кейин, ҳозир беш йил олдинги воқеани эсладим. Ўшанда эндигина коллежни тамомлаган, «ишга жойлашиш воқелиги»га қадам қўйгандим. Мени ўз шахримиз марказидаги компания офисига суҳбатдан ўтказиш учун чақиришди. Костюм кийиб, оҳорли қўйлагимга мос галстук таққанча, ноқулай туфлимга оёқ суқдим. Ноутбук солинган янгигина сумкамни елкамга осганча, шаҳар марказига элтадиган поездга ўтирдим. Бу томонларга

илгари келмаганим учун поезддан тушгач, бошқа томонга бурилиб кетибман. Айнан ўша «бошқа томон» оқибатда тўғри бўлиб чиқди.

– Яъни? – ажабланди Жессика.

– Бошқа томонга бурилгач, бирдан тўхтаб қолдим. Одамлар оломонига тикилдим, улар вагондан чиқиб, ҳар томонга интиларди. Ҳаммаси катта-кичик ёшдагилар. Бу ола-қуроқ оломонга қараганча, баъзи бир нарсаларга эътиборни жамладим.

– Хўш, нималарга?

– Уларнинг ҳеч қайсиси жилмаймасди. Бирортасиям. Жессики тушунгандек бош ирғади.

– Шу куни, – давом этдим мен. – Бундай бахтсиз кўринишдаги одамларнинг барига назар солиб, ҳеч қачон улардек бўлмайман, дея аҳд қилдим. Менинг ҳаётим бошқача бўлади.

Жессика яна бош ирғади.

– Хўш, уни бошқача қилдингизми?

Мен бош чайқадим:

– Гапнинг очиғи, бундай қилолмадим. Айнан мана шуни ўша – бобом ўлганини хабар қилишган оқшомда англадим. Ҳаётимни бошқача қилмоқчи эдим. Уни бошқача қиламан, деб аҳд қилгандим. Аммо орадан мана беш йил ўтиб кетди ва унда бирорта фарқни тополмадим.

– Нима қилдингиз?

– Мен булардан олисроқ бўлиш учун, жўнаб кетмоқчи бўлдим. Машинага ўтирдим ва бир қатор сабабларга кўра, тамомила адашиб қолдим. Адашганимни англаганимдан кейингина яхши таомлари, ажойиб

одамлари ва ғаройиб саволлари бор менюга эга кичик бир қаҳвахонага дуч келиб қолдим.

– Сиз мана шу қаҳвахонага учраб қолгансиз, – изоҳ берди Жессика.

– Аҳа.

– Кейин-чи?

– Мен бу кафеда тунни ўтказдим. Шунчаки бу ердаги одамлар билан гаплашиб чиқдим. Майк ва Кейси ҳамда яна шу ернинг мижози бўлган бир жувон билан. Уларнинг кечмиш-у, тажрибаларидан ҳикоялар тингладим. Бошимдан нималар кечган бўлса – уларга айтиб бердим.

– Бундай гапларни беш-бегоналар билан дардлашиш сизга ғалат туюлмадими?

Мен кифтимни қисдим.

– Сираям. Мен ўзимдаги «жойидалар» ҳиқилдоғимга келган пайти улар билан учрашиб қолдим. Бу эса бошқа пайтлари менга эриш кўринадиган нарсаларга бошқача қарашга мажбур қилди. – Мен кулиб юбордим. – Энди эса нотанишлар билан гаплашиш энг севимли эрмагимга айланган. Бир марта бунинг мазасини татиб кўрсанг – тамом, буларнинг ҳеч қандай ғалатлиги қолмайди.

– Кейин нима бўлди? – сўради Жессика.

– Қаҳвахонадаги ўша тун ҳаётимни ўзгартириб юборди. Мен илгари ҳаёлимгаям келмаган нарсаларни билиб олдим. Дунёни илгари кўрмаган тарзда кўра бошладим. Албатта, шунчаки «жойида»дан кўра, каттароқ ҳаётга разм солдим. Шундан бошлаб, янгича ҳаётда яшашга аҳдми ёки қарор қилдим.

– Яшай бошладингизми?

Мен бош ирғадим.

– Худди шундай!

Майк гренкадан бир бурда тишлади ва майдонча томонга имо қилди:

– Чамамда, Жон билан Жессика тоза тил топишди-ёв.

Эмма шарбатдан бир қултум хўплади.

– Жон ажойиб экан. Яхши киши.

Кейси Эмманинг сочлари и силади.

– Жессика ҳам яхши.

– Унда нимага йиғлайди?

– У ўйнаб-кулишни эсдан чиқариб қўйган-да, – изоҳ берди Кейси.

– Унга эслаб олиши учун ёрдам беришни хоҳлайсанми? – деди Майк қизчасига. – Сен ўйинни қотирасан-ку.

– Бўпти. У нимани ўйнашни хоҳлайди?

– Аниғини билмайман, – Кейси елка қисди. – Буни ўзиям билмаса керак. У бир пайтлари ҳалинчакда ўчишни ёқтирганини айтгандай бўлувди.

– Балки, уни қирғоқдаги ҳалинчакларга олиб борармиз? Улар жуда ғаройиб ҳалинчаклар! Унинг арқонлари айланиб-айланиб, ўралиб қолганидан кейин, шунақа чириллаб бўшанади-ки!

Майк жилмайди.

– Бу зўр ғояга ўхшайди. Бу – унга жуда ёқади, деб ўйлайман.

– Ҳозироқ бора қолсак-чи?

– Аввал нонуштани тушириб олишса-чи? Кейин Кейси иккинги уни соҳилга олиб борасизлар. Мен Жон билан шу ерда қолиб, ошхонани тартибга келтиришда кўмаклашиб тураман.

– Ҳўп.

Эмма шоша-пиша блинчикларни паққос туширди.

– Дада, битта савол.

– Қани?

– Ўйинниям эсдан чиқариб бўладими?

Майк яна жилмайди. У ёш болалар ахборотни қандай қайта ишлашларидан ҳайратланарди. Улар эшитиб-эшитиб туришади-да, битта савол беришади ва ўйланишади. Агар тушунмасалар, то тўлиқ англаб етмагунларича, яна сўрайверишади

– Чамаси, Жессиканинг болалиги оғир кечган бўлса керак, – деди Кейси. – Унинг ёнида худди сенинг данданг каби ўйиндан келадиган қувончларга ўргатувчи одам бўлмаган.

Эмма бир дақиқа ўйга толди.

– Бу қайғули.

– Ҳа, қайғули, – маъқуллади Кейси.

– У яна ўйнай олармикин? – сўради Эмма.

Кейси жилмайди.

– Ўйлашимча, шундай. Қувончи ҳам қайтса керак.

Мана тасаввур қил, ўйинчоғинг каравот тагига тушиб кетди ва сен уни узоқ пайт ўйнамай юрдинг. Кейинчалик уни тамоман унутдинг. У сен учун йўққа айланди.

Бир куни уни топиб оласан ва яна ўйнай бошлайсан. Ҳаммаси қайтиб кела бошлайди. Бу қанчалар ажойиб ўйинчоқ эканини эслайсан.

– Бир марта бахмал дельфинчамни йўқотиб қўйгандим, – хаяжонланганча, гапни улаб кетди Эмма. – Унинг номи – Дольфи эди. Уни ҳамма жойдан ахтариб чиқдим. Шунақа хафа бўлдим-ки. Кейин уни тамомила унутдим. Бир куни мени хонаминг деворларини бўяш учун нарсаларни ташқарига олиб чиқар эдик. Шунча пайтдан бери Дольфи шкафча ортида ётган экан! Энди мен уни ҳалиям ўйнаб юрибман.

Кейси жилмайди.

– Мана кўрдингми, қанчалар ўхшаш. Агар Жессикани ҳалинчакларга бошлаб борсанг, ўйин қанчалар яхши нарсалигини эслай бошлайди.

– Дольфим билан бунақаси зўр чиққанди! – жонбозлик билан хитоб қилди Эмма.

(Давоми кейинги китобда)

Жессика ҳалинчаклардан ўз қувончини топадими?
Унинг асил муаммоси нимада?

Унинг олдинги ҳаётида нималар юз берганди?

ШКТ нимани англатади?

Буларни билиш эса сизнинг китобни иккинчи қисмига бўлган қизиқишингизга боғлиқ. Бу ҳақдаги фикрларингизни бизнинг сайтимизга ёзинг, ёки қўнғироқ қилинг. «Қаҳвахонага қайтиш» китобининг кейинги қисмида сизни янада қизиқ тафсилотлар кутмоқда!

23-Б0Б

Биз Жессика билан ҳамон суҳбатлашмоқда эдик.
У финжондан хўплаб қўйди.

- Хўш, бу қанақа экан-а?
- Айнан нима?
- Бошқача ҳаётни танлаш.

Мен жилмайдим.

– Бари бир тавсия қиламан. Айниқса, ҳаётингизда ҳаммаси шунчаки фақат «эл қатори» бўлса-ю, ўзингиз ундан каттароғини истасангиз.

Жессика жавобан жилмайди.

– Бу ерга яна қайтиб келганингиз ҳақида ўзингиз нима деб ўйлайсиз? – сўради у. – Нега айнан ҳозир? Сиз ҳаммасини ҳал қилиб бўлгандайсиз-ку, шундай-ми? Ҳаётингиз «эл қатори»дан яхшироқ бўлса...

– Ҳа, сиз таъкидлагандек, ҳаётим «эл қатори»дан яхшироқ, – кифт қисдим мен. Бу ерга нима учун яна ва яна келиб қолганимга ҳайронман. Балки, яна бир нарсадан сабоқ олиш учун бўлса керак-да? Балки, аллақачон билиб олганларимни баҳам кўриш учундир? Бунга аминмасман.

– Мен билан нимани баҳам кўришишингиз мумкин?

Мен жилмайдим.

– Нимани билмоқчисиз ўзи?

Жессика олдинга сал энкайди.

– Кейси – ким? У тасаввуримни ағдар-тўнтар қилиб ташлади.

– Аҳволингиз яққол кўриниб турибди. Нима бўлди ўзи?

Жессика Кейси билан бўлиб ўтган гапларни, хусусан ўйин майдончаси ҳақида айтиб берди.

– Бунинг нимаси мени ларзага солганини билмайман, – иқроп бўлди у.

– Балки, унинг ҳаётингизга алоқаси борлиги учун бўлса керак.

Жессиканинг юзига ғусса соя ташлаганини кўрдим.

– Бу ерда аввалги гал бўлганингизда ўрганганларингизни биттасини бўлсаям айтиб беринг, – илтимос қилди у.

Мен кулиб юбордим.

– Фақат биттасиними?

– Бошланишига, дейман-да.

Мен бир-икки лаҳза ўйланиб қолдим.

– Поездда ўтган гапни айтиб берайми?

У жилмайди.

– Поездда яна бошқа воқеа ҳам бўлган экан-да.

– Ўша сафар қаҳвахонадан кетганимдан кейин, шу пайтгача яшаган ҳаётим билан бошқа яшолмаслигимни англадим. Аслида қанақа ҳаётда яшашим кераклигини билмасдим, – Нигоҳимни менюга ташладим.

– Ўша пайтдаги менюда бир қанча саволлар булардан фарқ қиларди. Чамаси, саволлар ҳар кимга ҳар хил бўлса керак.

Жессика бош ирғади.

– Кейси шунга ўхшашроқ гап қилганди. У нимани назарда тутганини англамагандим.

– Тасаввур қиялпман, – дедим мен. – Мендаги менюда биринчи савол «Сиз нечун бундасиз?» – эди.

– Меникида ҳам худди шу савол. Бу нимани англа-тишини яхши тушунолмадим.


– Бу қаҳвахонага биринчи марта тушганимда, мен ҳам тушунмаганман.

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ ҚИСМ

ИККИНЧИ ҚИСМ

Сўзбоши.....	3	«Нечун» қаҳвахонасига қайтиш.....	119
Дебоча.....	5	Дебоча.....	121
1-боб.....	8	1-боб.....	122
2-боб.....	11	2-боб.....	127
3-боб.....	15	3-боб.....	130
4-боб.....	17	4-боб.....	133
5-боб.....	22	5-боб.....	135
6-боб.....	26	6-боб.....	138
7-боб.....	30	7-боб.....	140
8-боб.....	35	8-боб.....	143
9-боб.....	40	9-боб.....	147
10-боб.....	47	10-боб.....	150
11-боб.....	55	11-боб.....	152
12-боб.....	61	12-боб.....	155
13-боб.....	71	13-боб.....	159
14-боб.....	76	14-боб.....	163
15-боб.....	83	15-боб.....	166
16-боб.....	90	16-боб.....	172
17-боб.....	96	17-боб.....	176
18-боб.....	103	18-боб.....	180
19-боб.....	107	19-боб.....	185
Хотима.....	109	20-боб.....	192
Мулоҳаза учун саволлар.....	112	21-боб.....	196
		22-боб.....	201
		23-боб.....	204



*Ушбу ўзбек тилида нашр этилган китобни
тўлиқ ёки қисман босиш, электрон шаклини эълон қилиш
ва муаллифлик ҳуқуқини бузиб, бошқа мақсадларда
фойдаланиш – қонунга мувофиқ қатъиан тақиқланади.*

Адабий-бадиий нашр

ЖОН СТРЕЛЕКИ

Лойиҳа муаллифи: Раҳмат РАШИДОВ

**ЕР ЧЕККАСИДАГИ
ҚАҲВАХОНА**

«Sharq-ziyo zakovat»
нашриёт-матбаа уйи
Тошкент – 2021

*Инглиз тилидан
Муштарий Винерова Шухрат қизи таржимаси*

Муҳаррир: Мейлижон Садиров
Бадий муҳаррир: Шаҳзода Султонова
Техник муҳаррир: Шербек Ёдгоров
Саҳифаловчи: Нурзоид Султонов

**Нашр лицензияси: АИ № 286,
2016 йил 04 ноябрь санасида берилган.**

Босишга рухсат этилди 27.03.2021. Бичими: 60x84 ¹/₁₆.
«PT Serif» гарнитураси. Шартли босма табоғи 13,25. Нашриёт-ҳисоб
табоғи 13,75. Адади: 1000 нусха. 13-сонли буюртма.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Оригинал макет «SHARQ-ZIYO ZAKOVAT» нашриёт-матбаа
уйи тахририятида тайёрланди. «Sharq-ziyo zakovat»
МЧЖнинг матбаа бўлимида офсет усулида чоп этилди.



МИЛЛИОНЛАБ НУСХАДА ЧОП ЭТИЛГАН ВА 30 ТИЛГА ТАРЖИМА ҚИЛИНГАН УШБУ ЖАҲОНШУМУЛ БЕСТСЕЛЛЕР – ГЕРМАНИЯДА 10 ЙИЛ САВДОДА ЕТАКЧИ БЎЛДИ.

Бош қаҳрамон Жон билан қисқа, аммо кашфиётларга тўла ўз-ўзингизга ҳамда ўзлигингизга бўлган йўлни босиб ўтасиз. Ҳар биримиз замонавий ҳаётнинг шопма-шошар тартибсизликлари ва хавотирлари орасида бир марта бўлса-да, тўхташимиз ва муҳими: “Мен нечун бундаман?” – деган саволига жавоб беришимиз лозим. Нима аҳамиятга эга эканини англаш, ҳаётингиз мақсадини кўриш ва ҳар куни ўзингизни бахтли ҳис қилганча, унга интилиш керак.

Жон П. Стрелеки – иқтидорли ёзувчи, нотик ва коуч (руҳшунос мураббий). Бир пайтлар бизнес-маслаҳатчи бўлган Жон ўз рафиқаси билан дунё бўйлаб тўққиз ойлик сафарга чиқди. Бу йўллардан орттирган тажрибаси илк бестселлери – “Ер чеккасидаги қаҳвахона”ни ёзишга илҳомлантирди. Асарнинг беқиёс муваффақияти туфайли муаллифнинг бошқа асарлари ҳам ёзилди ва уларнинг бир нечтаси бестселлерга айланди.

“Ҳар биримиз ҳаётда бир марта бўлсин “Нечун” қаҳвахонасида бўлганмиз. Бу жойга “буларнинг бари нимага керак?”, “бахтлиманми ўзи?” каби саволлар билан келгач, бу ерни энди қандай яшашга оид ишоралар ва равшан тушунча билан тарқ этасан. Жон П. Стрелеки жавобларни қандай топганини билади. Ахтариш жараёни толиқтирмаслиги учун уни кичик бир қиссахонлик шаклига киритган. Ёзувчининг “Дунё четидаги қаҳвахона” китоби – ўз ҳаётида озгина адашиб қолганлар учун ёқимли ва илҳомбахш муталаадир”.

Олга Севастьянова,
Cosmopolitan журнали муҳаррири

ISBN 978-9943-6747-9-0



9 789943 674790